КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Э.Х. МАХМУДОВ

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан олий
ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

E.H. MAHMUDOV

ECONOMY OF THE ENTERPRISES

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

468186

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДИУ, 2004 – 208 бет.

Корхона - миллий иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинидир. Демак, корхона иқтисодиёти асосларини билиш малакали мутахассислар тайёрлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Мазкур қўлланма корхона иқтисодиёти бўйича муайян билимларни эгаллашга кўмаклашади.

Бозор иқтисодиёти ва рақобатчилик шароитларида корхона фаолиятини амалга оширишни таъминловчи замонавий иқтисодий механизм, кадрлар потенциали ва кадрлар сиёсати, меҳнатга ҳақ тўлаш, ресурслар ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва прогнозлаштириш, инвестицион ва инновацион фаолият, харажат, даромад ва рентабеллик, баҳони шакллантириш, корхонанинг тижорат сири ва иқтисодий хавфсизлиги каби масалалари баён этилган.

Қўлланма талабалар, аспирантлар ва ўқитувчиларга, шунингдек, корхона иқтисодиёти билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Ш.Р.Холмўминов
Тақризчилар: и.ф.д., проф. М.Л.Турсунходжаев;
и.ф.н., проф. А.Ортиқов;
и.ф.н., доц. А.Эгамбердиев

Mahmudov E.H. Economy of the enterprises (manual). – T. TSEU, 2004. – 208 pages.

An enterprise is the main production part of national economy, therefore knowledge of economic basis of the enterprises – an indispensable condition for preparation of qualified specialists. This manual will be helpful to acquire this knowledge.

The manual covers modern economic mechanism providing viability of the enterprise in market and competition conditions, personnel potential and personnel policy, payment, resources and their usage, planning and forecasting of manufacture, investment and innovational activity, costs, profit and profitability, pricing, trade secret and economic safety of the enterprise.

Manual is intended for students, candidates of economic science and teachers, and also for those who are interested in problems of enterprises economy.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh.R.

References: doctor of economic science,
prof. M.L.Tursunhodjayev;
candidate of economic science, prof.A.Artikov;
candidate of economic science,
dotsent A.Egamberdiev

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, мамлакат ҳаётида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, фан-техника тараққиётини (ФТТ) жадаллаштириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Бунга иқтисодиётга киритилган янги инвестициялар ва мавжуд моддий-техника асосини модернизация қилишдан ташқари бошқарувнинг демократик тамойилларини кучайтириш, корхона, фирма ва уларга тенглаштирилган ишлаб чиқариш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ мустақиллик доирасини кенгайтириш, сиёсатнинг иқтисодиётдан устунлигига барҳам бериш, инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларида ташаббускорлик, изланиш ва ҳоказоларнинг ривожланиши ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Мустақиллик ҳамда барча хўжалик юритиш тизимининг бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланувчи корхона мақоминиng сезиларли равишда ўзгаришига сабаб бўлди. Корхоналар эндиликда давлатга тегишли бўлган пайтлардагидан фарқли ўлароқ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятларини директива кўрсаткичлари асосида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси "Корхоналар тўғрисида"ги қонуни ва бозор талабларига асосан мустақил равишда юритмоқда. Улар ўзларига керак бўлган ишчи ва ходимлар сонини мустақил белгиламоқда, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси, тежамкорлик режимига риоя қилиш масалалари билан шуғулланмоқда, замонавий маркетинг ва менеджментни йўлга қўймоқдалар ҳамда жорий ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар ва ривожланишнинг зарурий прогнозларини амалга оширмоқдалар.

Шу каби масалалар "Корхона иқтисодиёти" курсининг мазмунини ташкил қилиб, уларни ўрганиш иқтисодчилар (мутахассисликлари ва бўлажак иш жойларидан қатъиназар) тайёрловчи кўплаб олий ўқув юртларининг ўқув режаларида кўзда тутилган. Ушбу курс бўйича бир қанча дарсликлар чоп этилган (айниқса Россияда) бўлиб, улар барча ўқувчилар, биринчи навбатда, иқтисодчилар учун жуда қизиқарли ва фойдалидир.

Мазкур ўқув қўлланмаси ушбу курс бўйича мавжуд бўлган бошқа дарсликларни алмаштиришни талаб қилмайди. У биринчидан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаларига мўлжалланган курс дастурига асосан янада ихчамроқ тайёрланган, иккинчидан, унда келитирилган, айниқса, амалий қисмдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси корхоналари

фаолиятида юзага келувчи иқтисодий ҳолатлар билан боғлиқ, учинчидан эса, у ёки бу муаммони топиш ва ҳал қилишда муаллиф нуқтаи назарини акс эттиради.

Мазкур қўлланмага "Корхона иқтисодиёти" фани бўйича аввал чоп этилиб, мазкур фан ўқитувчилари ва талабалар ҳамда корхоналар фаолиятининг иқтисодий муаммолари билан қизиқувчилар ўртасида яхши баҳоланган маъруза матнлари асос қилиб олинган. Шу билан бирга қўлланмага фаннинг у ёки бу масалаларига янгича ёндашилиб, янги бўлимлар ва қўшимчалар киритилган, статистик, амалий ва бошқа ахборот маълумотлари янгиланган.

Бироқ бу маълумотлар ҳам вақт ўтиши билан эскиради, чунки дунё доимо ўзгаришда бўлади: ҳаёт ҳам, ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамда кишиларнинг ўзаро муносабатлари ҳам ўзгариб боради. Бундай шароитларда корхоналарнинг яшовчанлиги ёки аниқроқ айтганда барқарорлиги кўп жиҳатдан иқтисодий фаолиятнинг ҳолатига, яъни ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш усуллари, меҳнатни ташкиллаштириш ва унга ҳақ тўлаш меъёрларига риоя қилиш, бозор талабларига ўз вақтида жавоб бериш, техник ва инвестицион қарор қабул қилишда янглишмаслик ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришда бу масалаларни ҳал этиш нечоғлик тўғри ва самарали амалга оширилишига корхона ва унинг ҳар бир ходими ҳамда бутун давлатнинг равнақи ва гуллаб-яшнаши ҳам боғлиқ бўлади.

Мазкур ўқув қўлланманинг мақсади - талабаларга барча иқтисодий масалалар ечимини топиш, келажакда иқтисодий билимлар олиш учун ўзига хос пойдевор бўлиб хизмат қилувчи замонавий корхоналар иқтисодиёти асосларини ўрганишга кўмаклашишдир.

I боб

«КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ» КУРСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Иқтисодиёт фан ва ишлаб чиқариш фаолиятининг соҳаси сифатида

"*Борлиқ онгни белгилайди*" ибораси маълум бир жиҳатлари билан ҳар бир инсон ҳамда жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг тузилишини англатади. Шу сабабли иқтисодиётнинг оила ўчоғи миқёсида, шунингдек, корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалиги миқёсида кўриб чиқилиши бежиз эмас. Сўнгги ҳолатда гап макроиқтисодиёт ҳақида, унинг тенденциялари, қонуниятлари ҳақида бориб, унда кўриб чиқиладиган муаммолар баъзи ҳолларда корхона иқтисодиётидан сезиларли равишда фарқланади.

"Иқтисодиёт" атамаси биринчи бор Аристотел томонидан киритилган ҳамда одамларнинг товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашдаги хўжалик фаолиятини англатган. Товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва реализация қилиш тизими қанчалик яхши ташкил қилинган бўлса, иқтисодиёт кўрсаткичлари ва аҳолининг турмуш тарзи, ресурслардан оқилона фойдаланиш, баҳони шакллантириш, солиққа тортиш, самарали қўлланувчи бошқарув тизими каби омилларни ҳисобга олган ҳолда, шунчалик юқори бўлади.

Иқтисодиётнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига ўз вақтида А.Смит юқори баҳо бериб, у инсонни "homo economicus" - "иқтисодий одам" деб атаган. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир одам иқтисодиётнинг моҳиятини, ҳаёт неъматлари нималар эвазига берилишини англамагунча, маблағларни ишлаб топиш ва улардан самарали фойдаланишни ўрганмагунча, оила миқёси ва ундан юқори даражадаги иқтисодиёт учун маъқул келувчи сифат ва миқдор ўлчамларига эга бўлади, деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Демак, иқтисодиёт ўлчамлари (ҳам салбий, ҳам ижобий) аввало инсонлар ҳаракати ва фаолиятининг, оқилона хўжалик юритиш, моддий бойликларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва тақсимлашни самарали олиб бориш қобилияти натижасида юзага келади.

Иқтисодиёт инсон ҳаётининг моддий, маънавий, физиологик ва бошқа эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ҳар бир жабҳасини қамраб олади. Оила қуриш, келажак авлодни тарбиялаш, зарурий турмуш тарзини таъминлаш учун одамларга озиқ-овқат, кийим-бош, турар жой ва бошқа воситалар керак бўлади. Бу предметлар, қандага кўра, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги кор-

хоналарда ишлаб чиқарилади. Шу сабабли иқтисодиётнинг, айниқса, аввалги маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги режали иқтисодиётдан фарқ қилувчи бозор иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ва қонунларини билиш, рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тушуниш ва исталган хўжалик муаммоларини ҳал қилишда муҳим шарт ҳисобланади.

«Иқтисодиёт» фан сифатида табиатда ҳамда инсон, жамоа ва жамият ҳаётида вужудга келувчи турли хил иқтисодий жараён ва ҳодисаларни прогнозлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича билимлар мажмуасини ифода этади. У бир инсон учун ҳам, бутун жамият учун ҳам зарур бўлган моддий ва номоддий объектларнинг катта қисмини ҳамда моддий ва маънавий неъматларни тайёрлаш ва тақсимлаш усуллари ва жараёнларини ўз ичига олади. Агар «Иқтисодиёт» фанининг меъёрий жиҳатлари корхона, фирма ва давлатнинг иқтисодий сиёсатини таъминласа, позитив жиҳатлари эса реал воқеликни баҳолайди ва таҳлил қилади ҳамда унинг ривожланишидаги қонуниятларни аниқлайди.

Шу тариқа «Иқтисодиёт» фани изланиш ва услубий вазифаларни бажаради ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида қабул қилинувчи амалий қарорлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Фан-техника тараққиёти шароитларида иқтисодиёт фани жамиятда бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Иқтисодий асослаб берилган ҳисоб-китоб ва прогнозлар «Иқтисодиёт» фанининг муҳим таркибий қисми сифатида хўжалик таваккалчилигини камайтиришга, ишлаб чиқариш ва ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиришга, шунингдек, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда энг тўғри танлов олиб боришга имкон яратади.

«Иқтисодиёт» фани таркибига *тармоқлар* (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва ҳоказо), *функционал* («Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси», «Иқтисодий статистика», «Молия ва кредит», «Баҳони шакллантириш» ва ҳоказо) каби *турли фан* («Иқтисодий география», «Демография», «Иқтисодиёт тарихи» ва бошқалар) тармоқлари тизими киради. «Иқтисодиёт» фанининг бу ва бошқа йўналишларида чуқур билимга эга бўлиш инсонларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оқилона хўжалик юритиш, кадрларни янги иқтисодий фикрлаш руҳида тарбиялашга катта туртки бўлади.

«Иқтисодиёт» фанининг, жумладан, юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг методологик асоси, уларнинг пойдевори бўлиб иқтисодий назария хизмат қилади. У реал воқелик билан боғлиқ бўлиш баробарида давлатнинг иқтисодий сиёсатини, унинг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, иқтисодий тараққиётга

эришиш мумкин бўлган йўлларни мос келувчи босқичларида акс эттиради. Бу мақсадда «Иқтисодиёт» фани статистик кузатув, гипотезаларни илгари суриш ва текшириш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, тажриба (эксперимент)лар ўтказиш каби бир қатор воқеликни англаш усул ва услубларини ишлаб чиққан ва улардан муваффақиятли равишда фойдаланади. Айтиш жоизки, бу усуллар нафақат иқтисодий, балки предмети ва тавсифига кўра, табиий ва бошқа турдаги фанларда ҳам қўлланиши мумкин.

Иқтисодиёт бозор муносабатлари йўлида ривожланаётган ҳозирги кунда эътиборга молик ва ечимини топмаган муаммолар талайгина бўлиб, «Иқтисодиёт» фанига қизиқиш ортиб бормоқда. Инсон ҳаёти ва фаолиятига муносиб, сиёсат ва давлат аралашувидан холи бўлган, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга йўналтирилган иқтисодиётни барпо этиш вазифаси қўйилмоқда. П.Самуэльсоннинг иқтисодиёт бўйича дарслигида кўрсатиб ўтилишича, "иқтисодиёт фанини мунтазам равишда ўрганиб бормайдиган одам мусиқий асарга ўзининг баҳосини бермоқчи бўлаётган гаранг кишига ўхшайди".

Шу билан бирга «Иқтисодиёт» фани барча ҳаётий муҳим саволларга тайёр жавоб бермайди, чунки иқтисодиёт ишлаб чиқариш, бошқарув, тартибга солиш, башорат қилиш соҳаси сифатида оддий фан тушунчасидан кўра, мураккаброқ категорияни англатади. У фақатгина илмий восита бўлиб, иқтисодий воқеликни англаш усули хизматини ўтайди. Иқтисодиёт иқтисодий фаннинг ўзига хос синов майдони, асосидир. Иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва қонунларини илмий жиҳатдан ўрганиш, «Иқтисодиёт» фани ва унинг алоҳида тармоқларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Моддий ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги реал иқтисодиёт мавжуд эмас. Моддий ишлаб чиқариш иқтисодиёт ривожланишининг асоси, хўжалик фаолиятининг бошланғич нуқтаси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Шу сабабли иқтисодиётнинг турли даражадаги - корхона, тармоқ ва бутун давлат миқёсидаги ҳолати моддий ишлаб чиқаришнинг ютуқлари, жумладан, моддий ишлаб чиқаришнинг кенг маънода истеъмолга, ёки бугунги тил билан айтганда бозор талабига мос келиши билан тавсифланади ва олдиндан белгилаб берилади.

"Иқтисодиёт доимо моддийдир" ибораси инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари, яъни уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак, автомобиль ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжларидан ташқари, иқтисодиётнинг аҳоли ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулот(товар) тайёрланувчи моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан алоқасини ҳам акс

эттиради. Айнан моддий ишлаб чиқариш соҳаси (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва ҳоказо) аҳолининг асосий қисмини иш билан таъминлайди. Меҳнат билан бандлик кўрсаткичи иқтисодиёт ҳолатининг ўзига хос "барометри" вазифасини бажаради: аҳолининг меҳнат билан бандлиги қанчалик юқори бўлса, ишсизлик сурьати шунчалик паст бўлади ва аксинча.

Замонавий фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг узлуксиз ривожланишида *компьютерлаштириш ва автоматлаштириш*, интернет тармоғига киришни илгари сурмоқда. Бу эса бошқарув тизимининг энг муҳим бўғинларидан ташқари, ишчи кучининг сифатини ошириш воситаси ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини муваффақиятли ташкиллаштириш учун туртки бўлиб хизмат қилади.

Бироқ моддий ишлаб чиқаришнинг етакчилик ролини инкор қилмаган ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланишига *ишлаб чиқариш инфратузилма* (транспорт, алоқа, энергетика ва ахборот хизмати) ва *ижтимоий инфратузилма* (маориф, соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, уй-жой-коммунал хизмати ва бошқалар)нинг ролини ҳам кўрсатиб ўтишимиз даркор. Бу соҳаларда ҳам аҳолининг катта қисми меҳнат билан банд бўлиб, уларнинг меҳнати моддий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатидан кам фойда келтирмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, иқтисодиёт - илмий категорияга қараганда ишлаб чиқариш категориясига яқинроқ бўлиб, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро самарали алоқалари, реурслардан оқилона фойдаланиш ва рационал бошқарув туфайли фаолият кўрсатмоқда ва ривожланиб бормоқда.

Иқтисодиёт доимо динамик бўлиб, сифат ва миқдор ўзгаришларига дучор бўлади. Баъзи ҳолларда салбий ҳолатлар (масалан, қишлоқ хўжалигида қурғоқчилик, қорамоллар ўлими; уруш, терроризм ва ҳоказо) юзага келса ҳам, иқтисодиётда ижобий силжишларга эришиш мумкин. Фан-техника тараққиёти, малакали кадрлар, хўжалик механизми ва ундан оқилона фойдаланиш, изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, рағбатлантириш - буларнинг барчаси иқтисодиётда ижобий силжишларга эришиш учун хизмат қилади.

Бозор муносабатларига асосланилган ҳозирги даврда иқтисодиётни кўтариш учун бу ва бошқа имкониятлар аввалларгидек фақатгина давлатнинг қўлида мужассамланган эмас, балки иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинини ташкил қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар - корхона, фирма, комбинат ва бошқа ишлаб чиқариш тузилмаси вакилларига ҳам катта имкониятлар берилган.

1.2. Корхона иқтисодиёти - иқтисодий фаннинг таркибий қисми ва билимлар соҳаси

Фан тадқиқотлар фаолияти соҳаси бўлиб, асосий мақсад табиат, жамият ва фикрлаш тўғрисида янги билимларни ишлаб чиқишга йўналтирилади. «Иқтисодиёт» фани умумий фанларнинг таркибий қисми бўлиб, унинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида аввалги бўлимда қисқача тўхталиб ўтилди. Фан ёрдамисиз, атрофимизни ўраб турган дунё тўғрисидаги билимлар тизимини яратмасдан жамият тараққиётига эришиш мумкин эмас. Илмий ўрганиш воқеликни оддий ҳаётий тарзда қабул қилишдан фарқли равишда, ҳодиса ва жараёнларни чуқур англаш, ўзаро алоқаларини очиб бериш, уларнинг ривожланиш сабаблари ва кучларини аниқлаш имконини беради.

Корхона иқтисодиёти - аҳоли ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий-хўжалик механизмларини ўрганувчи ва очиб берувчи фандир. У табиат ва жамиятнинг муайян ишлаб чиқариш шароитларида ривожланишининг объектив қонунлари намоён бўлиши ва амал қилишига, шунингдек, корхоналар фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи давлат миқёсида қабул қилинувчи қоида, меъёрий ва қонун хужжатларига таянади.

Корхона иқтисодиёти «Иқтисодиёт» фанининг таркибий қисми бўлсада, мустақил билимлар соҳаси ҳисобланади. У бошқа иқтисодий фанлардан, айниқса, «Микроиқтисодиёт»дан мазмуни ва маълумотларни келтириш мантиқига кўра фарқланади. Афсуски, баъзи бир олимлар Корхона иқтисодиёти ва Микроиқтисодиётни бир-биридан фарқламайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, "микро" сўзи иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни иқтисодиётнинг бирламчи бўғинлари - корхона ва фирмалар миқёсида кўриб чиқишни кўзда тутади, бироқ уларнинг иккита бир хил предмет эмаслигига микроиқтисодиёт ва корхона иқтисодиёти бўйича дарсликларни қўлга олибоқ амин бўлиш мумкин. Микроиқтисодиёт билан таққослаганда Корхона иқтисодиёти хўжалик амалиётига яқинроқ, ҳар бир иқтисодчи учун зарур бўлган иқтисодий билимлар мажмуасини шакллантирувчи фан эканлиги кўзга ташланади. Бирламчи бўғин иқтисодиётини яхши билган замонавий мутахассисларни хўжалик юритишда энг хавфсиз ва самарали йўлни топишлари сабабли иқтисодиётнинг "штурманлари" деб аташ мумкин.

Ҳозирги кунда корхона иқтисодиётига бўлган қизиқиш сезиларли равишда ўсган. Ган шундаки, бозор иқтисодиёти ша-

роитида янги ҳуқуқий-ташкилий шаклдаги корхоналар, хомашё, материал ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар, шунингдек, бевосита маҳсулот ёки товар истеъмолчилари (харидорлар) билан янгича иқтисодий муносабатлар вужудга келиб, ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари, корхона — аввало ишлаб чиқариш жамоаси, одамларнинг турли тарздаги фаолияти бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими юзага келади ҳамда маълум бир турмуш тарзи, маънавият ва ахлоқ меъёрлари шаклланади. Буларнинг барчаси хўжалик юритиш шакл ва усулларини қайта кўриб чиқиш, корхонанинг иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва ролига янгича ёндашишни талаб қилади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, исталган корхонанинг фаолиятида турлича саволлар юзага келади. Масалан, корхона қай тарзда фаолият юритиши керак ва даромад нимага боғлиқ бўлади? Самарадорлик ва иқтисодий барқарорлик нималарга боғлиқ? «Хомашё етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан қандай ишлаш керак?» «Маҳсулотни сотишда воситачилардан фойдаланиш зарурияти; Ишлаб чиқариш суръатини қандай ошириш мумкин?» «Рақобатчилик курашида нима ва қандай омиллар муваффақият келтиради?» «Ишлаб чиқариш ва сотишни бошқариш тизими қандай бўлиши лозим?» ва ҳоказолар. Корхоналар фаолиятида бирон-бир маҳсулотни қачон, қаерда, кимга сотиш, нимани, қанча, қандай қилиб ишлаб чиқариш лозим, деган саволга жавоб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топишни амалиётда хато ва синовлар усули асосида амалга ошириш, ҳозирги пайтда нафақат корхона учун, балки бутун жамият учун ҳам қимматга тушиши мумкин. Бунда корхоналарнинг банкротга учраши ва тугатилиши, иқтисодиётнинг айрим соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш ва меҳнат фаоллигининг пасайиши, меҳнат самарадорлиги суръатининг пастлиги ва ҳоказолар гувоҳлик бериши мумкин. Худди шу қаторга тўловларнинг амалга оширилмаслиги, муддати ўтиб кетган қарзлар ва корхоналар фаолиятидаги бошқа иқтисодий камчиликларни ҳам киритиш мумкин. Буларнинг барчасига асосий сабаб эса ўрта ва қуйи бўғиндаги раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти шароитида янгича хўжалик юритиш тизими шакл ва усулларини билмасликларидир.

Афсуски, корхоналар иқтисодий бўлимларининг фаолияти ҳам нуқсонлардан фориғ эмас. Кузатувлар шуни кўрсатадики, иқтисодий бўлимлар ўз мавқеини барча корхоналарда ҳам сақлаб қолмаган бўлиб, зарур бўлган маркетинг тадқиқотларини доим ҳам ва тўлиқ ҳолда амалга оширмайдилар, замонавий бизнес стратегиясини яхши тушунавермайдилар. Иқтисодчилар-

нинг баъзи бир қисми иқтисодиёт "штурманлари" вазифасини бажара олмайдилар, ташаббускорлик ва новаторлик ғоялари ўрнига эскичасига "юқоридан" буйруқ ёки кўрсатма кутадилар, ўтмишда корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ўз ўрнига эга бўлган ва ҳозирги бозор муносабатлари даврида ҳам инкор қилинмайдиган ташкилий-техник чора-тадбирларни (зарур ҳолларда бошқа категориядаги мутахассисларнинг иштирокида) самарали тарзда ишлаб чиқмайдилар.

Бугунги кунда аксари корхоналар акциядорлик жамиятлари, холдинг ва молия-саноат гуруҳлари тузиш йўлидан бормоқда. Давлат корхоналарнинг ташаббускорлиги, ижодий изланиш ва тадбиркорлиги учун кенг йўл очиб, уларнинг ишлаб чиқариш вазифаларини режали иқтисодиёт давридаги каби назорат, лимит ва қаттиқ меъёрлар билан чеклаб қўяётгани йўқ. Яъни қонунда тақиқлаб қўйилган ҳоллардан ташқари барча ҳолатларда мустақил хўжалик фаолияти ва эркинлиги замонавий корхоналар фаолиятининг энг асосий хусусияти бўлиб, мазкур ўқув қўлланмада кўриб чиқиладиган барча масалалар ушбу асосда юзага келган.

Бироқ бозор иқтисодиёти автоматик равишда муваффақият ва тўкинликни таъминлаб беради, давлат эса барча корхоналар фаолиятига умуман аралашмайди, деб ўйлаш мутлақо хато бўлар эди. Давлат иқтисодиётнинг асосий ислоҳотчиси бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундайлигича қолади. Давлат ўз зиммасидан маъмурий-буйруқбозлик вазифаларинигина соқит қилиб, махсус иқтисодий таъсир чоралари ёрдамида иқтисодиётни назорат қилиш ва бошқарув вазифаларини, шунингдек, иқтисодиётнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг тўғридан-тўғри мажбуриятига кирмайдиган ҳамда уларнинг қўлидан келмайдиган соҳаларини ривожланитиришдаги иштирокини сақлаб қолган.

Маълумки, иқтисодиёт жамият ҳолатини, ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш ва уларнинг ривожланиш даражасини, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишни, одамларнинг маданияти ва маълумоти даражаси ва ҳоказоларни акс эттиради. Корхона иқтисодиёти, билимларнинг мустақил соҳаси ва иқтисодиёт фанининг таркибий қисми сифатида масаланинг айнан шу томонига кўпроқ эътибор қаратади. Жамият учун зарур бўлган моддий бойликлардан ташқари миллий даромаднинг ҳам асосий қисми айнан корхоналарда ишлаб чиқарилиши сабабли корхоналар иқтисодиётининг ҳолати бутун халқ хўжалигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, деб ҳисобланади. Корхона қайси тармоққа мансублиги ва мулк шаклидан қатъиназар қанчалик яхши ва самарали ишласа, иқтисодиёт кўрсаткичлари ҳамда аҳолининг турмуш тарзи шунчалик юқори бўлади.

Бундай шароитларда хўжалик амалиёти ва фан олдига биринчи ўринда ҳар бир корхона, тўғрироғи, ишлаб чиқаришда қатнашувчи бутун жамоанинг бозор муносабатларига асосланган ҳозирги иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва қонунларини, аввало, унинг асосий кўрсаткичлари - талаб ва таклиф тушунчаларини билиши ва тўғри тушуниши, иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида ўз ҳиссасини қўшиши, учинчидан эса, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинида юқори самара ва сифат кўрсаткичларига эришиш масаласи қўйилади.

Иқтисодиётнинг ривожланишига керакли билим ва кўникмаларни, маблағ ва кучларни киритмасдан туриб корхона ҳам, жамият ҳам ривожланган иқтисодиётни ҳамда моддий неъматларнинг тўкинлиги ва турмуш тарзининг юқорилигини талаб қила олмайди.

Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва корхоналарнинг мустақил фаолият кўрсатишларига кенг имкониятлар очиб бериш билан бирга кадрларга, уларнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларига катта талаблар қўймоқда. Бир томондан фан-техника тараққиёти, иккинчи томондан эса бозор муносабатлари ва рақобатчиликнинг ривожланиб бориш шароитларида меҳнат бозорида фақатгина замонавий корхоналар иқтисодиётини яхши билувчи, унинг балансини тўғри тушунувчи, бизнес-режа ишлаб чиқаришга қодир, инвестицион ва бошқа хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишни тўғри амалга оширувчи мутахассислар муваффақиятга эришиши мумкин.

Машҳур иборада айтилишича "дарахтларнинг ортида ўрмонни кўра олиш зарур." Малакали мутахассис корхона иқтисодиётини яхши билишдан ташқари амалиётда тез-тез учраб турувчи нима ёки қайси вариант яхшироқ? Қандай йўл билан даромадни ошириш ва рентабелликни кўтариш мумкин? Корхонанинг ишчи кучига эҳтиёжи қанча ва уларга қандай ҳақ тўлаш керак? Ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки товарга бўлган талабни қай тарзда ошириш мумкин? Корхона кредит олиши керакми, агар олса қандай шартлар билан олиш мумкин? Каби саволларга ўз вақтида ва тўғри жавоб бера олиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, гап назарий билимларнинг амалий тажриба ва кўникмалар билан уйғунлашуви, ёш мутахассиснинг турли хўжалик шароитларида тез, тўғри ва аниқ қарор қабул қилиши ҳақида бормоқда. Фақат шу қобилиятларга эга бўлган мутахассисгина тезда жамиятда ўз ўрнини топиб, хизмат пиллапоясида олға қадам ташлаши ва юқори лавозимлар сари ҳаракатини бошлаши мумкин.

1.3. «Корхона иқтисодиёти» фанининг мазмуни, мақсадлари ва бошқа фанлар билан алоқаси

«Корхона иқтисодиёти» худди бошқа фанлар каби биринчи ўринда ўрганиш вазифасини бажаради. Унинг маҳсулот ишлаб чиқариш моддий-техника ресурсларини сарф қилишни талаб қилиши билан, ходимлар меҳнати уларга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа шакллари билан, даромад ҳажми эса харажатлар миқдори ва баҳони шакллантириш билан боғлиқ бўлган қўшма корхоналарда содир этилувчи ҳодиса ва жараёнларни ўрганиши, изоҳлаши мўлжалланган. Бунда гап қандайдир омилларни оддий тарзда констатация қилиш ҳақидагина эмас, балки корхоналар иқтисодий ҳаётининг моҳиятини англаш, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш йўлларини танлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш, энг муҳим иқтисодий жараёнларни прогнозлаштириш ва моделлаштириш ҳақида ҳам боради.

Мазкур фаннинг тадқиқотлари объекти бу турли мулк шаклига эга бўлган кичик, ўрта ва йирик корхоналар бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида" ги қонуни асосида ташкил қилинади. Ҳозирги кунда иқтисодий фаолиятнинг, моддий ишлаб чиқаришнинг жорий ва истиқболли ривожланиш стратегияси ҳамда мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг асосий оғирлиги айнан корхоналар "елкаси" га юклатилмоқда.

Корхона иқтисодиётнинг бир бўғини бўлиб, унда энг малакали кадрлар мужассамланган ҳамда самарали бошқарув - менеджмент қўлланиб, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш масалалари ҳал қилинади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда харажатларни минималлаштириш ва даромад(фойда)ни максималлаштириш деярли ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фаннинг предмети бозор муносабатлари шароитларида корхоналар фаолиятининг назарий ва амалий асосларини, корхоналар фаолиятида иқтисодий қонуниятларнинг намоён бўлишини, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти самарадорлигини реурслардан оқилона фойдаланиш, рационал бошқарув, инвестицион ва тадбиркорлик фаоллиги асосида ошириш йўлларини аниқлаш билан ифодаланади.

Фаннинг предметини ташкил қилувчи энг асосий муаммо ва масалалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бозор муносабатларида корхонанинг роли, ўрни ва хатти-ҳаракатлари ҳамда давлат идоралари билан ўзаро алоқалари;

• корхонанинг ташкилий тузилмаси ва бошқарув механизми;
• ишлаб чиқаришни режалаштириш ва прогнозлаштириш;
• корхонанинг инновацион ва инвестицион фаолияти;
• ресурс корхонанинг салоҳияти ва ресурслардан фойдаланиш;
• ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
• корхонанинг тижорат сирлари ва иқтисодий хавфсизлиги.

Юқоридаги ва бошқа саволлар ўзгарувчанлик динамика асосида ўрганилиб, замонавий корхоналарни бошқаришнинг турли шакл ва усуллари вужудга келиши ва йўқолиб кетишининг тарихий сабаблари аниқланади. Бундай муайян тарихий ёндашув ушбу фанни ўрганишнинг муҳим методологик ҳолатларидан бири ҳисобланади.

Фаннинг мақсади таълим олаётганларга амалий иқтисодий билимларни, шунингдек, мустақил фикрлаш ҳамда олинган ахборотлар ва мустақил ўрганиш ёрдамида корхона иқтисодиёти муаммолари(масалалари) бўйича қарор қабул қилиш кўникмаларини сингдиришдадир. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, гап бўлажак мутахассисларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш вазифаларини малакали тарзда ҳал қилиш, корхонанинг харажат ва даромадлари қандай юзага келиши ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд бўлган йўлларни топиш ҳақида бормоқда.

Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, исталган билимлар доимо тўлдириб ва мукаммаллаштириб борилмас экан, эскириб қолиши ҳамда корхоналар ҳаётида вужудга келувчи турли хил вазифаларни ҳал қилишга ярамаї қолиши мумкин. Гап шундаки, фан-техника ва иқтисодиётнинг ривожланиши қўшимча билимлар чегарасини кенгайтиради ҳамда корхона ходимларининг ҳозирги кун талабларига жавоб берувчи билим, кўникма ва малакага эга бўлишларини талаб қилади. Шу сабабли олинган ахборотлар, ўрганилган формула, атама ва категориялар билан чекланиб қолиш ярамайди. Уларни доимий равишда тўлдириб, фан ва хўжалик амалиётининг сўнгги ютуқлари асосида ривожлантириб бориш лозим. Олинган билимлар фақат шу асосдагина амалиётда қўлланиб, жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши мумкин.

«Корхона иқтисодиёти» фан сифатида бошқа иқтисодий фанлар билан, жумладан, «Иқтисодий назария», «Микро ва макроиқтисодиёт», «Саноат иқтисодиёти», «Лизинг», «Корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Хомашё етказиб бериш ва маҳсулотни сотишни ўрганиш» фанлари билан чамбарчас боғлиқ

бўлиб, унда корхоналарнинг ташкилий тузилмасидан ташқари жорий ва истиқболдаги ишлаб чиқаришни режалаштириш, меҳнат иқтисодиёти ва социологияси ўрганилади ҳамда меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлашнинг асослари ишлаб чиқилади.

Корхона иқтисодиёти корхоналар фаолияти ва бутун халқ хўжалиги ривожланишининг миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларидан ажралмаган ҳолда ўрганувчи «Иқтисодий статистика» билан, шунингдек, жорий ва истиқболдаги ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш учун зарур бўлган, Корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили билан ҳам боғлиқ. Гап шундаки, корхоналар ҳаётида рўй бераётган иқтисодий жараёнларни техника ва технологияларни билмасдан ўрганишнинг иложи йўқ. Фан-техника тараққиёти шароитларида техника ва технологияда жадал суръат билан юз бераётган ўзгаришлар нафақат ишлаб чиқариш хусусиятларида, балки айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаларида ҳам акс этади ва шу сабабли мазкур фанни ўрганишда ҳисобга олинмаслиги мумкин эмас.

Мазкур фаннинг "Корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили" фани билан ўзаро алоқасини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бунда ишлаб чиқаришнинг молиявий ва бошқа жиҳатларига баҳо бериш, захираларни аниқлашдан ташқари, башоратлаш ёрдамида корхона ривожланишининг истиқболлари аниқланади. Хорижий мамлакатлар амалиётининг гувоҳлик беришича, корхона, фирма ва компанияларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш менеджерлари ва иқтисодчиларнинг юқори касб малакаси ва ўз соҳасидаги чуқур билимлари эвазига муваффақиятларга эришиб, юқори даромадга ва ишлаб чиқариш имиджига эга бўлмоқда. Шу сабабли корхона иқтисодиётини яхши билишнинг ўзи камлик қилиб, бўлажак мутахассиснинг иқтисодий фикрлаш доирасини кенгайтириш ва унинг халқ хўжалигида ўз ўрнини топишини шакллантирувчи бошқа иқтисодий, техникавий ҳамда технологик фанлар мажмуасини ҳам билиш талаб қилинади.

468186

Қисқача хулосалар

«Корхона иқтисодиёти» - иқтисодий фанларнинг таркибий қисми бўлиб, бозор тузилмалари фаолиятининг амалий шакллари ва назарий асослари ҳамда иқтисодий фаолият субъектларининг ўзаро алоқалари механизмини ўрганишга қаратилган.

Корхона - иқтисодиётнинг асосий бўғини. Бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий фаолиятнинг асосий оғирлиги турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ҳамда малакали кадрлар мужассамланиб, ресурсларнинг турли хилларидан фойдаланилувчи корхоналар зиммасига юклатилган.

«Корхона иқтисодиёти» фан сифатида замонавий мутахассисга ўз соҳасининг билимдони бўлишга, ишлаб чиқаришдаги аҳволнинг ўзгаришига тез мослашиши, қатъий белгиланган мақсадга эга бўлиши ва энг асосийси, замонавий корхоналарнинг хўжалик механизмини билишига кўмаклашади.

«Корхона иқтисодиёти» фан сифатида ташкилотчилик малакасидан ташқари тадбиркорлик руҳини, бозор ва рақобатчилик қонунлари ҳақидаги билимларни сингдиради ҳамда корхона ҳаётида энг самарали қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади.

Корхона иқтисодиёти кичик, ўрта ва йирик корхоналар ўртасидаги фарқларни, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналарга нисбатан мослашувчанлиги ва рақобатбардошлигини ҳамда уларнинг бозор талабларига тезроқ жавоб беришларини кўрсатади.

«Корхона иқтисодиёти» муайян иқтисодий фан сифатида корхоналарни алоҳида, атрофдаги воқеликдан ажратган ҳолда эмас, балки жамият ҳаётидаги барча иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар иштирокида бутун иқтисодий тизимда ўрганади. Шу сабабли мазкур фаннинг муҳим белгиси сифатида корхоналарнинг рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитларидаги фаолияти ҳамда бўлажак мутахассисларга бозор ва рақобат қонунларини ўргатишини кўрсатиш мумкин.

Корхона иқтисодиёти мақсадли вазифа сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг таълим даражасини оширишни кўзда тутсада, муайян корхоналарда юзага келаётган аҳвол учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Мазкур ўқув курси корхона ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни умумлаштиради ва очиб беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозликка асосланган аввалги иқтисодиётдан нимаси билан фарқланади?
2. Иқтисодий фанлар ва айнан "Корхона иқтисодиёти" фани жамият кадрларининг шаклланишида қандай роль ўйнайди?
3. Ишлаб чиқариш (саноат) корхонаси бозорнинг хўжалик юритувчи бошқа субъектларидан қайси хусусиятлари билан фарқланади?
4. Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар фаолиятининг мақсади нимада?
5. Корхонанинг бозор ва ишлаб чиқариш алоқаларини очиб беринг.
6. Рақобатчилик корхона фаолиятига қай тарзда таъсир ўтказади?
7. Замонавий корхоналарнинг фаолияти қайси қонун ҳужжатларига асосланган? Корхоналар фаолиятига бевосита таъсир қилувчи муайян қонунларни санаб ўтинг.
8. "Корхоналар иқтисодиёти" фани «Микроиқтисодиёт» ва «Макроиқтисодиёт» фанларидан нимаси билан фарқланади?
9. Иқтисодий сиёсат, иқтисодий муҳит ва иқтисодий фанларнинг ўзаро алоқаларини кўрсатиб беринг.
10. Корхонанинг иқтисодий фаолияти билан шуғулланувчи замонавий мутахассис қандай хислатларга эга бўлиши лозим?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Экономика предприятия. Под ред. проф. Волкова О.И., - М.: ИНФРА-М, 2000.
5. Макконелл К.Р. Брю С.Л, Экономика: принципы, проблема и политика. Перевод с англ. Том 1, 2. - М.: Республика, 1992.
6. Савицская Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск, ООО Новое знание, 1999.

II боб

КОРХОНА – МУСТАҚИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОЗОР СУБЪЕКТИ

2.1. Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли

Аввалги маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида собиқ Иттифоқ иқтисодиёти ягона халқ хўжалиги мажмуаси сифатида тавсифланган. Унда барча иттифоқдош республикаларнинг бутуниттифоқ иқтисодиётини ривожлантиришдаги мажбурий иштироки ва "Марказ" томонидан белгилаб берилган йўналишлар асосида ўз миллий иқтисодиётини ҳам ривожлантириши акс эттирилган.

Бирлик, бирдамлик, яхлитлик аслида ҳаётнинг ижобий категориялари ҳисобланади. Бироқ давлат бошқарув ҳолатидан ва биринчи ўринда республикаларнинг имкониятлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда бундай "бирлик" республикаларга ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини мустақил ҳал қилиш имконини бермасди. Республикаларнинг миллий иқтисодиётларига киритилувчи инвестициялар асосан умумиттифоқ "қозони"дан олинарди ва кўпинча қолдиқ тамойили асосида амалга ошириларди. Бир қанча тармоқлар ва йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари бир вақтнинг ўзида ҳам республика, ҳам бутуниттифоқ вазирликларига ва маҳкамаларига бўйсунар эди.

Иттифоқдош республикалар СССРнинг ягона халқ хўжалиги мажмуаси таркибида сўнгги бор қатнашган 1990 йил бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг аҳволи ва тузилмавий тузилиши тўғрисида маълум бир тушунча беради: жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида марказга бўйсинувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи 33%, саноат ва ишлаб чиқаришда машғул бўлган ходимлар миқдорида - 35%, саноат ва ишлаб чиқариш асосий фондларида 65%ни ташкил қилган бўлса, республик ҳукуматига бўйсунувчи корхоналар эса мос равишда 67%, 65% ва 35%ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши миллий иқтисодиётимизда миқдор ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамиятни демократиялаштириш, иқтисодиёт салоҳиятларини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган модели асосида ривожланиб бормоқда. Бу модел Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган

иқтисодиётни ислоҳот қилишнинг бешта муҳим тамойилига асосланган ҳамда хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ҳимоя қилувчи зарурий қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган.

Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинувчи ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида корхоналарга катта роль ажратилиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлиш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмолчиларнинг талабларини ҳам қондирадилар.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Корхоналар тўғрисида" ги қонунига асосан, корхона - *ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақил равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкидан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди.*

2003 йил 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида турли хил мулкчилик шаклига эга бўлган 260,5 мингта хўжалик фаолияти юритувчи субъект мавжуд бўлиб, улардан 239,5 мингдан ортиғини кичик ва ўрта корхоналар ҳамда микрофирмалар ташкил этади. Корхоналарнинг энг катта қисми савдо ва умумий овқатланиш (34%), қишлоқ хўжалиги (41%), саноат (9,4%) ва қурилиш (56%) соҳаларида рўйхатга олинган. Жами корхоналар миқдорида нодавлат секторининг салмоғи катта бўлиб, 82 %ни ташкил қилади.

Ҳар бир мамлакатнинг саноат қуввати ҳамда фан-техника тараққиёти ва иқтисодиётни модернизациялаш кўрсаткичларини биринчи ўринда йирик корхоналар белгилаб беради. Шу сабабли "кичик" иқтисодиётни ривожлантириш, яъни кичик ва ўрта корхона ҳамда микрофирмаларга кенг йўл очиб беришда йирик корхоналарнинг ўрни ва ролини унутмаслик даркор. Чунки бу корхоналарда ишловчи ходимлар сони катта бўлишдан ташқари, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнатни рағбатлантириш ҳамда дўстона, шерикчилик алоқаларини (жумладан, хорижий корхона ва фирмалар билан) ривожлантиришга кенг имкониятлар мавжуд. Шу сабабли йирик, ўрта ва кичик корхоналарнинг оптималлиги умумий ишлаб чиқариш талаблари ва миллий иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда фан ва хўжалик амалиётининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва соҳасида ҳал қилишнинг йўллари ўхшаш бўлмаслиги ёки бир хил тавсифга эга бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир алоҳида юзага келган иқтисодий ҳолатда мавжуд шароитлар ва ривожланиш афзалликларига мос ҳолда ҳаракат қилиш зарур.

Корхоналар фаолияти миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун иқтисодиётнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рентабелликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга кенг имкониятлар яратади, деб ҳисобланади. Балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир. Бироқ корхона, айниқса, давлатга тегишли бўлган корхона қандай ишлаши, унинг жамиятга келтирувчи фойдаси, рентабеллик даражаси, ходимларнинг бандлиги қандай бўлиши фақат корхоналарнигина эмас, давлатнинг ҳам кўз олдида бўлиши зарур. Худди шунинг учун ҳам давлат корхоналарга катта имкониятлар яратиб бериш билан бирга уларни белгиланган тартибда назорат қилиб ҳам боради. Давлат корхоналар "тақдирига", уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти якуний натижаларига бефарқ қараб тура олмайди. Банкротга учраган корхоналар, зарар келтирувчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ночорлик - буларнинг барчаси корхона жамоаси учун ҳам, давлат учун ҳам оғир юк ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитларида барча корхоналар ҳам рақобатчиликни енгиб, самарали ишлаб кета олмайди ҳамда даромад ёки фойда ололмайди. Натижада минглаб корхоналар ташкил қилиниб, хўжалик фаолияти доирасига қўшилади ва деярли шунчаси турли сабабларга кўра тугатилади. Шу сабабли банкротлик, корхоналарнинг тугатилиши бозор иқтисодиёт шароитларида одатий ҳол бўлиб, бу аҳволга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак бўлсада, лекин бундан фожеа ҳам ясаш керак эмас.

Халқ орасида "Камбағал ва касал бўлгандан кўра бой ва соғлом бўлган афзал" деган гап бор. Шу гапга амал қиладиган бўлсак, яхшиси корхонани банкрот бўлишга олиб келмаслик, унинг иқтисодий мустақиллиги, меҳнат қобилияти ва даромадлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни қўллаш зарур. Корхонанинг меҳнат қобилияти ва даромадлилиги миллий иқтисодиётга қўшиладиган ҳисса бўлишдан ташқари республикамизда тобора кўпайиб бораётган аҳолини иш билан таъминлашда ҳам аҳамият касб этишини унутмаслик муҳим. Кўриниб турибдики, исталган корхонанинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, олинадиган фойда ёки даромад миқдоридан ташқари бу корхонанинг аҳолини иш билан таъминлашдаги иштирокига ҳам боғлиқ бўлади. Аҳолини иш билан таъминлар экан, корхоналар ўзларининг бевосита ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан ташқари ишсизликнинг камайишига, демак, тўғри, меҳнат фаоллигининг ортиши ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланишига ҳам сабабчи бўлади.

Бу ерда ҳамма нарса фақат корхонаннинг ўзига боғлиқ эмаслиги кўриниб турибди, албатта. Чунки корхона ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида хомашё, материал, асбоб-ускуна ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ёки маҳсулот истеъмолчилари сифатида ҳаракат қилувчи бошқа корхоналар билан ўзаро алоқага киришади. Бу муносабатларда ҳар бир камчилик ва нуқсонлар, жумладан, хомашё, материал ва асбоб-ускуналарни вақтида етказиб бермаслик, ўз вақтида ҳақ тўламаслик, қарзларни тўлаш муддатларининг ўтказиб юборилиши ва бошқа хўжалик юритиш қоидалари ва мажбуриятларининг бузилиши корхона иқтисодий аҳволининг ёмонлашишига, унинг ночорликка учрашига олиб келади. Шу сабабли корхоналар фаолиятини самарали ва юқори рентабелли даражада амалга ошириш зарурияти, барча корхоналар ишлаб чиқаришни керакли тарзда ташкил қилиш ҳамда ўз ҳамкорлари ва давлат олдидаги мажбуриятларни қатъий тарзда бажариш интизоми билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистонда кўплаб кичик, ўрта ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини — оғир саноатдан енгил саноатгача, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан илмий ишлаб чиқаришгача қамраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан - ер, табиий ва меҳнат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, ҳозирги замон фани томонидан ишлаб чиқаришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий ахборот тизимидан фойдаланади. Маълумки, бойлик ёки салоҳият бир нечта авлод ва бутун жамиятнинг хатти-ҳаракатлари эвазига яратилади. Корхоналарнинг вазифаси ушбу бойликни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишда ифодаланади. Хўжалик юритишнинг мазкур тамойилларидан бир оз бўлсада четга чиқиш жамоатчилик ишлаб чиқариши самарадорлигининг пасайишига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка олиб келади. Корхоналар ҳам бундан мустасно эмас.

2.2. Корхонанинг белгилари, вазифалари ва функциялари

Замонавий корхона-мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулклари режали иқтисодиёт шароитларидагидек давлатнинг ўзигагина тегишли бўлмайди. Шу сабабли корхоналар *мулкчилик шаклига* кўра, давлат ва нодавлат, *тармоқ белгиларига* кўра, машинасозлик, энергетика, металлургия, нефть ва газ саноати, қурилиш мажмуавийи, озиқ-овқат, енгил саноат, савдо ва ҳоказолар, *ишлаб чиқариш миқёси ва ходимлар сонига* кўра, йирик, ўрта ва кичик, *фаолият юритиш муддатига* кўра, узлуксиз, мавсумий ва узлукли корхоналарга бўлинади.

Бироқ ушбу белгилардан қатъиназар, деярли ҳар бир корхона Низом асосида фаолият юритади. Низомда корхонанинг номи, манзилгоҳи, юқори турувчи идораси ва бу идоранинг номи, Низом жамғармаси, банк муассасаларидаги реквизитлари, корхона раҳбариятининг лавозимлари, раҳбар шахсларнинг мажбуриятлари, тузилмавий бўлинмалар рўйхати, ҳисобот тартиби ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади.

Агар Низомда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий вазифалари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолияти таркибига асосий ва айланма фондлар, пул маблағлари ва бошқа активлар кирувчи Низом жамғармасига таянади. Низом жамғармаси қонунга асосан корхонани ташкил қилиш жараёнида таъсисчилар — давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан шакллантирилади. Корхона ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, даромад ҳажми ва бошқа молиявий тушумларнинг ортиши натижасида Низом жамғармаси кўпайтирилиши мумкин. Умуман олганда, Низом жамғармаси корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий жиҳатдан бақувватлигини акс эттиради.

Корхонани турли жиҳатларига кўра тавсифлаш мумкин:

- ишлаб-чиқариш ва техника муносабатларида корхона — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига миқдор ва сифат жиҳатидан мос келувчи машиналар тизими;
- ижтимоий муносабатларда корхона — турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлар ;
- ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда корхона ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритади;
- молиявий-иқтисодий муносабатларда корхона — тармоқнинг мустақил бўғини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

Амалдаги қонунчиликка асосан корхона давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина ҳуқуқий шахс сифатида тан олинади. Давлат рўйхатидан ўтиш учун биринчи ўринда қуйидаги ҳужжатлар аҳамиятга эга бўлади: таъсисчининг аризаси; корхонанинг Низоми; корхонани ташкил қилиш ҳақида қарор ёки таъсисчилар шартномаси; давлат божини тўлаганлик ҳақида квитанция ва бошқалар.

Корхона ўзига хос бўлган маълум белгиларга эга:

биринчидан, корхона ўзига тегишли ва хўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолиятини моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллигини ва ишончлилигини таъминлайди;

иккинчидан, корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

учинчидан, корхона хўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан хўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хомашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, корхона қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, корхона мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат идоралари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади;

олтинчидан, корхона ўз номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз аксини топади.

Ҳар бир корхонанинг фаолияти ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларидан иборат бўлади. Корхонанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти - янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда намоён бўлади. Қайта ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият - ишчи кучини ёллаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кенгайтириш жараёнларида акс этади. Муомала соҳасидаги фаолият эса ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини ташкиллаштириш, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг даромад шаклида қайтиб келишида кўзга кўринади.

Корхоналарни ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида тадқиқ этишда уни ташкил қилувчи иккита таркибий қисм - тизимнинг ўзи(корхона) ва ушбу тизим фаолият юритувчи ташқи муҳитни кўриб чиқиш лозим. Корхонанинг ички муҳити ишлаб чиқариш воситалари, пул маблағлари, ахборотлар ва инсон ресурсларидан ташкил топади.

Ички муҳитнинг ўзаро алоқалари натижасида тайёр маҳсулот пайдо бўлади, ишлар бажарилади ва хизмат кўрсатилади, яъни тўғри йўлга қўйилган ишлаб чиқариш ва меҳнатга ҳақ тўлаш фаолияти юзага келади.

Корхоналарнинг ташқи муҳит билан алоқаси уларнинг ташқи тизимга чиқишида рўй бериб (ресурсларни жалб қилиш, уларнинг қийматини аниқлаш, хомашё, материал ва ёқилғининг ўз вақтида етказиб турилиши ва ҳоказо), ташқи муҳитга ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар оқими ёрдамида таъсир кўрсатиш жараёнида намоён бўлади.

Корхоналар фаолияти самарадорлигини аниқлаб берувчи ташқи муҳит — бу, биринчи ўринда маҳсулот истеъмолчилари, хомашё ва бошқа материал етказиб берувчилар, шунингдек давлат идоралари ҳамда корхонага яқин жойда яшовчи аҳоли ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бозор ва унинг ривожланиш истиқболларини мажмуавий равишда ўрганиш ёрдамида, харидорларнинг маҳсулот ва хизмат турларига мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган талабларини аниқлаш;
- маҳсулотнинг янги моделлари ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш;
- харидорлар талабларига мос келувчи товарларни ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқаришни режалаштириш, дастурлаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштириш;
- маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш тизимини ташкил қилиш ва уни мукаммаллаштириш;
- корхонанинг барча фаолиятини, жумладан, ишлаб чиқариш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларни бошқариш.

Албатта, замонавий корхоналарнинг кўп қиррали фаолияти юқорида санаб ўтилган йўналишлар билангина чекланиб қолмайди. Амалиётда улар фан-техника тараққиёти ва давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг янги талаблари билан тўлдирилиши мумкин. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганлардан қатъиназар, хўжалик ривожланишининг ҳар бир босқичида корхоналар фаолияти қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилиши зарур:

– корхона эгасининг даромад олиши;
– истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таъминлаш;
– ходимларни иш ҳақи билан таъминлаш;
– корхонага яқин жойларда яшовчи аҳоли учун иш жойлари яратиш;
– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
– корхона фаолиятида тўхтаб қолишга йўл қўймаслик;
– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шаклларини мукаммаллаштириш;
– ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида тежамкорликка риоя қилиш.

Хўжалик фаолиятининг жорий ва истиқболдаги вазифаларини бажариш корхоналардан қуйидаги функцияларни амалга оширишни талаб қилади:

• ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол учун маҳсулотларни тайёрлаш;

• маҳсулотларни истеъмолчиларга сотиш ва етказиб бериш;

• сотувдан кейин хизмат кўрсатиш;

• ишлаб чиқаришнинг моддий-техника асосини таъминлаш;

• ходимлар меҳнатини ташкил қилиш ва бошқариш;

• солиқларни тўлаш, бюджетга тўланувчи ихтиёрий ёки мажбурий бадал ва тўловларни амалга ошириш ;

• амалдаги стандартлар, меъёрийлар ва давлат томонидан чиқарилган қонун-қоидаларга риоя қилиш.

Бу вазифалар корхоналарнинг ҳажми, қайси тармоққа мансублиги, ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги, маҳаллий ҳокимият идоралари билан муносабатларга асосланиб аниқлаштирилади. Бугунги бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти корхоналарнинг амалга оширувчи вазифаларини кенгайтириши ҳамда уларнинг фаолиятидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада яхшилаш учун янги вазифалар белгилаб бериши мумкин.

2.3. Корхоналарни таснифлаш

Ҳар бир корхона бошқа корхоналардан аввало ишлаб чиқараётган маҳсулоти, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг тавсифи ва миқёси, жойлашиши, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан алоқалари ва бошқа кўрсаткичлари билан фарқ қилади. Бироқ буларнинг барчаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш масалаларини ҳар бир корхона учун индивидуал тарзда алоҳида ишлаб чиқиш керак, дегани эмас, албатта. Алоҳида корхоналар гуруҳига нисбатан қўллаш мумкин бўлган умумий қарорларни тайёрлаш мумкинлиги назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берилган.

Бу билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкиллаштириш масалаларини бир хил турда ҳал қилиш мумкин бўлган гуруҳларини аниқлаш мақсадида уларни таснифлашнинг мақбуллигини изоҳлаш мумкин.

Корхоналарнинг энг муҳим хусусиятлари уларнинг қайси тармоққа қарашлилиги; ҳажми; ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларини қамраб олганлиги; ихтисослаштириш даражаси ва бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш миқёси;ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш усули ҳамда уни механизациялаш ва автоматлаштириш; ташкилий-ҳуқуқий шаклларини прогнозлаштиришга боғлиқ бўлади.

Қайси тармоққа қарашлилигига кўра корхоналар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (машинасозлик, кўмир қазиб чиқариш, суғурта ва ҳоказо) соҳаларига мансуб бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва кўринишига кўра, корхоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия-кредит ва бошқаларга бўлинади.

Технологик умумийлигига кўра, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз ва дискрет равишда, кимёвий ёки механик жараёнларнинг устунлиги асосида юритувчиларга бўлинади.

Тайёр маҳсулотнинг мақсадларига кўра, барча корхоналар иккита катта гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар.

Фойдаланилувчи хомашё турига кўра, саноат корхоналари қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарга тақсимланади.

Йил давомида ишлаш муддатига кўра, корхоналар мавсумий ва йил бўйи фаолият юритувчиларга бўлинади.

Ҳажмига кўра, корхоналар йирик, ўрта ва кичик корхоналарга тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан ишлаб чиқариш тармоғида банд бўлга ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 киши бўлган, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоғидаги ходимларнинг ўртача йиллик сони 10 киши бўлган ҳамда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш соҳасида ходимларнинг ўртача йиллик сони 5 киши бўлган корхоналар микрофирмалар қаторига киритилади. Енгил ва озиқ овқат саноатида 100 киши, оғир саноатда, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида 50 киши, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида 25 киши ишлайдиган корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

Ўрта корхоналар қаторига ходимларнинг ўртача йиллик сони кичик корхоналар учун белгиланган миқдордан ошган корхоналар киради.

Йирик корхоналар таркибига ишловчилар сони 500 ва ундан ортиқ кишини ташкил қилувчи корхоналарни киритиш мумкин.

Ихтисослашув даражасига кўра, корхоналар ихтисослашган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослашган корхоналар қаторига номенклатураси чекланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, универсал корхоналар қаторига турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, аралаш корхоналар таркибига эса ихтисослашган ва универсал корхоналар ўртасидаги оралиқ гуруҳни ташкил қилувчи корхоналар киритилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усулларига кўра, корхоналар ишлаб чиқаришнинг оқим, партияли ва доналаб ишлаб чиқариш усуллари устувор турувчи корхоналарга бўлиниши мумкин.

Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаш-

тириш даражасига кўра, корхоналар тўлиқ ва қисман автоматлаштирилган ёки механизациялаштирилган, қўл-машина ва фақат қўл меҳнатига асосланган корхоналарга бўлинади.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимизда янги ташкилий-ҳуқуқий турдаги - қўшма, ижара, ҳиссадорлик, хусусий, оилавий, кооператив ва бошқа корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулк мулкчилик шаклининг бошқа кўринишлари билан бир қаторда дахлсизлиги ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. Янги қонунчилик ҳужжатларида янги иқтисодий тушунча - корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тушунчаси киритилган.

Корхоналарнинг қонун ҳужжатлари ва бошқа хўжалик ҳуқуқи меъёрларида кўзда тутилган мулкчилик шакли, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажми, капиталнинг шаклланиши, турли хил фирмалараро уюшмаларга аъзо бўлиш усуллари ва олиб борувчи рақобатчилик курашлари билан фарқ қилувчи фаолият тавсифи ва мазмунига боғлиқ бўлган тузилмавий тузилишининг усул ва кўринишлари хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ифодалайди.

Ҳозирги замон шароитларида давлат, муниципал, жамоа, индивидуал (оилавий, хусусий) турдаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар ўзларига бириктириб қўйилган мулк тавсифи ёки тезкор (оператив) бошқарув ҳуқуқига кўра ҳам таснифланади.

Хўжалик фаолияти юритувчи ҳар бир субъект бир қатор ҳуқуқларга эга бўлиб, булар бир томондан, уларнинг ички ташкилотчилигини аниқлаб берса, иккинчи томондан, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ҳамда давлат билан ўзаро муносабатларини амалга оширишга кўмаклашади.

Корхоналар ҳуқуқий шаклининг ҳар бир кўринишида уларнинг эгалари, яъни хусусий мулк эгалари, корхона билан турли даражадаги алоқада бўладилар. Масалан, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти эгалари корхона мулкининг бир қисмигагина эгалик қилиш ҳуқуқига эгалар ҳамда бошқарув вазифаларини амалга оширишда ҳам ўз акциялари миқёсида иштирок этадилар.

Хўжалик ўртоқликларида (жамиятларида) эса мулк эгаси ва мулк яқинлаштирилган бўлиб, корхонани бошқаришда уларга бевосита иштирок этиш имконияти яратиб берилган.

Кенг тарқалган корхона шаклларидан бири хўжалик ўртоқликлари бўлиб, улар ишонч асосидаги тўлиқ ўртоқлик (коммандит ўртоқлиги) кўринишида ташкил қилиниши мумкин.

Қонунга асосан иштирокчилари имзоланган шартномалар бўйича тадбиркорлик фаолияти юритувчи ҳамда уларга тегишли

мулк жавобгарлигига эга бўлган ўртоқликлар - тўлиқ ўртоқликлар ҳисобланади.

Коммандит ўртоқлиги бир нечта фуқаролар ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро хўжалик фаолияти юритиш мақсадидаги шартномалар асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлади.

Жамиятларнинг кўпчилигида капиталлар бирлаштирилган бўлади. Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилиб, Низом жамғармаси ҳужжатларда (Низом ва таъсис шартномаси) белгилаб қўйилган улушларга бўлинган бўлади.

Бундай жамият таъсисчилари жамиятнинг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайдилар ҳамда жамият фаолиятида ўзлари киритган улушлар доирасида зарар кўришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида очиқ ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари мустақилликка эришилгандан кейин кенг фаолият кўрсатмоқда.

Низом жамғармаси акцияларга тақсимланган жамият ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади. Ҳиссадорлик жамияти аъзолари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар, бироқ ўзларига тегишли бўлган акциялар қиймати доирасида зарар кўришлари мумкин.

Ҳиссадорлик жамиятларининг ижобий жиҳатлари қаторига қуйидагилар киради: акциядорлик капиталининг тенг тақсимланган, эркин муомаладаги улушлар - акцияларга тақсимланиши; акциядорлар жамият мажбуриятлари учун жавобгарлигининг акциялар қиймати ҳажмида чекланганлиги; акциядорлик капиталининг ҳажми ва аъзолар сонини осонлик билан ўзгартириш имконини берувчи Низом асосида бирлашиш; умумий бошқарув вазифаларининг хўжалик фаолиятини бошқариш вазифаларидан алоҳида юритилиши ва ҳоказолар.

Иқтисодиётимиз олдида турган асосий вазифалардан бири саноат ишлаб чиқаришини жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган рақобатбардош корхоналар ташкил қилиш мақсадидаги тузилмавий қайта қуришдан иборат. Бунинг учун интеграция ҳамда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарни вақтинчалик ёки доимий равишда кооперация ёки концентрация асосида бирлаштириш амалга оширилади.

Кооперация жараёнида концерн, консорциум, хўжалик асоциацияси каби ташкилий шакллар вақтинчалик ёки доимий равишда тузилиши мумкин. Ушбу тузилмавий бирликларининг моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз.

Концерн умумий манфаатларга эга ҳамда шартномалар, капитал ва қўшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг йирик бирлашувини акс эттиради.

Консорциум компания ва банкларнинг вақтинчалик бирлашуви натижасида, йирик капитал талаб қилувчи лойиҳаларни амалга ошириш ёки маблағни биргаликда жойлаштириш мақсадлари учун умумий келишувлар асосида юзага келади. Консорциум буюртмачилар олдидаги мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланади.

Хўжалик ассоциацияси жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро ҳамкорлик юритиш мақсадида кўнгилли равишда бирлашувини англатади ва унда бирлашувга кирувчи субъектлар ўз мустақиллигини сақлаб қоладилар.

Корпорациялар умумий мақсадларга эришиш, ҳамкорликда фаолият юритиш мақсадида бирлашиб, мустақил ҳуқуқий субъект - ҳуқуқий шахсни ташкил қилувчи шахслар йиғиндисини тавсифлайди. Кўпинча улар акциядорлик (ҳиссадорлик) жамиятлари шаклида ташкил қилинади.

Корхоналарнинг концентрация асосида бирлашуви картел, синдикат, холдинг ва молия-саноат гуруҳлари кўринишида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги картеллар ишлаб чиқариш масалалари, нархлар, товарларни сотиш, ишчи кучини ёллаш ва шу каби масалалар бўйича келишувга асосланиб фаолият юритади.

Интеграциянинг бу шаклида корхоналар мустақилликни сақлаб қолган ҳолда кооперация асосида бирлашадилар.

Синдикат – тижорат фаолиятини (таъминот, сотиш, нархнинг пайдо бўлиши) ҳамкорликда ташкил қилишга асоланган бирлашмадир. Синдикат таркибига кирувчи корхоналар ҳуқуқий ҳамда хўжалик юритиш мустақилликларини сақлаб қоладилар.

Трестлар юқори даражада марказлашганлиги билан ажралиб туради. Унинг таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат ва ҳуқуқий мустақилликларини йўқотиб, ягона режа асосида фаолият юритади.

Холдинглар иштирокчиларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари билан ваизифаларни тезкор равишда амалга ошириш имконини берувчи бошқарувнинг самарали шаклини ифодалайди.

Интеграция жараёнларини амалга оширувчи корхоналар қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга эришиш;
- кооперация асосидаги алоқаларини янгилаш ва мустаҳкамлаш;
- мамлакатдаги корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши;
- ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг янги шаклларини жалб этиш;
- ички ва ташқи бозордаги рақобатда муваффақият қозониш мақсадида нарх ва сотиш бўйича ягона сиёсат юритиш.

2.4. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқариш бўлинмалари, бошқарув идоралари ва корхона ходимларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат бўлади. Тузилма (структура) тушунчасини корхонанинг таркиби, тузилиши сифатида кўриб чиқиш мумкин. Корхона қанчалик йирик бўлса, унинг ишлаб чиқариш тузилмаси шунчалик мураккаб бўлади.

Саноат корхоналарининг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмалари мавжуд.

Ишлаб чиқариш бўғинлари, корхона бошқаруви ҳамда ходимларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, уларнинг миқдори, катталиги ва эгаллаб турган майдони, ходимларининг сони ва ишлаб чиқариш имкониятлари *корхонанинг умумий тузилмасини* ифодалайди.

Ишлаб чиқариш тузилмасига асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш жараёнлари амалга оширилувчи цех ва участкалар киритилади. Ишлаб чиқариш тузилмаси корхона умумий тузилмасининг бир қисмидир. У цех, участка ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар шаклидаги ишлаб чиқариш бўлинмаларидан иборат бўлади ҳамда уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро муносабатларини, меҳнат билан банд бўлган ходимлари сони, асбоб-ускуналари қиймати, эгаллаб турган майдони ва ҳудудий жойлашувини акс эттиради.

Асосий цехларда ва ишлаб чиқариш участкаларида ишлаб чиқариш жараёнининг асосий — хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни тайёр маҳсулотга айлантириш босқичи ёки маҳсулот, ё унинг бир қисмини тайёрлашнинг бир қатор босқичлари амалга оширилади (музлаткичлар цехи).

Ёрдамчи цехлар асосий ишлаб чиқаришни асбоб-ускуналар ва энергия билан таъминлайди ҳамда ускуналарни таъмирлаш (таъмирлаш, ускуналар, модел цехлари ва бошқалар) вазифаларини бажаради.

Хизмат кўрсатувчи цех ва хўжаликлар таркибига корхонанинг инфратузилмасини (омбор ва транспорт бўлинмалари, уй-жой-коммунал хўжалиги, ошхона, санаторий ва ҳоказо)ташкил қилувчи бўлинмалар киради.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш тузилмасининг уч хил тури мажуд: *технологик, предметли ва аралаш.*

Технологик тузилмали корхоналарда цехлар ва ишлаб чиқариш участкалари технологик жиҳатдан бир хиллик тамойили асосида ташкил қилинади (масалан, тўқимачилик комбинатларида йигирув ва тўқув цехлари).

Предметли тузилмага асосланган корхоналарда ҳар бир цех

маълум бир маҳсулот ёки унинг бир қисмини ишлаб чиқаради (масалан, автомобиль заводида мотор цехи, шасси цехи ва ҳоказо).

Аралаш (предметли-технологик) тузилма тайёрлов цехларини технологик тамойилда (темирчилик, чўян қуйиш, пўлат қуйиш ва ҳоказо), ишлов бериш ва маҳсулот чиқариш цехларини эса предметли тамойил асосида ташкил этишни кўзда тутади.

Саноат корхонасининг тузилмаси қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади:

- техника ва технологиянинг хусусиятлари;
- ишлаб чиқариш ҳажми;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари (ихтисослаштириш, кооперация, комбинация, координация);
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг мураккаблиги ва номенклатураси;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаштириш ва роботлаштириш даражаси;
- мулк шакли;
- рақобат олиб бориш усуллари ҳамда шакллари ва ҳоказо.

Амалиётда ишлаб чиқариш тузилмасини мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Улар қаторига корхона ва цехларни йириклаштириш; алоҳида корхоналар интеграцияси; корхона ичидаги барча бўлинмалар орасида мутаносибликни таъминлаш; цехсиз тузилма кабиларни киритиш мумкин.

Корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш, яъни бошқарув сифатини кўтариш ва ишлаб чиқариш фаолиятидаги якуний натижаларнинг юқорилигига эришиш корхона тузилмасини мукаммаллаштириш самарадорлигини баҳоловчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиёти ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида юзага келган ҳамда умумиқтисодий қонун ва қонуниятлар асосида ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда иқтисодиётимиз бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Президентимизнинг бешта тамойили асос қилиб олинган бу модел ҳозирда жаҳон мамлакатлари томонидан ҳам тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг муҳим субъекти корхона - иқтисодиётнинг бирламчи бўғини бўлиб, инсон ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган моддий бойликларни ишлаб чиқаришда бевосита қатнашади.

Ҳар бир корхона ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш, уларни истеъмол учун тайёр маҳсулот (иш, хизмат) ҳолига келтириш йўли билан мамлакат иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўшади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиш шароитларида мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва корхоналарнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ташкил қилиш имконини берувчи ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди.

Корхоналарнинг ҳар бири бошқасидан ўзига хос хусусиятларига кўра фарқланади. Шу сабабли ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш тузилмасини яратиш учун корхоналар таснифини билиш зарур.

Исталган бир саноат корхонаси кўплаб бўғинлардан иборат бўлиб, уларнинг таркиби ва тузилиши ҳамда ўзаро муносабатларини тузилма сифатида кўриб чиқиш мумкин. Корхоналар тузилмасини ўрганиш уларнинг саноат мажмуасида тутган ўрни, роли ва аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

Ўз навбатида ишлаб чиқариш тузилмасини лойиҳалаштиришда унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олиш муҳимдир. Корхона тузилмасини белгилаб берувчи омиллар таҳлили уларни мукаммаллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини яратади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси ва корхоналарнинг мамлакат халқ хўжалиги мажмуасидаги роли.
2. Саноат корхоналарига хос бўлган белгилар.
3. Саноат корхоналарининг вазифалари ва функциялари.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги қонуни ва унинг мазмуни.
5. Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?
6. Саноат корхоналарининг таснифи.
7. Корхоналарни тавсифлашда ишлатилувчи мезонлар.
8. Корхоналарнинг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмаси тушунчалари.
9. Корхона тузилмасини белгилаб берувчи омиллар.
11. Корхона тузилмасини мукаммаллаштириш йўллари.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Зайцев Н.А. Экономика промышленного предприятия.– М.: ИНФРА-М, 1996
4. Верст И., Равентоу П. Экономика фирмы. Учебник. - М.: Высшая школа, 1994
5. Лебедев О.Т., Каньковская А.Р. Основы менеджмента. Учебное пособие Санкт-Петербург, Изд. дом МиМ, 1997

III боб

КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

3.1. Корхонани ташкил қилиш тамойиллари

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши фаолият юритаётган корхоналардан ташқари, янги корхоналарни ташкил қилиш ва ишга туширишга таянади. Бундай қадам иқтисодий жиҳатдан мақбулликка, ресурслар имконияти ва корхона маҳсулотларига бўлган талабга асосланади. Бирон-бир маҳсулотнинг тақчиллиги ёки умуман йўқ бўлиши ҳам, янги корхона ёки ишлаб чиқаришни ташкил қилишга сабаб бўлиши мумкин.

Янги корхонани ташкил қилиш қуйидаги ташкилий тамойиллар асосида амалга оширилади:

– корхонани ташкил қилиш фикрининг пайдо бўлиши;

– корхона таъсисчиларини танлаш;

– таклиф қилинаётган маҳсулотга бозордаги талабни ўрганиш;

– корхона Низом жамғармасини тузиш учун молия манбаларини аниқлаш;

– корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режасини тайёрлаш;

– давлат рўйхатидан ўтиш;

– муҳр, штамп ва бошқа реквизитларни тайёрлаш;

– солиқ идораларида рўйхатдан ўтиш.

Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги қонунига асосан, корхоналар мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) тайинлаган вакиллик идораси, меҳнат жамоаси ёки таъсисчилар гуруҳининг қарори бўйича белгиланган қонун-қоидаларга асосан ташкил қилиниши мумкин.

Шунингдек, корхоналар агар корхона мулки эгаси ёки у тайинлаган вакиллик идорасининг розилиги бўлса, фаолият юритаётган корхона таркибидан бир ёки бир неча таркибий бўлинмаларни, ушбу бўлинмаларнинг меҳнат жамоалари ташаббусига кўра, ажратиб чиқариш натижасида ҳам ташкил топиши мумкин.

Корхона жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ва улар тўғрисидаги ҳолатларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган, мустақил ҳуқуқий шахс мақомидаги шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, бўлим ва бошқа ташкилий бўлинмаларни ташкил қилиши мумкин.

Корхона қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда махсус давлат идораларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил қилинган ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлади.

Корхонани ташкил қилишдан ташқари, унинг молиявий барқарорлиги ва самарали фаолиятини таъминлаш, бозор муносабатлари ва рақобатчилик шароитларида жуда муҳимдир. Амалиётдан кўриниб турибдики, бу қоидаларга риоя қилмаслик натижасида корхонани ташкил қилишга кетган барча саъй-ҳаракатлар ўзини оқламайди ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг микро ва макроиқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Яъни молиявий жиҳатдан барқарор бўлмаган корхоналар энди ташкил қилинган ёки фаолият юритаётганлигидан қатъиназар, банкрот корхоналар ҳисобланади.

Янги корхона ташкил қилишдан асосан қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- истеъмолчилар талаб қилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни сотишдан фойда (даромад) олиш;
- ишлаб чиқаришга иш билан банд бўлмаган аҳолини жалб қилиш ва шу орқали иш билан таъминлашдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш;
- ишлаб чиқаришга мавжуд қўшимча ресурсларни жалб қилиш;
- фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- якка тарзда ёки ҳамкорликда фаолият юритиш учун кичик корхона (ўртоқчилик каби) ташкил қилувчи алоҳида фуқаролар ёки шахслар гуруҳи аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини қондириш;
- ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда бозор муҳитини кенгайтириш.

3.2. Таъсис ҳужжатлари

Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш корхонани ташкил этиш ва кейинги фаолият юритиш жараёнидаги муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Таъсис ҳужжатлари фаолият юритувчи корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда шароитларини ифодалайди.

Корхоналар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида икки хил таъсис ҳужжатлари белгилаб берилган:

- *корхона Низоми;*
- *Таъсис шартномаси.*

Амалиётда корхона фақат Низом ёки фақат таъсис шар-

тномаси асосида, шунингдек, бир вақтнинг ўзида Низом ва таъсис шартномасига асосан фаолият юритиш ҳоллари мавжуд.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, корхонанинг (ҳуқуқий шахснинг) таъсис шартномаси келишув асосида тузилади, Низом эса таъсисчи (таъсисчилар) томонидан тасдиқланади. Битта таъсисчи томонидан тузилган ҳуқуқий шахс шу таъсисчи томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади.

Корхона Низоми асосий таъсис ҳужжати бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, номи ва манзилгоҳи, Низом жамғармасининг миқдори, даромадларининг таркиби ва тақсимланиш тартиби ҳамда корхона фондларини ташкил қилиш тартиби, корхонани тугатиш ва қайта ташкил қилиш тартиби кўрсатилиши шарт. Бошқача қилиб айтганда, корхона Низоми унинг ҳуқуқий мақомини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Ни зомда шунингдек, корхона фаолият кўрсатувчи соҳа ва тармоқ, атроф-муҳит ва одамлар соғлиғини муҳофаза қилиш кафолати, бошқарув шакли, ҳисобга олиш ва ҳисобот тизими ҳам акс эттирилиши лозим.

Корхона тўғри ва тўлиқ тайёрланган Низом асосида маҳаллий ҳокимият идораларида рўйхатга олинади, кейин эса ўз муҳрига эга бўлиш ва банкда ҳисоб рақами очиш ҳуқуқини қўлга киритади. Ўз муҳри ва ҳисоб рақамига эга бўлмаган корхона, ҳуқуқий шахс ҳисобланмайди ва мустақил корхоналар қаторига киритилмайди.

Таъсис шартномаси корхонанинг ташкил қилиниши ва якка тарзда ёки ҳамкорликдаги фаолиятнинг бошланишини тавсифловчи ҳужжатдир. У шунингдек, ташкил этилаётган корхонанинг Низомини тўлдирувчи ҳужжат қилиб ҳисобланади. Таъсис шартномасида корхонани ташкил қилиш тартиби, даромад ва харажатларни қатнашчилар ўртасида тақсимлаш шартлари, иштирокчиларни (таъсисчилар) корхона таркибидан чиқиш фаолият тартиби белгилаб қўйилади.

Таъсис шартномаси асосида кўпинча кичик корхоналар, хўжалик ўртоқликлари ва шу каби субъектлар фаолият юритади. Масалан, ўртоқлик ёки корхонанинг таъсис шартномасида бошқарув фақат барча иштирокчиларнинг розилиги билангина эмас, балки қарор кўпчилик овоз билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Бироқ таъсис шартномасида иштирокчилар овозини аниқлашнинг бошқа тартиби ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин. Тўлиқ ўртоқчилик корхоналарининг даромад ва харажатлари агар шартномада бошқа тартиб кўрсатилмаган бўлса, иштирокчилар ўртасида уларнинг умумий капиталдаги улушига мос равишда тақсимланади.

Корхона мулкини шакллантириш ва ундан фойдаланиш Низом ва Таъсис шартномасининг муҳим қисми ҳисобланади. "Корхоналар тўғрисида" ги қонунга асосан қуйидагилар корхона мулкини шакллантиришнинг манбалари ҳисобланади:

- таъсисчиларнинг пул ва моддий кўринишдаги бадаллари;
- маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан ва бошқа турдаги фаолиятдан олинган даромадлар;
- қимматбаҳо қоғозлардан олинган даромадлар;
- банклар ва бошқа кредиторлардан олинган кредитлар;
- бюджетдан олинувчи маблағлар (дотация), капитал қўйилмалар;
- корхона, ташкилот ва фуқароларнинг беғараз ва хайрия бадаллари, шунингдек, алмашиш, мерос ва совға тариқасида олинувчи мулк;
- қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Давлат корхоналарнинг мулкий ҳуқуқларини кафолатлайди. Давлатнинг корхоналар мулкини (асосий фондлар, айланма маблағлар ва ҳоказо) тортиб олишига йўл қўйилмайди, қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши

Юқорида айтиб ўтилганидек, корхона жойлашган манзилгоҳи бўйича давлат идораларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил қилинган ҳисобланади. Бу вазифани асосан ҳокимиятлар бажариб, улар корхонани рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларни 10 кун мобайнида Молия Вазирлигига ягона давлат реестрига киритиш учун тақдим этишлари шарт.

- Давлат рўйхатидан ўтиш учун корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарор, корхона Низоми (таъсис шартномаси) ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилувчи рўйхатдаги бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.

Корхонани давлат томонидан рўйхатга олиш зарур ҳужжатлар илова қилинган ариза берилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида амалга оширилиши лозим. Корхоналарни рўйхатга олишдан, уларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эмас, деган сабаб билан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Агар корхонани рўйхатга олиш ўз вақтида амалга оширилмаса ёки таъсисчи рўйхатга олинмаслик сабабларини асоссиз деб ҳисоблаган тақдирда таъсисчи судга мурожаат қилиши мумкин. Корхонани рўйхатга олишдан асоссиз равишда бош тортиш маҳаллий ҳокимият идораларининг моддий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Корхонани рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қиланади:

1. Корхонани рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза.

2. Таъсис шартномаси ёки корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарор.

3. Корхона Низоми.

4. Таъсис шартномаси ёки корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган Низом жамғармасининг камида 50% миқдоридаги қисми тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

5. Давлат божини тўлаганлик ҳақида гувоҳнома.

6. Монополияга қарши муассасанинг корхонани ташкил қилишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат.

7. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ёки унинг қуйи идоралари розилиги ҳақидаги ҳужжат.

Рўйхатга олиш корхонага келиб тушувчи ҳужжатларни қайд қилиш китобида тартиб рақами бериш орқали амалга оширилади. Кўрсатилган жараёнлар амалга оширилгач, корхона жойлашган манзилгоҳи бўйича солиқ идораларида ҳисобда туриши ва буни тасдиқловчи ҳужжат олиши ҳамда банкда ҳисоб рақами очиши мумкин.

3.4. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил қилиш

Корхона фаолиятини тўхтатиш уни тугатиш ёки қайта ташкил қилиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг барқарор эмаслиги, молиявий қийинчиликлар, сурункали зарар кўриш ва тўлов қобилиятининг йўқолишини корхоналарни тугатиш ёки қайта ташкил қилишга асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Корхонани қайта ташкил қилиш – унинг бирлашиб кетиши, қўшилиши, бўлиниши, ажралиб чиқиш ва шаклини ўзгартириши дегани. Корхонани қайта ташкил қилиш таъсисчи (таъсисчилар) ёки корхона бошқаруви қарорига мувофиқ амалга оширилади. Қайта ташкил қилиш корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлари аввалгига нисбатан яхшиланишига хизмат қилиши лозим.

Корхонани тугатиш ҳуқуқий хатти-ҳаракат бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятининг тўхтатилишини англатади. Корхона тугатилганда у давлат рўйхатидан чиқарилади, унинг банкдаги ҳисоб рақами ёпилади ҳамда муҳр, штамп ва бошқа реквизитлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Корхонани тугатишга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

• ишлаб чиқарилаётган маҳсулот(иш, хизмат)га бўлган талабнинг пасайиб кетиши ёки умуман йўқолиши;

• ишлаб чиқаришнинг зарар келтириши;

• ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли ҳаётига хавф туғдириши;

• корхонанинг бино ва иншоотлари, асбоб-ускуналари ва бошқа воситаларидан иқтисодий жиҳатдан унумлироқ, янада сифатли ва истеъмолчилар талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятининг юзага келиши.

Корхонани тугатишда тугатиш комиссияси тузилиб, унга кредиторларга корхона тугатилганини хабар қилиш, кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини ундириш чораларини кўриш, шунингдек, корхонанинг тугатилиши сабабли ишсиз қолган ходимлар иш билан таъминланишига ёрдамлашиш вазифаси юкланади. Корхонани тугатиш жараёнида оралиқ тугатиш баланси тузилиб, унга тугатилаётган корхонанинг мулки, кредиторларнинг талаблари ва уларни кўриб чиқиш натижалари рўйхати киритилиши лозим. Ушбу баланс корхонанинг таъсисчиси (таъсисчилари) ёки корхонани тугатиш тўғрисида қарор чиқарган идора томонидан тасдиқланади. Тугатиш комиссиясининг айби билан келтирилган зарар учун тугатиш комиссияси жавобгар ҳисобланади.

Қисқача хулосалар

Корхоналарни ташкил қилиш ва тугатиш бозор муносабатлари шароитларида одатий ва қонуний ҳолдир. Корхонани ташкил қилиш ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бирон-бир маҳсулотга бўлган талабнинг ортиши натижасида юзага келса, корхоналарни тугатиш эса талабнинг мавжуд эмаслиги ҳамда банкротликка боғлиқ бўлади.

Корхоналарни ташкил қилгандан сўнг уларни келажакда самарали фаолият юритишини ҳам таъминлаш зарур. Шу сабабли бирон-бир корхонани ташкил қилиш асосланган бўлиши ва илмий тамойилларга таяниши лозим.

Корхоналар ташкил қилинишини тартибга солувчи асосий ҳужжатлар бу корхона Низоми ва таъсис шартномаси бўлиб, баъзи ҳолларда корхоналар кўрсатилган ҳужжатларнинг биттаси асосида ҳам фаолият юритиши мумкин.

Корхонани ташкил қилиш жараёни бошқарув идораларида рўйхатга олиш билан боғликдир. Қонунчилик томонидан корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишнинг қатъий белгиланган муддатлари мавжуд.

Корхонани тугатиш ҳуқуқий хатти-ҳаракат бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятининг тўхтатилишини англатади. Бунга асосий сабаб қилиб корхонанинг тўлов қобилиятини йўқотишини кўрсатиш мумкин.

Санация давлат, банк ёки бошқа муассаса томонидан банкрот бўлишнинг олдини олиш ва рақобатбардошлик даражасини ошириш мақсадида корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилашни англатади.

Санация корхоналарнинг шартнома ва бошқа мажбуриятларини бузишнинг олдини олишга қаратилган иқтисодий ва молиявий чора-тадбирлар тизимидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Янги корхоналарни ташкил қилиш асосида нима ётади?
2. Қайси омиллар янги корхона ташкил қилиш зарурия-тини асослаб беради?
3. Янги корхоналарни ташкил қилишдан мақсад нима?
4. Корхона ташкил қилишнинг асосий тамойилларини са-наб ўтинг.
5. Корхона қачондан бошлаб ташкил қилинган деб ҳи-собланиши мумкин?
6. Корхона Низоми нимани англатади?
7. Таъсис шартномаси нимани англатади?
8. «Тинчлик келишуви» нима дегани?
9. Корхонани тугатишга нима сабаб бўлади?
10. Корхонани қайта ташкил қилишдан мақсад нима ва у қандай амалга оширилади?
12. Корхона банкротлигининг асосий сабабларини санаб ўтинг.
13. Корхонани молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ни-мани англатади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғриси-да"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Финансы предприятий. Учебное пособие. Коллектив ав-торов под редакцией Бородиной Е.И. - М.: ЮНИТА, 1995.
4. Дубровский В.Ж., Чайкин Б.И. Экономика и управление предприятием (фирмой). Екатеринбург, 1998.
5. Львов Ю.А., Основы экономики и организации бизнеса. Санкт-Петербург, ГМП Формика, 1992.
6. Жильцов В.Г., Как профессионально разработать бизнес-план, Алматы, 1994.

IV боб

КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

4.1. Бошқарув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида

Бошқарув жамият муносабатларининг муҳим кўрсаткичи сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига тегишлидир. У инсоннинг жамиятдаги моҳияти, меҳнати тақсимоти, кооперация ва муомала зарурати, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлардан келиб чиқади. Бошқарувсиз табиатни ўзгартириш, меҳнат қуроллари ва предметларини ягона ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштиришга йўналтирилган фаолият юритишнинг иложи йўқ. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув ишлаб чиқаришнинг барча қатнашчилари ва элементлари ўртасида келишувни йўлга қўйиб, юзага келган муносабатларнинг мазмуни ва меъёрини тартибга солади ҳамда ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўлларини топишга ўз ҳиссасини қўшади.

Бошқарувнинг моҳияти ва объектив заруриятини янада осонроқ ва тезроқ тушуниш учун адабиётда машҳур бўлган мисол - оркестр ва дирижерга мурожаат қилиш лозим. Оркестр ва дирижернинг ўзаро алоқасини илғаб олиш учун мусиқий қобилият талаб қилинмайди.

Концерт томошаларида бўлган ҳар бир киши дирижернинг саҳнада пайдо бўлиш чоғини кўрган, албатта. Оркестр томон ўгирилгач, дирижер таёқчасини кўтаради ва мусиқачилар мусиқа чалишни бошлайдилар. Шунга ўхшаш ҳолат бошқарувда ҳам рўй беради - йўлга қўйилган ташкилотчилик тизими бошқарув командалари асосида ишлайди.

Бундан келиб чиққан ҳолда *бошқарув* - ижтимоий меҳнат жараёнига ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунлари асосида йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш тизими, ҳар бир ишчининг ва бутун жамоанинг меҳнатини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш, мотивация ва тартибга солиш усулидир. Моддий бойликлар ва неъматлар ҳамда уларга тенглаштирилган қадриятларни тақсимлаш, истеъмол қилиш ва айирбошлаш ҳам бошқарувни талаб қилади.

Ҳозирги пайтда, иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар даврида бошқарув усуллари, тамойиллари ва техникасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бошқарув алоҳида тизим сифатида тобора кўпроқ тажриба алмашиш соҳаси, реклама, ишлаб чиқариш вазифаларини тезкор ҳал қилиш воситаси бўлиб

бормоқда. Бунга эса бошқарувни касбийлаштириш, бизнес ва тадбиркорлик мактаблари ҳамда маслаҳат марказларининг очилиши сабаб бўлмоқда. Маъмурий-буйруқбозлик тизими берган сари хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларига асосланган бошқарув тизимига ўрнини бўшатиб бермоқда.

Бошқарувга ёндашишдаги замонавий усулларнинг муҳим аҳамияти инсон омилини фаоллаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва ташаббускорликни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи янги ташкилий тузилмаларни яратишда намоён бўлади. Маълумки, ўз корхонаси ёки цехида, ўз иш ёки хизмат жойининг "хўжайини" бўлмай туриб иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини талаб қилиб бўлмайди. Инсоният ҳаётида шу нарса исботлаб берилганки, моддий тўкинсочинлик ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди, уни меҳнат фаолияти ва оқилона бошқарув ёрдамида юзага келтириш мумкин. Бу ҳолатни аниқ тушуниш ва унга тўғри баҳо бериш замонавий менеджментни бошқарув тўғрисидаги фан сифатида қабул қилишни асослаб беради.


Меҳнат тақсимоти ва унинг ижтимоий тавсифини кучайтиришда бошқарувни, мустақил фаолият шаклида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундан корхоналар ва халқ хўжалиги миқёсида махсус бошқарув тизимларининг вужудга келиши ва фаолият юритишига объектив зарурият келиб чиқади. Бундай тизим ўзининг горизонтал ва вертикал алоқалари билан бирга фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, шунингдек, сиёсий кайфиятлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги ўзгаришлар таъсири остида доимий ҳаракатда ва янгиланишда бўлади. Шу сабабли, бошқарувни баҳолаш ва таҳлил қилиш жараёнида, биз халқ хўжалиги ривожланишининг ҳар бир тарихий босқичида шаклланувчи бошқарув тизимини ўрганамиз.

Бошқарув тизими деганда нимани тушуниш лозим? Агар жамиятнинг бутун иқтисодий тизимини оладиган бўлсак, унинг таркибига кирувчи кўплаб кичик тизимларни - тармоқлар, корхоналар, бирлашмалар ва ҳоказоларни кўришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бирини икки жиҳатидан: мустақил фаолият юритиш нуқтаи назаридан ёки бутун бирликнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, корхона (фирма) мустақил бошқарув тизими ёки тармоқнинг (ишлаб чиқаришнинг) бўлинмаси, бўғини сифатида фаолият юритиши мумкин. Бунга боғлиқ бўлган ҳолда бошқарувнинг ташкилий тузилмаси, унинг вазифалари шакллантирилади.

Амалиётда шу нарса исбот қилинганки, бошқарувнинг жуда

ҳам йирик ташкилий тузилмаси бозор иқтисодиётида мақсадга мувофиқ бўлмайди. У кутилган натижаларни бермасликдан ташқари, бошқарув қарорларини бажаришда муаммоларнинг юзага келишига, бошқарувнинг якуний мақсадини оралиқ вазифалар билан алмашиб кетиш хавфи кучайишига олиб келади.

Ўзаро алоқада ва маълум жиҳатдан бир-бирига бўйсунувчи бўлган бошқарув объектлари ва субъектлари фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида бошқарувнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Бу алоқани қуйидаги тарзда чизма ёрдамида кўрсатиш мумкин:



4.1.-чизма. Бошқарув объекти ва субъектининг ўзаро алоқаси.

Корхонада бошқарувнинг таъсири бошқарув объектига йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари, ишаб чиқариш ускуналарини эксплуатация қилиш, турли миқёсдаги меҳнат кооперацияси ва ҳоказолар бошқарув объекти бўлиши мумкин. Бошқарув субъекти эса қоидага кўра, корхона раҳбари ёки бошқарув объектларини мақсадли равишда бошқаришни амалга оширувчи хизмат раҳбарларидир. Агар юқорида келтирилган мисолга қайтадиган бўлсак, оркестр — бошқарув объекти, дирижер эса, бошқарув субъектидир.

Бошқарув объектлари ва субъектлари доимо ўзаро алоқада бўлиб, бунда асосий ўрин бошқарув объектига, яъни бошқарувчи тизимга ажратилади. Бошқарув объектининг мазмуни, унда юз бераётган ўзгаришлар бошқарув субъекти вазифалари ва ҳаракатларини белгилаб беради. Бу эса бошқарув шакллари ва усулларини мукаммаллаштиришда акс этади. Албатта, бу бошқарув субъектларининг пассивлигини англатмайди, аксинча, бошқарув тизимининг бўлимлари шу бошқарув тизимининг энг фаол қисмини ташкил этади ва тавсифлайди. Айнан бошқарув субъекти ишлаб чиқариш ресурслари ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш сиёсатини белгилайди, ишлаб чиқариш воситаларининг ишчи кучи билан бирлашувига кўмаклашади. Яъни корхонанинг *нима, қачон, қаерда, кимга ишлаб чиқариш* билан боғ-

лиқ бўлган сиёсати, биринчи ўринда бошқарув субъекти томонидан ҳал қилинади. Шу сабабли, бошқарув объектлари ва субъектлари орасидаги алоқа, жумладан, уларнинг ички ташкил қилиниши қанчалик мустаҳкам бўлса, бир хил шароитларда ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув тизимининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Бошқарув фаолияти - бошқарувчи шахс ёки идора томонидан бошқарув амалларини бевосита ва билвосита командалар (буйруқ, тавсия ва кўрсатмалар) шаклида ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Бошқарув амаллари ишлаб чиқариш жараёнининг якунланиши учун моддий шарт-шароит вазифасини бажаради. Айтиш мумкинки, бошқарув амаллари бошқарув фаолияти ва натижалари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Фаолиятнинг ушбу тури аҳамияти, айнан бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида корхонанинг жорий ва истиқболдаги сиёсати шаклланишида намоён бўлади. Шу жиҳатдан кадрларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, уларнинг малакаси, ўзларига юклатилган вазифаларни тўғри тушунишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирги бошқарувчилар учун яхши муҳандис, технолог, конструктор бўлишнинг ўзигина камлик қилиб, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, бизнес-стратегия, маркетинг, хўжалик ҳуқуқи ва шу кабиларни билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фақат ушбу билимлар мажмуасига ва бой меҳнат тажрибасига эга бўлган тақдирдагина бошқарувчилар бозор иқтисодиёти вазифаларини муваффақиятли равишда бажаришлари мумкин.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бошқарув фаолияти бошқарув аппарати (идораси) тушунчасига қараганда кенг талқин қилинади. Бошқарув фаолияти таркибига жамоатчилик ташкилотларидаги фаолият, иш жойларида ижодий ташаббускорликнинг юзага келиши ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг таклиф ва маслаҳатларини ҳам киритиш мумкин. Бу эса бошқарув фаолиятини, бевосита бошқарув (корхона бошқарув аппаратининг фаолияти) ва ўзини-ўзи бошқариш (бошқарув фаолиятининг жамоатчилик шакли) турларига ажратилган ҳолда таснифлаш имконини яратади. Фаолиятнинг иккала тури ҳам амалда биргаликда юритилиб, уларнинг ўзаро алоқалари ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарадорилигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришнинг, жумладан, бошқарув фолияти ўзининг самарадорлигини оширишда, ишлаб чиқаришнинг алоҳида элементлари ва бўғинлари ўртасида юзага келувчи бошқарув

муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу ерда бошқарув идораси (субъекти) ёки бошқарувчи шахс томонидан бошқарилув идорасига нисбатан таъсир кўрсатишнинг ўзигина камлик қилади. Бошқарилаётган объектдан бошқарув объектига жавоб тариқасида тескари алоқа ҳам бўлиши зарур. Агар бунда тескари алоқа бўлмаса ёки бошқарув идораси томонидан қабул қилинмаса, бошқарилаётган объект назорат остидан чиқиши ҳамда бошқарилмайдиган объектга айланиши мумкин.

Бу вазифа амалда бошқарувнинг ҳар бир элементи ёки бўғини томонидан маълум бир вазифани бажаришни кўзда тутувчи бир-бирига бўйсинувчанлик тизими ёрдамида бажарилади. Яъни гап корхона директори, бош муҳандиси ва бошқалардан, то цех бошлиқлари ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бошлиқларигача - корхонанинг бошқарувчилари ёки махсус хизматларига юклатилувчи функционал вазифалар ҳақида бормоқда. Муносабатларнинг бундай кўринишдаги бир-бирига бўйсунувчанлиги бошқарув тизимининг самарали тарзда фаолият юритиши учун муҳим шарт ҳисобланади.

Шу тариқа, бошқарув тизими ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ва корхонанинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир пайтда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръати, қабул қилинган ёки амалга оширилаётган бошқарув тизими прогрессивлигининг ўлчови хизматини ҳам ўтайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, қўйилган мақсадга қисқа муддатда ва ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда яқинлашиш даражасини корхонани бошқариш самарадорлигининг бевосита мезони сифатида кўрсатиш мумкин. Бугунги бозор муносабатлари шароитида бошқарув тизими биринчи ўринда корхонанинг барқарорлигини таъминлаши, хўжалик таваккалчилигини камайтириши, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга кўмаклашиши зарур. Шунингдек, у ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасига қизиқиш даражаси ортишига, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва йўқотишларга йўл қўймасликка ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Корхона ёпиқ тизим бўлмаганлиги сабабли, бошқарув тизимига корхонада юзага келувчи ички муҳитдан ташқари, ташқи муҳит, аввало, аҳолининг турмуш тарзи, жамият қурилмаси, давлат сиёсати ва ҳоказолар таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам бошқарув тизими, хўжалик ҳаётининг замонавий талаблари ва корхонанинг рақобатчилик муҳитидаги барқарорлигига жавоб бериши лозим.

4.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бошқаришнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари

Корхонани бошқаришда самарадорликка эришиш учун, аввало, бошқарувнинг мақсадлари, шунингдек, воситалари ва унга эришиш усулларини аниқ белгилаб олиш зарур. Шу билан бир пайтда бошқарув мақсадлари тушунарли бўлишдан ташқари, улар барча бажарувчилар томонидан амалга оширилишига ҳам эътибор бериш лозим. Тўғри қўйилган мақсад корхона раҳбарининг, шунингдек, бутун жамоа ва ҳар бир ходимнинг манфаатларини ифодалайди. Бундай натижага мақсад корхонанинг жорий ва истиқболдаги ривожланиши бўйича вазифалар мажмуасининг бир бўлагига айланган ҳолда эришиш мумкин. Бундай ёндашув, ишлаб чиқариш мақсадининг ишлаб чиқаришни бошқариш билан мослашувини таъминловчи энг қисқа йўлга олиб келади. Бундай мослашув эса, бошқарувнинг ҳам тизим сифатида, ҳам алоҳида фаолият тури сифатида мақсадга мувофиқлигидан дарак беради.

Деярли ҳар бир корхонанинг мақсад ва вазифалари бугунги кунда "Корхоналар тўғрисида"ги қонунда белгилаб берилган ва шу қонун асосида тартибга солиб турилади. Юқори сифатли ва рақботбардош маҳсулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш энг кўп даромад олишни таъминлаб, инқирозга учрашдан сақлайди ҳамда ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бошқарувнинг барча вазифалари ушбу мақсад амалга ошишига хизмат қилиши лозим. Бошқарувнинг самарадорлигига кўп жиҳатдан корхона олдига қўйилган мақсадлар ва бажарилувчи вазифаларнинг ўзаро муносабатлари ёрдамида эришилади.

Корхонани бошқаришнинг мақсадларини қуйидаги турларга бўлиб таснифлашимиз мумкин:


- амалга ошириш муддатига кўра - жорий ва истиқболли;
- аҳамият даражасига кўра - асосий (стратегик) ва иккинчи даражали (тактик);
- бошқарув объектига муносабатига кўра - хусусий ва умумий;
- натижага эришиш даражасига кўра - якуний ва оралиқ ёки босқичли.

Бошқарув жараёнида жорий мақсадларни истиқболдаги мақсадларга, хусусий мақсадларни умумий мақсадларга, оралиқ мақсадларни якуний мақсадларга мос келиши ва бўйсунишини таъминлаш зарур. Асосий мақсадларни амалга оширишга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Корхона ёки унга тенглаштирил-

ган хўжалик субъектларини бошқариш фаолияти тўлалигича шу вазифаларни бажаришга қаратилиши лозим. Асосий мақсадни иккинчи даражали вазифалардан ажрата олиш қобилияти, замонавий менеджерларнинг энг муҳим касбий кўрсаткичларидан биридир.

Бошқарув жараёни асосан даврий (циклик) характерга эга бўлади. У мақсад ва вазифаларни белгилаш билан бошланиб, уларни бажариш, яъни муайян бир натижаларга эришиш билан тугалланади. Натижалар тўғрисида (мақсадга эришиш даражаси) олинган ахборотлар асосида янги вазифалар белгиланади ва бошқарув цикли қайтадан бошланади. Бундай цикларнинг сони бир нечта бўлиб, улар биринчи ўринда бошқарув объектининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Амалиётда турли хил сабабларга кўра, ишлаб чиқариш белгиланган ўлчамлардан четга оғиши, бошқарув эса қўйилган мақсадга эришмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда оператив тартибга солиш йўли билан четга оғишлар олиб ташланади ва ишлаб чиқариш жараёнининг меъёрий тарзда фаолият юритиши таъминланади. Умуман олганда, бошқарув циклини - мақсад ва вазифаларни белгилашдан то натижаларга эришишгача қуйидаги чизма шаклида кўрсатиш мумкин (4.2.-расм)



4.2.-чизма. Бошқарув цикли

Корхонани бошқаришнинг самарадорлиги, мақсадларни шакллантириш ва амалга оширишга қанчалик кам вақт сарфланса, шунчалик юқори бўлади. Бунга корхона раҳбари (менеджери) ва бошқарув вазифаларини бажаришга масъул бўлган бошқа шахсларнинг тажрибаси ва малакасидан ташқари, бошқарув амалиёти ва иш тартибига сарфланувчи вақтнинг қисқартирилиши, бошқарув жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишни оқилона ташкил қилиш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуасини қўллаш ҳисобига эришилади.

Ижобий натижага эришишга қаратилган қарорни тўғри қабул қилиш учун бу қарорни қабул қилиш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган натижаларни олдиндан кўра билиш, ривожланиш истиқболларининг турли вариантларига тўғри баҳо бериш зарур. Бу эса корхонани бошқаришнинг асосий стратегик вазифаларини белгилаб беради. Улар қаторига нафақат максимал даромад олишни, балки ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш ва модернизациялаштириш, истеъмолчилар талабига жавоб берувчи замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, фаолият йўналишларини бугунги кун ва келажакдаги истиқболларини эътиборга олиб белгилаш ҳам киритилади. Санаб ўтилганларнинг охиргиси ўз навбатида ижодий ёндашувни ва бошқарув қарорларининг янги йўналишларини излашни талаб қилади.

Бошқарув қарори - бошқарув фаолияти технологиясидаги муҳим бўғиндир. Бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш кўп жиҳатдан қарорларнинг тўғри қабул қилинишига боғлиқ бўлади. Бошқарув қарори бир томондан асосан корхонанинг раҳбарлари томонидан амалга оширилувчи мантиқий-фикрий фаолият бўлса, иккинчи томондан, эмоционал-психологик хатти-ҳаракатдир. У инсоннинг бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларида тўплаган тажрибаси, билими ва фикрлаш доирасининг чуқурлигига боғлиқ бўлади.

Бошқарув қарорлари қуйидаги белгилар бўйича таснифланади:

- компетентлик ва масъулият бўйича - якка тарзда ёки коллегиал (жамоа) бошқарув қарорлари;
- мазмуни бўйича - илмий-техник, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий бошқарув қарорлари;
- характери бўйича - оператив-тақсимловчи, хўжалик-раҳбарлик ва меъёрий бошқарув қарорлари;
- таъсир кўрсатиш даражаси бўйича - бир ва кўп даражали бошқарув қарорлари;
- таъсир кўрсатиш йўналиши бўйича - ички ва ташқи;

• таъсир кўрсатиш миқёси бўйича - хусусий ва умумий (мажмуавий);

• таъсир кўрсатиш даври бўйича - бир марталик ва кўп марталик.

Бошқарув қарорлари амалга ошириш имкониятлари, ўз вақтида амалга ошириш, аниқлик, қонунийлик ва шу каби талабларга жавоб бериши лозим. Бажариш жараёнида энг кам ўзгартириш ва тузатишларга учрайдиган қарор энг яхши қарор ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда кўплаб корхоналарнинг раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнида тўғри қарор қабул қилиш учун етарли билим ва тажрибаларга эга.

Маълумки, бошқарув қарорлари ишлаб чиқариш воситаларига қараганда, кўпроқ муайян шахсларга йўналтирилган бўлади. Шу сабабли бошқарув ва бошқарув қарорлари - биринчи ўринда ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида юзага келувчи муносабатлардир. Бу ерда ўз ваколатлари доирасида бошқарув қарорини қабул қилувчи шахс ёки бошқарув идорасининг қандай тамойилларга таяниб иш кўриши муҳим аҳамиятга эга.

Тамойил - махсус белги (категория) бўлиб, алоҳида шахс ёки жамоа қарор қабул қилишда унга таянади. Тамойил фақат инсонгагина хосдир. Машиналар ва жониворлар бирон-бир тамойилга эга бўлмайди. Маълум бир тамойиллардан келиб чиққан ҳолда айнан инсон ўзини ўраб турган дунё билан муносабатларини яратади (уй, кўприк қуради, кемасозлик ва ҳоказоларни амалга оширади).

Корхонадаги бошқарув фаолияти шунингдек, маълум бир тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу тамойиллар биринчидан, ишлаб чиқариш қатнашчилари орасидаги келишувларни ўрнатса, иккинчидан, юзага келиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олади ҳамда бошқарув меҳнатининг самарадорлигини оширади.

Замонавий фан ва менеджмент амалиёти корхоналарни бошқаришнинг қуйидаги тамойилларини энг асосийлари сифатида қабул қилади:

• илмийлик;
• тизимлилик ва мажмуавийлик;
• якка бошқарув ва коллегиаллик;
• тартиб ва адолат;
• ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;
• тежамкорлик ва самарадорлик;
• ташаббускорлик ва корпоратив руҳият;
• ваколат ва мажбурият.

Бошқарувнинг илмийлик тамойили ўзакларнинг ўзагидир. Амалда бу тамойил, аввало жамият ривожланишининг объек-

тив қонунлари ва фан-техника ютуқларидан хабардор бўлишни талаб қилади. Унинг ёрдами билан ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг зарурий мутаносиблиги таъминланади, бошқарув қарорларидаги хатолар камайтирилади, оғирлик маркази энг катта сифат ва миқдор ютуқларига эришишга ўтказилади.

Илмийлик тамойили ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишда иқтисодий-математик усуллардан кенг фойдаланиш, бошқарувнинг мақсадли-дастурий усулларини амалга киритиш, замонавий электрон-ҳисоблаш техникаси ва бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланишни кўзда тутади.

Тизимлилик ва мажмуавийлилик тамойили илмийлик тамойилининг давоми бўлиш билан бирга, ўзининг мустақил аҳамиятига ҳам эга. У бошқарилаётган тизимнинг вертикал ва горизонтал йўналишлари бўйича барча хусусиятларини қамраб олишни кўзда тутади. Тизимлилик ва мажмуавийлилик тамойили бошқарув усулларининг тарқоқликдаги тамойилларига ҳамда бир дақиқалик фойда ва эҳтирос туфайли юзага келувчи қарорларга қарши қўйилади. У ишлаб чиқаришнинг бир маромда амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади, ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратади.

Якка бошқарув ва коллегиаллик корхонани бошқаришнинг муҳим тамойилларидан биридир. Бу тамойил, айниқса, акционерлик шароитларида фаолият юритувчи корхоналарда аниқ кўзга кўринади.

Якка бошқарув ҳар бир хўжалик раҳбари ўз ваколати доирасидаги масалаларни ҳал қилишда қонун томонидан берилган ҳуқуқларга асосан бир ўзи (якка тарзда) қарор қабул қилишини ҳамда корхона фаолияти учун шахсан жавобгарлигини англатади. Бундан ташқари, якка бошқарув ходим буйруқларни фақат битта бевосита (тўғридан-тўғри) бошлиқдан олиши мумкин ёки шарт бўлган ҳолларни ҳам англатади.

Коллегиаллик корхона жамоасининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишдаги фаол иштирокида ифодаланади. Маълум бир маънода, айниқса, бошқарувнинг ирода билан боғлиқ бўлган усулларида коллегиаллик якка бошқарув қарама-қаршиликни англатади. Бозор иқтисодиёти шароитларида ушбу тамойилнинг имкониятлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

Тартиб ва адолат — бошқарувнинг ҳар бир қадамда ўзини эслатиб турувчи тамойилидир. Кўп ҳолларда айнан шу тамойилга кўра корхона ва унинг раҳбарига тавсифнома берилади. Корхона раҳбари қанчалик билимли, тажрибали, унинг касб маҳорати ва маданияти қанчалик юқори бўлса ҳамда у

жамоа тўғрисида қанчалик кўп қайғурса, тартиб, адолат кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади. Қисқароқ қилиб айтганда, тартиб — бу, ҳар бир киши ва ҳамма нарса ўз жойида бўлишини, адолат эса раҳмдиллик ва одилликнинг уйғунлигини англатади. Бошқарувнинг тартиб ва адолат тамойили кадрлар тез-тез алмашишининг олдини олиб, корхона обрўининг ўсишига ҳамда бунга корхона жамосини қизиқтиришга хизмат қилади.

Ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тамойили меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим туртки ҳисобланади ва бошқарув тизимининг самарадорлигини акс эттиради. Ходимларнинг садоқати ва қўллаб-қувватлашига эришиш мақсадида улар ўз хизматлари учун, ишчилар эса бажарилган ишнинг сифати ва миқдори учун адолатли тарзда ҳақ олишлари зарур. Бундан ташқари, маънавий рағбатлантириш моддий рағбатлантиришдан кам аҳамиятга эга эмас. Раҳбарнинг иқтидори, ходим (ходимлар, ишчилар)нинг ташаббус ва ютуқларини ўз вақтида илғаб олиб, муносиб баҳолаш ҳамда уларни ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш тизимини моҳирона қўллашида кўзга ташланади.

Тежамкорлик ва самарадорлик тамойили — корхона бошқарувининг барча бўғинларида амалга оширилиши лозим бўлган тамойилдир. Бу тамойилнинг моҳияти моддий ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энг кам харажатлар билан энг кўп натижаларга эришиш, ишлаб чиқариш захираларидан тўлиқ фойдаланишда ифодаланади. Бироқ бу тамойил истисно тариқасида қўлланмай, фақат корхона раҳбарининг эмас, балки бутун жамоа ва биринчи ўринда хомашё ва материаллардан тайёр маҳсулот яратувчи ишчиларнинг меҳнат қоидасига айланган тақдирдагина ҳақиқий тасдиғини топади.

Ташаббускорлик ва корпоратив руҳият бошқарувнинг муҳим тамойили бўлиш билан бирга, корхонанинг бозор тизимида муваффақиятли фаолият юритишига туртки ҳамдир. Умуман олганда, бошқарув ташаббускорликсиз, истиқболни кўрмасдан, ижодий ёндашувсиз муваффақиятларга эришиши амримаҳолдир. Бошқарув ижодий негизни, ташаббускорликни корпоративлик билан боғлаган ҳолда бойитади.

Агар корпоратив руҳият ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи жамоа уйғунлигининг натижаси, иттифоқи бўлса, ташаббускорлик фаол ҳаракатларни англатиб, корхона жамоасига ва ҳар бир ходимга ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг турли хил дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўшимча куч-қувват бахш этади.

Ваколат ва мажбурият тамойили бошқарувнинг рационал, аниқ ва йўлга қўйилган ташкилий тизимини яратиш, лавозимларга оид йўриқнома ҳамда раҳбар ва мутахассисларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бажарилган иш учун моддий жавобгарликни белгилаш, буйруқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида тайёрлашни англатади. Ҳар бир лавозим эгаси - бўлим ёки хизмат бошлиғидан, то корхона раҳбаригача - бошқарув фаолиятидаги ўз ваколатларини яширмаслиги ва мажбуриятларини камайтирмаслиги - бошқаларнинг, яъни унга бўйсунувчи шахсларнинг зиммасига юкламаслиги лозим.

Юқорида кўрсатилган тамойиллар ҳам алоҳида, ҳам биргаликда бошқарув тизимининг ишончлилигига ва корхона раҳбари ҳамда ҳар бир бошқарув тузилмасининг обрўини ўстиришга хизмат қилиши лозим. Бундан ташқари, улар доимий равишда мукаммаллаштириб борилиши ҳамда замон руҳи ва хўжалик юритиш механизми талабларига жавоб берувчи янги тамойиллар билан тўлдирилиши зарур. Бу эса бошқарув тизими ва жараёнларининг янги шакл ва усулларини ривожлантиришга имкон яратади.

4.3. Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва вазифалари

Ташкилий тузилма деганда корхона бошқаруви вазифаларини бажарувчи турли хил бўлим, хизмат ва бўлинмалар таркиби, ўзаро муносабатлари ва бир-бирига бўйсинишини тушуниш лозим. Ташкилий тузилма бошқарувнинг тизим ва алоҳида фаолият тури сифатидаги бир бутунлигини ифодалайди. У бошқарув идораларининг маълум бир тартиби, ҳокимият ва бўйсиниш алоқалари, вертикал ва горизонтал меҳнат тақсимотининг интеграциялашувини ташкил этади.

Бошқарув тузилмаси динамик тарзда бўлади. У ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланиши, бошқарув объектларининг қарама-қаршиликлари ва қонуниятлари ҳақидаги билимларимиз даражасининг ўсишига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Бошқарувнинг ташкилий тузилмасига корхонанинг ҳажми, унинг ихтисослашуви ва кооперация алоқалари, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, жойлашган ҳудуди каби омиллар катта таъсир кўрсатади.

Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмаси билан алоқада ва кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлади. Корхона қанчалик катта, ишлаб чиқариш ва унда фойдаланувчи меҳнат қуроллари ва технологиялар қанчалик мураккаб бўлса, бошқарувнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаси, шунингдек, корхона бошқарув аппаратининг вази-

фалари шунчалик мураккаблашади.

Бошқарув элементлари ва бўғинлари ўртасидаги алоқаларнинг шакли, тузилмавий бўлинмаларнинг мослашувчанлиги ва бир-бирига бўйсунувчанлигига кўра, бошқарувнинг қуйидаги ташкилий тузилмалари мавжуд:

– чизиқли;
– функционал;
– аралаш (чизиқли-функционал);
– матрицали.

Чизиқли тузилма бошқарув тузилмасининг энг кўп тарқалган тури бўлиб, унга кўра бошқарувнинг ҳар бир бўғини ўзидан юқори турувчи фақат битта бошқармага эга бўлади ва барча масалалар битта алоқа канали орқали ҳал этилади. Бундай тузилмада бошқарув бўғинлари тизими тўлалигича ишлаб чиқариш бўғинлари тизими билан мос тушади. Ҳар бир ишлаб чиқариш жамоаси тепасида раҳбар туради ва корхона ходимлари унга бевосита бўйсунадилар. Барча бошқарув вазифалари раҳбар қўлида мужассамланади.

Бошқарувнинг чизиқли тузилмаси ҳал қилинаётган масалалар кўлами унчалик катта бўлмаганида самаралироқ бўлади. Шу сабабли бундай тузилмадан асосан цех, ишлаб чиқариш участкалари ва кичик корхоналарни бошқаришда фойдаланилади. Бундай тузилманинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

– бошқарувнинг ҳар бир бўғини учун раҳбар тайинлашнинг нисбатан осонлиги;
– бошқарув қарорларини тайёрлаш ва бажаришнинг тезкор (оператив) амалга оширилиши;
– бошқарув вазифаларини бажаришнинг нисбатан осонлиги.


Бироқ бошқарувнинг бу тизимида бир қанча камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари горизонтал алоқаларнинг тарқоқлиги, бошқарувдаги ҳаддан ташқари қаттиқлик ва ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси шароитларидаги чекланган имкониятларида намоён бўлади.

Бошқарувнинг чизиқли тизими қуйидаги ҳолларда қўлланади:

–ходимлар сони 300-500 кишини ташкил қилувчи ҳамда предметли ва технологик ихтисослашув даражаси юқори корхоналарда (металлга ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, йиғиш, бир турдаги хизмат кўрсатиш ва ҳоказо);

– маҳаллий саноат корхоналарида (масалан, ёғочни қайта ишлаш, маҳаллий хомашёдан маҳсулот тайёрлаш ва ҳоказо).

Бошқарувнинг мазкур тузилмаси тавсифини қўйидаги чизма шаклида кўрсатиш мумкин:




4.3.-чизма. Корхона бошқарувининг чизиқли ташкил этиш тузилмаси

Бошқарувнинг функционал тузилмаси учун бошқарув ва объект вазифалари бўйича бошқарув ячейкалари яратиш тавсифлидир. Бу ячейкалар бажарилиши шарт бўлган қарорларни бошқарувнинг қуйи поғонасига ёки бевосита ишлаб чиқариш бўғинларига етказиб беради. Демак, бошқарув вазифалар бўйича тақсимланади ва функционал бўғинлар томонидан амалга оширилади, улар томонидан тайёрланувчи бошқарув қарорлари эса бажарувчиларга кесишувчан алоқа каналлари бўйича етказилади. Бошқарувнинг функционал тузилмасига мисол қилиб бош мутахассисларнинг, яъни бош иқтисодчи, бош механик, бош технолог, бош металлург, бош конструктор хизматлари(бўлимлари, гуруҳлари), шунингдек, корхона бош бухгалтериясини кўрсатиш мумкин.

Бошқарувнинг функционал тузилмаси амалда чизиқли тузилма билан кесишиб ўтади. Бундай синтез чизиқли ёки функционал тузилмага қараганда бошқарувнинг чизиқли-функционал тузилмасини самаралироқ бўлиши ва кенг тарқалишига сабаб бўлади. Бу ҳолда бошқарув ҳам чизиқли, ҳам функционал раҳбарлар томонидан амалга оширилади.


Бошқарувнинг функционал тузилмасини қуйидаги чизма орқали акс эттириш мумкин:



4.4.-чизма. Бошқарувнинг функционал тузилмаси

Бошқарувнинг ушбу тузилмаси афзалликлари қуйидагилар:

- бошқарув фаолиятини ихтисослаштириш даражасининг юқорилиги;
- бошқарув фаолиятининг деярли барча соҳаларини ваколат доирасида қамраб олиш;
- ишлаб чиқариш диверсификациясининг турли талаб ва шарт-шароитларига мослашиш имкониятлари;
- бошқарув хизматлари ёки бўлимларига ходимлар танлашнинг нисбатан осонлиги.
- Унинг камчиликлари қаторига эса қуйидагиларни киритиш мумкин:
- яккаҳокимлик тамойилининг бузилиши;
- келишилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бажариш ҳамда уларнинг мажмуавийлигини таъминлаш қийинлиги;
- бошқарувнинг юқори поғоналари учун раҳбар танлашнинг мураккаблиги.



Шартли белгилар:

_____ чизиқли раҳбарият муносабатлари

- - - - - - - функционал муносабатлар

4.6.-чизма. Бошқарувнинг чизиқли-функционал тузилмаси

Чизиқли-штабли тузилма бошқарув аралаш тузилмасининг бир кўриниши бўлиб, унга чизиқли тузилма асос қилиб олинган. Бошқарувнинг ҳар бир бўғинида штаблар тузилиб, унинг таркибига муаммоларни ечиш учун малакали мутахассислар таклиф этилади. Масалан, штабли тузилмалар табиий офат, ҳалокат ва кулфатларнинг оқибатларини бартараф қилиш, янги маҳсулот ёки технологияни ўзлаштириш, тўсатдан юзага келган, одатий бўлмаган вазифаларни ечишда тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда бошқарув штабига раҳбарларнинг ваколатларидан кам бўлмаган ҳақ-ҳуқуқлар, ваколатлар берилади.

Бошқарувнинг матрицали тузилмалари турли хил бўлиб, уларнинг барчаси битта тамойилда - ишлаб чиқаришни вертикал ва горизонтал бошқаришда бошқарув вазифаларини ташкилий ту-

зилмалар ўртасида қайта тақсимлаш асосида яратилган. Бу тузилмалар илмий тадқиқот институтлари, конструкторлик идоралари, технологик идоралар, шунингдек, илмий-тадқиқот ва конструкторлик изланишлари олиб борилувчи йирик корхоналарда кенг қўлланилади.

Бошқарувнинг матрицали тузилмалари раҳбарлардан жуда юқори бошқарув ваколатини талаб қилади. Бундай тузилмадан фойдаланганда юзага келувчи муаммо ва вазифаларни ечиш учун вақтинчалик ижодий гуруҳларни тузиш мумкин. Тўғри, бунинг учун жамоа олдида юзага келувчи лойиҳа топшириқларни бажариш учун қўшимча харажатлар талаб қилиниши мумкин.

Бошқарувнинг исталган ташкилий тузилмасини лойиҳалаштиришда ҳамда амалиётда қўллашда тезкорлик, оптималлик, ишончлилик ва тежамкорлик каби асосий талабларга жавоб бера олишига эътибор қаратилиш лозим. Бу талаблар қанчалик тўлиқ ва яхши бажарилса, корхонани бошқариш тизимининг сифат кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, бошқарув объекти ва бошқарувчи тизим (бошқарув аппарати) ўртасида, бошқарув вазифалари ёрдамида тартибга солинувчи маълум бир муносабатлар юзага келади.

Бошқарув вазифалари объектив жиҳатдан зарур ва албатта қайтарилувчи хатти-ҳаракатлар мажмуаси бўлиб, мазмуни ва йўналиш мақсадларининг бир хиллиги туфайли бирлашиб туради. Бошқарув вазифалари бутун бошқарув жараёни давомида узлуксиз тарзда амалга оширилади ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бажаришнинг турли босқичларида турли хил салмоққа эга бўлади.

Амалдаги таснифга асосан бошқарувнинг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Режалаштириш – ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва корхонанинг гуллаб-яшнаши учун ишлаб чиқариш мақсадларини белгилаш ва унинг натижаларига эришиш.

2. Истиқболни белгилаш (прогнозлаштириш) – жорий фаолиятни самарали тарзда олиб бориш ҳамда истиқболни кўра олиш ва бошқарув тизимини истиқболга мослаштириш. Режалаштиришдан фарқли равишда башорат қилиш эҳтимоллик тавсифига эга бўлади.

3. Тартибга солиш – ишлаб чиқаришни, жамоани бошқаришда белгиланган кўрсаткичлардан четга оғишларни тўғрилаб бориш.


4. Ташкиллаштириш – куч-қувват ва воситаларни ишлаб чиқариш дастурини минимал харажатлар асосида ва бу харажатларнинг юқори самарадорлиги орқали амалга оширишга йўналтириш, амалдаги ташкилотчилик тизимини янги ютуқларга эришиш ва янги вазифаларни бажаришга йўналтириш.

5. *Назорат* – жорий кўрсаткичларнинг белгиланган (дас-

турий) вазифа(меъёр)ларга мос келиш даражасини аниқлаш.

6. *Ҳисобга олиш* – корхонанинг маълум бир вақт давомида бажарган ишларига якун ясаш.

7. *Таҳлил* – маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда улардан бошқарувни асослаш ва бошқа вазифалари учун фойдаланиш.



4.6.-чизма. Бошқарувнинг матрицали тузилмаси

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, бошқарув вазифалари ўртасида қатъий чегара йўқ. Бошқарув фаолиятининг битта тури бошқарувнинг бир нечта вазифалари белгиларига эга бўлиши ва улар ўзаро чамбарчас боғланиб кетиши мумкин. Шу билан бирга ҳар бир вазифа ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни билиш раҳбарнинг касбий маҳорати шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

4.4. Корхонани бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва жамиятнинг демократик тамойиллари кучайиши, турли корхоналарнинг - йирик, ўрта ва кичик корхоналарнинг, шунингдек, ходимлар сони 20 кишигача бўлган микрофирмаларнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун зарур шароитларни яратиб бермоқда.

Амалиётдан шу нарса маълумки, корхона тури бошқарув аппаратининг шаклланиши ва ташкилий тузилмасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади. Масалан, ўрта ва айниқса, кичик корхоналар учун йирик корхоналарнинг бошқарув тузилмасини кўр-кўрона кўчириб олиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу қимматга тушиши ва кўп меҳнат талаб қилишидан ташқари маъносиз ҳамдир. Шу сабабли ўрта ва кичик корхоналарнинг мослашувчанлиги, ҳаракатчанлиги ва бозор конъюнктурасига таъсири уларнинг ташкилий тузилмаси соддароқ ва оптимал тарздалиги билан асослаб берилади. Кичик корхоналарда асосан йирик корхоналарга хос бўлган катта функционал бўлим ва хизматлар мавжуд бўлмайди.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш шароитларида акционерлик корхоналарини (жамиятларини) бошқаришга катта қизиқиш уйғонган. Бундай корхоналарнинг жамоалари ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмани бошқаришда иштирок этади. Якка бошқарув тамойилларига асосланган давлат корхоналаридан фарқли равишда акционерлик корхоналари (жамиятлари) бошқарув шакли, усули ва тузилмасини ўзлари мустақил равишда танлайдилар, ишлаб чиқариш фаолияти сиёсати ва штатларини белгилайдилар.

Акциядорлик корхоналари (жамиятлари)да кузатув кенгаши, бошқарма ва акционерларнинг умумий йиғилиши бошқарув идораси вазифасини бажаради. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига, шунингдек, бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга, жумладан, акциядорлик жамиятининг ички тартиб ва қоидаларига асосан юритилади.

Акциядорлик корхонасини бошқаришнинг ташкилий тузилмасида таъсисчилар таркибига боғлиқ бўлган-таъсисчилар кенгаши муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, очиқ турдаги акциядорлик корхоналарида таъсисчининг энг кам сони белгиланмаган, ёпиқ турдаги акциядорлик корхоналарида эса таъсисларнинг энг кам миқдори уч киши қилиб белгиланган. Бундан ташқари уларнинг ҳар бири акциядор бўлиши шарт.

Таъсисчилар акциядорлик корхоналари (жамиятлари)нинг раҳбарини тайинлайдилар ҳамда бу раҳбар кейинчалик акциядорлар номидан ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти бўйича барча хатти-ҳаракатларни бажаради ва бунинг учун жавобгар ҳисобла-

нади. Акциядорлик корхоналари (жамиятлари)ни бошқаришда кузатувчилар кенгаши муҳим ўрин тутади ҳамда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- корхона фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;
- умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш;
- корхона (жамият) Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласини киритиш;
- корхонанинг Низом жамғармасини эълон қилинган акциялар тури ва миқдорига кўра, акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёрдамида кўпайтириш;
- облигация ва қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириш;
- корхона мулкининг бозор қийматини белгилаш;
- ижроия идораси раҳбари (директор, бошқарма раиси) ва аъзоларини тайинлаш;
- жамият номидан ходимларни ишга ёллаш бўйича меҳнат шартномаларини тузиш;
- ижроия идорасига тўланувчи мукофот, рағбатлантириш ва компенсациялар ҳажмини белгилаш;
- жамиятнинг захира ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш;
- акциядорлик корхонаси (жамияти)нинг шўъба бўлимлари ва ваколатхоналарини очиш;
- жамият Низомида белгиланган, кузатув кенгаши ваколатлари доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Кузатув кенгаши ваколатлари доирасига киритилган вазифаларни ечиш жамиятнинг ижроия идорасига ўтказилиши ижроия идораси аъзолари кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Кузатув кенгаши асосан сайлов асосида тузилади ҳамда сайлов давомида энг кўп овоз олган шахс кенгаш аъзолигига номзод ҳисобланади.

Жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат қилишда тафтиш ҳайъати муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу хайъат аъзолари умумий йиғилиш томонидан акциядорлар ҳамда корхонанинг акцияларини сотиб олмаган бошқа ходимлар орасидан сайланади. Хайъат *бошқарувнинг молиявий-хўжалик фаолияти назоратини доимий равишда* ёки умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, корхона акцияларининг 10% дан кўпроғига биргаликда эгалик қилувчи бир гуруҳ акциядорларнинг, шунингдек, ўз ташаббуси билан амалга ошириши мумкин. Тафтиш ҳайъатининг хулосалари акциядорлик корхонасининг йиллик ҳисоботи ва балансини тасдиқлашда катта аҳамиятга эга.

Очиқ турдаги акциядорлик корхонаси (жамияти)ни бошқаришнинг намунавий тузилмасини 4.7. - чизма кўринишида акс эттириш мумкин.



4.7.-чизма. Акциядорлик корхонасини бошқаришнинг наъмунавий тузилмаси

4.5. Корхонани бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириб бориш мулкчилик шакли, фаолият натижаси ва юзага келган ташкилий тузилманинг қандайлигидан қатъиназар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш корхоналарга, биринчи ўринда, бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, иккинчидан, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон яратади.

Бугунги кунда бошқарув тизимини мукаммаллаштириш соҳасида қуйидаги тенденциялар юзага келмоқда: бошқарув фаолиятининг мақсадли тавсифини кучайтириш; бошқарувнинг мослашувчан тузилмаларини яратиш ва бошқарув аппаратининг фаолиятини яхшилаш, жумладан, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ҳисобига; ишлаб чиқаришни бошқаришда жамоалар ролининг ўсиши ва уларнинг юқори натижаларга эришишга йўналтирилиганлиги; меҳнат фаолияти ижтимоий шароитларининг яхшиланиши. Бу тенденцияларга асосан корхоналарнинг бошқарув идоралари тузилмаларини такомиллаштириш йўналишлари ҳам аниқланиб, уларга аввало сифат кўрсаткичлари асос қилиб олинган. Бу кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Оптималлик – тузилма бўлинмалари ўртасида энг кам бошқарув бўғинларига эга бўлган ҳолда ўзаро алоқаларни рационал тарзда ўрнатишдир. Шу сабабли кўп бўғинлиликни қисқартириш бошқарув тизимини такомиллаштириш олдига қўйилувчи асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Тезкорлик (оперативлик) – барча функционал бўлинмаларнинг, зарур ҳолларда ишлаб чиқариш бўлинмаларининг, бошқарув қарорлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун ўзаро алоқалар аниқлик билан олиб борилиши.

Ишончлилик – ахборотларни ўз вақтида олиш ва бошқарув қарорларини бажарувчиларга ва бажариш жойларига ўз вақтида етказишни таъминлайди. Ишончлилик ва тезкорлик жорий ва истиқболдаги бошқарув тизимининг самарадорлигида муҳим туртки ҳисобланади.

Тежамкорлик – асосан бошқарув тизимида максимал самарага эришган ҳолда бошқарув аппарати ва унинг харажатларини камайтиришга, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига эришишдир.

Айтиб ўтиш керакки, корхона жамоаси ва ишлаб чиқа-

ришни бошқаришни такомиллаштириш соҳасида барча учун бир хил йўл мавжуд эмас.

Мазкур вазифа муайян шароит, ҳолат ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда юзага келади ва ҳал қилинади. Бироқ бунда ҳам ўзгармас бир қоида мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир ўзгартириш, яхшиланиш ва шакл ўзгартиришлар аввалдан ўйлаб чиқилиши ҳамда илмий жиҳатдан асослаб берилиши зарур. Масалан, ҳозирги пайтда корхоналарни бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида автоматлаштирилган бошқарув тизимини (АБТ) яратиш ва амалиётга киритиш ҳамда иш вақт йўқотилишининг олдини олиш, ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўмаклашувчи компьютер техникасидан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Амалиётдан шу нарса маълумки, корхоналарни бошқаришнинг цехсиз тузилмаси юқори даражада самарали бўлиб, бошқарувни марказлаштиришни қисқартириш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги аҳамиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири - корхонанинг функционал хизматлари ва бўлимлари фаолиятини ортиқча тузилмавий бўлинмаларни тугатиш, хизмат кўрсатувчи бўлимларни оптималлаштириш, бирламчи ҳисобга олиш ҳамда ҳисоб-китоб ва бошқа бошқарув амалларини соддалаштириш йўли орқали мувофиқлаштиришдир.

Бу ерда ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришнинг кўплаб вазифаларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш имконини берувчи, бошқарувнинг янги техникасидан, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлган турли хил ҳисоб-китоб ва таҳлил воситаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Бошқарув тизимини такомиллаштиришда техник воситалар, бошқарув жараёнларини механизациялаштириш, жумладан, АБТ асосидаги фаолият, бошқарув тадқиқотлари ва лойиҳалари ўз-ўзидан ёки автоматик равишда керакли натижаларга олиб келмайди. Бу ерда кўп нарса инсонларнинг, айниқса, менеджерларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ижтимоий омилларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш жамоасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли кучайиши, айниқса, корхоналарга бошқаришнинг рационал шаклларини танлашга кенг имкониятлар яратиб берилган ҳозирги пайтда муҳим аҳамиятга эга. Мустақилликни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш жамоасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли ўсиши иқтисодий фикрлашнинг керакли томонга йўналтирилишига хизмат

қилади ҳамда бошқаришни яхшилашни корхона раҳбаридан ташқари бутун жамоанинг вазифаси қилиб белгилайди.

Замонавий техника воситалари ва янги усуллардан ташқари корхоналарни бошқаришда ишлаб чиқариш жамоаларида зарур бўлган ***ижтимоий-психологик муҳитни*** шакллантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Амалиёт кўрсатадики, ижтимоий-психологик муҳит бошқарувнинг натижалари ва амалийлигини йўққа чиқариши ёки аксинча кучайтириши мумкин.

Психологик муҳит нодир ва қайтарилмас ҳолатдир. Иккита бир хил жамоа бўлмагани каби, бир-бирига мос келувчи психологик муҳитнинг ҳам мавжуд бўлиши мумкин эмас: жамоадаги ҳар бир шахс жамоани бойитади ва бир вақтда ўзи ҳам бойиб, унга нодирлик ва қайтарилмасликни бахш этади. Психологик муҳит орқали зарур бўлган ишлаб чиқариш руҳияти шаклланади ва бошқарувнинг мақсадли вазифалари муваффақиятли амалга оширилади.

Қисқача хулосалар

Хўжалик механизмининг мазмуни жамият иқтисодий ҳаётининг шаклига боғлиқ бўлади. Бозор муносабатларининг ривожланиши хўжалик юритишнинг янги шакл ва усуллари шаклланиши билан боғликдир. Ишлаб чиқаришни бошқаришни субъектлар ва идоралар томонидан одамлар ва иқтисодий объектларга, ресурслардан иложи борича оқилона фойдаланиш ва энг кўп даромад олиш мақсадида, таъсир ўтказиш жараёни сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бошқарув тизими қуйидагилардан иборат бўлади: бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, бошқарувнинг оптимал ташкилий -тузилмасини яратиш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ахборот билан таъминлаш, ахборотга техник ишлов бериш воситалари, таҳлил, бошқарув қарорларини бажариш устидан назорат. Бошқарув режалаштириш, ташкиллаштириш, маркетинг, мувофиқлаштириш, меҳнат мотивацияси, назорат каби бир қатор вазифаларни бажаради.

Қарор қабул қилиш тизими ва уни ўз қўл остидагиларга нисбатан қўллаш қобилияти бошқарув стилини ифодалайди.

Ташкилий, тақсимот ва ижтимоий-психологик усуллардан ташқари бозор шароитларида иқтисодий воситалар (кредитлар, даромад ва харажатлар, фойда, солиқлар ва ҳоказо) ҳам кенг тарқалмоқда.

Замонавий ишлаб чиқариш корхонаси мураккаб, динамик тизим бўлиб, унинг муваффақиятли фаолият юритишига корхонадаги ишчидан то раҳбаргача бўлган барча бўғинлар фаолиятини ҳисобга олувчи бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини яратиш орқали эришилади. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси бошқарилаётган объектларнинг функционал вазифаларига ва миқёсига мос келиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бошқарув ва ишлаб чиқаришни бошқариш тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг.
2. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда менежментнинг асосий мақсади қандай?
3. Корхонада хўжалик юритиш механизми нимани англатади?
4. Корхона бошқарув идораларининг асосий вазифаларини санаб беринг.
5. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий техник қоидалари (талаблари) ва уларнинг замонавий босқичда қандай тарзда ўзгаришини тушунтириб беринг.
6. Корхонада ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳар хил тузилмаларини тавсифлаб беринг.
7. Бошқарув идораларининг корхоналардаги асосий вазифаларини кўрсатиб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон – XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А., Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
6. Зайцев Н.А. Экономика промышленного предприятия. - М.: ИНФРА-М, 1996.
7. Львов Ю.А., Основы экономики и организации бизнеса, Санкт-Петербург, ГМП Формика, 1992.

V боб

КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ

5.1. Бозор иқтисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг иқтисодий табиати ва объектив зарурияти

Иқтисодиёт бўйича замонавий адабиётларда ва қўлланмаларда *режалаштиришга* мўлжалланган иш ёки маълум бир ҳаракатларни бажариш муддати, тартиби ва кетма-кетлигини кўзда тутувчи чора-тадбирлар тизими сифатида изоҳ берилган. Ҳар бир инсон ўз иш куни, дам олиш куни, байрамлар, ёзги таътил, тўй ва бошқа тадбирларни қандай ўтказишни режалаштиради. Айнан режалаштириш ва башорат қилиш йўли билан корхоналар нимани, ким учун, қачон ва қанча маҳсулот ишлаб чиқариш, қайси ҳамкорлар ёки шериклар билан шартнома тузиш ёки кооперацияни ривожлантириш, зарур бўлган моддий-товар бойликлари захирасини яратиш каби бир қатор масалаларни ҳал қилади.

Бозор муносабатларига ўтгандан сўнг режалаштириш бир оз ёддан кўтарилиб қолди. Ҳаттоки режалаштириш хўжалик юритишнинг бозор механизмига тўғри келмайди ёки бозор режалаштиришга зиддир, деган фикрлар ҳам пайдо бўлди.

Деярли ҳар бир корхонага "юқоридан" директива вазифалари, назорат рақамлари, қатъий меъёрий ва лимитларни белгилаб берувчи режалаштириш, ҳақиқатдан ҳам бозор механизмига тўғри келмайди ва корхоналарнинг мустақиллигини йўққа чиқаради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги қонунида, корхоналарнинг истеъмолчилар талаби, фойда ёки даромад олиш нуқтаи назаридан ўз фаолиятини мустақил равишда танлаши ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олиши кўрсатилган.

Халқ мақолларида айтилганидек, "тоғорадаги сувни ичидаги бола билан бирга сепиб юбориш ярамайди". Аввалги хўжалик юритиш тизимида мавжуд бўлган, "марказ"дан бошқарилувчи марказлашган режалаштиришни инкор қилиш билан режалаштиришдан умуман воз кечиш мумкин эмас. Режалаштириш туфайлигина корхоналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологияларнинг оптимал вариантларини танлайди, ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш вазифасини бажаради, асосий ва айланма воситаларга эҳтиёжни белгилаб беради, маҳсулотни сотиш каналлари ва усулларини аниқлайди. Бундан ташқари, режалаштириш ишлаб чиқариш захиралари ва рақобатдаги устунликлар-

дан максимал даражада фойдаланиш, иқтисодиётдаги янги оқимларни англаб олиш, корхона фаолиятидаги камчиликларни йўқотиш ва турли хил таваккалчиликларни камайтиришга имкон беради. Ҳар бир корхонани ташкил қилиниши ва фаолият юритиши айнан режалаштиришдан бошланади.

Режалаштириш тартибга солувчи жараён сифатида корхона фаолиятини яқин ва узоқ истиқбол сари илгари суриш, асослаб бериш, муайянлаштириш ва изоҳлаб беришни ифодалайди. Охирги ҳолатда гап корхона фаолиятини башорат қилиш ҳақида бориши мумкин. Башорат қилишни режалаштиришнинг бошланиши ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган давоми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Режалаштириш ва башорат қилиш ўзаро алоқада бўлган иккита жараён бўлиб, хўжалик фаолиятини аввалдан бажарилган ҳисоб-китоблар, энг кам таваккалчилик ва энг юқори натижаларга эришиш асосида юритишни кўзда тутади.

Режалаштириш корхона томонидан бажарилувчи вазифалар муайянлаштирилган режаларда ўз аксини топади. Бозор иқтисодиётида режа "ёт унсур" ёки "юқоридан" келувчи буйруқ сифатида қабул қилиниши сабабли, ҳозирги хўжалик юритиш фаолиятида индикатив режа ва башорат деб номланувчи, лекин моҳиятига кўра режалаштиришнинг барча ҳолларда объектив заруриятини тасдиқловчи тушунчалардан фойдаланилади. Демак, режалаштириш, жумладан, индикатив режа ва башорат – корхоналарнинг хўжалик фаолияти учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун барча омиллардан фойдаланиш ва тайёргарликнинг ўз вақтида бўлиши билан боғлиқ бўлган қулай шароитларни яратишдир.

Режа ва режалаштириш орасидаги фарқни англаш муҳим аҳамият касб этади. *Режалаштириш* индикатив режа ёки прогноз каби режаларни ишлаб чиқиш жараёни бўлса, *режа* корхонанинг маълум бир вақт мобайнида амалга оширувчи техник-иқтисодий кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи ҳужжатни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, режа – корхонанинг мақсадли вазифалари ва уларни амалга ошириш йўлларини белгилаб берувчи режалаштиришнинг моддийлашган шаклидир.

Шу тариқа режалаштириш бозор ва бозор механизмига қарама-қарши бўлмасдан, аксинча, ишлаб чиқаришнинг мақбул йўналишларини аниқлаш, фойдаланилмаган захира ва имкониятларни қўллаш, корхонанинг оқилона баҳо сиёсатини шакллантириш ҳамда хўжалик юритиш алоқаларининг самарали шаклларини ўрнатишга кўмаклашади. Режалаштириш ва башорат қилиш ёрдами билан ички ва ташқи бозордаги истеъ-

молчилар талаби аниқланади, корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти кучайтирилади.

Бироқ режалаштириш имкониятларини сафарбар қилиш режалаштиришнинг ўзидагина ифодаланмайди. Режалаштириш одамлар, биринчи ўринда мутахассислар томонидан амалга оширилиши сабабли исталган режа ёки башоратнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан иқтисодчиларнинг малакасига, улар режалаштиришнинг услубий асосларини яхши билишига, шунингдек, ишлаб чиқариш режаларининг бозор талабларини ҳамда корхонанинг мўлжалланган даромадга эришишини ҳисобга олишига ҳам боғлиқ. Режани ишлаб чиқиш қанчалик асослаб берилган бўлса, унинг ҳақиқийлиги ва иқтисодиётдаги аҳвол билан боғлиқлиги шунчалик юқори бўлади.

Корхоналар фаолияти ва иқтисодиётда режалаштиришдан ташқари башорат қилиш ҳам катта роль ўйнайди. Башорат қилиш хўжалик фаолияти юритувчи субъектнинг истиқболда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни илмий асослаган ҳолда аввалдан кўра билишини ифодалайди. У юзага келаётган ёки келажакда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий ҳолатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш асосида яратилади ҳамда муқобил қарорларни танлашга имкон яратади.

Аввалги маъмурий-буйруқбозлик тизимининг хўжалик юритиш шароитларида, кўп йиллар давомида фан-техника тараққиёти ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг узоқ муддатли истиқболи ишлаб чиқилган. Унинг асосида халқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари, шунингдек, республикалардаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш истиқболлари шакллантирилар эди. Бироқ бу башоратлар доим ҳам ишончли эмасди ва асосийси, доим ҳам амалиётда қўлланавермас эди. Бу эса бошқа сабаблар билан бирга ўтган асрнинг 80-йиллари охирида иқтисодиёт инқирозга учрашига олиб келди. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик амалиёти режалаштириш ва башорат қилишнинг устунликларидан етарлича фойдалана олмади. Шу сабабли иқтисодий фаолият башоратларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва юзага келаётган бозор муносабатлари шароитларида қўллаш жуда муҳимдир.

Башорат қилиш режалаштириш тавсифида ўз аксини топади: ишлаб чиқариш ва корхона иқтисодий ҳаётининг бошқа жиҳатларини *стратегик режалаштириш* - ўрта ва узоқ муддатли башоратлар асосида ҳамда *жорий режалаштириш* - қисқа муддатли башоратлар асосида ишлаб чиқилади. Бу йўналиш-

ларнинг иккаласи ҳам ўзаро узвий алоқада бўлиб, ишлаб чиқариш стратегиясини фан-техника тараққиёти ва ҳаётнинг реал воқелиги билан боғлайди.

Башоратнинг мақсади - бозорга таъсир қилувчи омилларни, шу билан бирга, хўжаликнинг умумий аҳволи, тузилмавий силжишлар, инвестицион фаоллик, фан-техника тараққиётининг истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларга таъсир кўрсатиши, анъанавий маҳсулотлардан ташқари корхонанинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигига олиб келувчи «пионер» (янги) маҳсулот ишлаб чиқариш истиқболида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларини белгилашдадир. Корхоналар учун талабни башорат қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва миқдорининг ўзгаришини аввалдан аниқлаб беради. Умуман олганда, башорат режалаштиришнинг илмий асосидир.

5.2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари

Режалаштириш услубияти – иқтисодиётни бошқаришнинг турли бўғинларида, жумладан, корхоналарни бошқаришда режаларни ишлаб чиқиш усуллари мажмуасидир. Аввалги режали иқтисодиёт шароитларида у аввало режа идораларининг, ҳам собиқ иттифоқ миқёсида, ҳам алоҳида республикалар миқёсида амал қилган *иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмаларга* таянар эди. Иқтисодиётнинг муҳим соҳа ва тармоқларини жорий ва истиқболли режалаштириш ушбу кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда режалаштириш услубиятига кўра, "юқоридан пастга" тамойили асосида назорат рақамлари, лимит ва меъёрийлар туширилар, кейин эса "пастдан юқорига" тамойили асосида, яъни корхоналардан юқори турувчи идораларга қайта узатилар эди. "Юқори" даражада режа кўрсаткичлари йириклашган тавсифли бўлса, корхоналар миқёсида эса ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда муайян ва деталли тавсифга эга бўлади. Режалаштиришда ушбу тизимнинг камчилиги шунда эдики, деярли ҳар бир корхонанинг фаолият режаси мажбурий тарзда "юқоридан" тасдиқланиши зарур эди. Бусиз режа ўз реаллигини йўқотар эди.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар ўз фаолиятини режалаштиришни мустақил равишда амалга оширади. Бироқ бу режалаштиришнинг текшириб кўрилган ва фойдали усулларидан воз кечишни англатмайди. Бугунги шароитларда ҳам корхоналар фаолиятини режалаштириш-техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар, тараққийлик меъёри ва меъёрийлар, иқтисодий

таҳлил, муқобил вариантларни танлашга асосланади.

Режалаштиришнинг энг кўп тарқалган усуллари қаторига қуйидагиларни: баланс, меъёрий, иқтисодий-математик, статистик, омиллар бўйича, кўп вариантли ҳисоб-китоб усули кабиларни киритиш мумкин. Режаларнинг асосланганлик даражасини оширувчи ва уларни тезда амалга оширилишига хизмат қилувчи, шунингдек, таваккалчилик ва вужудга келиши мумкин бўлган талофатларни камайтирувчи усул энг самарали усул ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ***баланс усули***нинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ушбу усулнинг моҳияти, ўзаро алоқада бўлган кўрсаткичларни солиштириш билан ифодаланади. Баланс усули асосида корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, ишлаб чиқариш қувватига бўлган талаблари ва уларнинг манбалари аниқланади. Бундан келиб чиққан ҳолда ***моддий баланс, ишлаб чиқариш қувватлари баланси, ишчи кучи баланси, иш вақти баланси, қиймат балансини*** ажратиб кўрсатиш мумкин. Баланслар, қоидага кўра, эҳтиёжлар ва уларга мос келувчи ресурсларнинг мавжудлиги ёки манбаларини ўз ичига олувчи, ўзаро мослашувчи жадвал шаклида тузилади.

Баланс усули ***меъёрий усули*** билан биргаликда қўлланади. Меъёрий усулида ресурсларни сарфлашнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори ва энг қуйи чегаралари аниқланади. Бунда ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этишда меъёр ва меъёрий каби тушунчалардан фойдаланилади.

Меъёр (норма) – белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлиги (иш, хизмат) тайёрлаш учун сарфланувчи хомашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегарасидир. Агар ресурслардан фойдаланиш меъёрларини камайтириш маҳсулот сифатининг пасайишига ёки белгиланган стандартлар талабларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда бу меъёрларни камайтириш мумкин эмас.

Меъёрий – нисбий катталик бўлиб, асосан фоизлар ёки коэффициентлар ёрдамида акс эттирилади. У меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланиш даражасини, уларнинг ҳар бир майдон бирлиги, оғирлик бирлиги, ҳажм бирлигига сарфланишини тавсифлаб беради. Масалан, асосий фондларнинг бирлик қийматига маҳсулот ишлаб чиқариш (фонд қайтими), сутнинг мойлилик, винонинг спиртлилик даражаси (фоизларда), автомашинанинг босиб ўтган йўли, автомобиль шинасининг эксплуатацияси ва ҳоказо.

Меъёр ва меъёрийлар тараққийлик тавсифга эга бўлиши, яъни уларни ишлаб чиқишда замонавий фан, техника ва технология ри-

вожланишининг даражаси, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда илғор корхоналарнинг тажрибаларини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, улар доимий равишда қайта кўриб чиқилиши, эскирган меъёр ва меъёрийлар янги, хўжалик ҳаёти ва давр талабларига жавоб берувчи меъёр ва меъёрийлар билан алмаштирилиши лозим.

Меъёр ва меъёрийлар қуйидаги асосий гуруҳлар асосида ишлаб чиқилади:

- ***тирик меҳнат харажати меъёрлари*** (маҳсулот бирилигига сарфланувчи иш вақти меъёри, вақт бирилигида ишлаб чиқариш меъёри, хизмат кўрсатиш меъёри, миқдор меъёрийи);
- ***моддий харажат меъёрлари*** (хомашё, материал, ёқилғи, энергия, бутловчи қисмлар);
- ***ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш меъёрийлари*** (ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш захиралари ва ҳоказо);
- ***меҳнат воситаларидан фойдаланиш меъёрлари*** (машиналар, асбоб-ускуналар, механизмлар, қурилмалар);
- ***корхона, цех, асбоб-ускуналарнинг лойиҳа қувватига чиқиш вақти меъёрлари.***

Кўриниб турибдики, режалаштириш жуда мураккаб ва меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, корхона фаолиятининг ресурслар харажатини меъёрлаштиришдан то маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишгача барча кўрсаткичларини инобатга олади. Режалаштиришнинг ***асосий вазифалари*** қуйидагилар:

- мақсадни белгилаш;
- корхона фаолиятининг турли хил йўналишлари, айниқса, халқ хўжалиги ва аҳоли учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;
- зарурий моддий-техника асосини шакллантириш;
- молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- якуний натижаларнинг ижобий бўлишига эришиш.

Амалиётда бу вазифаларни корхона директори ёки иқтисодий-режалаш хизматининг ўзи бажармайди ёки бажариши лозим эмас. Бунда бутун жамоа, айниқса, агар бу корхона акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатаётган бўлса, иштирок этиши зарур. Афсуски, корхона ходимлари кўпинча "раҳбарга кўпроқ нарса кўринади" тамойили асосида ишлайдилар ва яхшироқ натижаларга эришиш учун ташаббускорлик кўрсатмайдилар. Тажрибалар эса корхона муаммоларини ҳал қилиш барча ходимлар, жумладан, ишчиларга ҳам бўлган ҳолдагина бу корхоналар гуллаб-яшнаши мумкинлигини кўрсатади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти корхонанинг ишлаб чи-

қариш фаолиятини режалаштириш ва рационал бошқариш тизими ҳамда максимал равишда қулай шароитларни яратмоқда. Бундай шароитларда режалаштириш бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларининг барча имкониятларидан фойдаланишга хизмат қилиши лозим. Корхона фаолиятини умуман эмас, балки ҳар бир муайян ҳолдаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирган ҳолда режалаштириш зарур. Бунинг учун режалаштиришнинг илмийлик, мажмуавийлилик, узлуксизлик, оптималлик, мослашувчанлик каби тамойилларига таяниш зарур.

Корхона, айниқса, агар у йирик бўлса, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири фақат ўзига хос бўлган вазифани бажаради ва шунга мос ҳолда фаолиятни режалаштириш ва тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда ***етакчи бўғинни ажратиб кўрсатиш*** режалаштиришнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бунда корхонанинг асосий ишлаб чиқариш вазифалари бажарилишини таъминловчи бўлинмасини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилади. Масалан, бундай бўғин сифатида машинасозлик заводида йиғув цехи, тўқимачилик комбинатида йигирув ва тўқув цехлари, қандолатчилик фабрикасида тайёр маҳсулот цехини кўрсатиш мумкин.

Етакчи бўғинни ажратиб кўрсатиш корхонанинг барча бўлинмаларини биргаликда мажмуавий равишда ривожлантиришни кўзда тутади. Чунки бусиз режалаштириш бир томонлама бўлиб қолиши ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишда "тор жойлар" ва диспропорциянинг вужудга келишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли корхона фаолиятининг иқтисодий-ишлаб чиқариш режаси кўрсаткичлари ва бўлимларининг ўзаро алоқада бўлишини ҳамда мажмуавий режалаштиришни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда ҳам режалаштиришнинг баланс усули катта аҳамиятга эга.

Режалаштиришнинг яна бир муҳим тамойили илмийлик бўлиб, у аввало тайёрланаётган режалар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурларига, шунингдек, фан-техника тараққиёти талаблари, рақобатчилик ва бозор талабларини ҳисобга олишга асосланади. Режалаштиришнинг илмийлиги, жонли меҳнат ва маҳсулотга айланган меҳнат харажатларининг энг кам миқдорида иложи борича юқори натижаларга эришишга, шунингдек, корхона ходимлари манфаатдорлигини оширишга кўмаклашади.

Мажмуавийлилик тамойили ишлаб чиқаришни, биринчидан, замон ва маконда, иккинчидан, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг горизонтал ва вертикалида, учинчидан, ишлаб чиқаришнинг ресурс асосларини таъминлашда, тўртинчидан, ишлаб чиқаришдаги "тор

жойларни" ҳисобга олиш ва уларни йўқотиш чора-тадбирларида, бешинчидан, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий ва маънавий қониқишида, олтинчидан, корхонанинг мўлжалланаётган даромад ёки фойда олишини амалга оширишни кўзда тутади.

Пропорционаллик нафақат ишлаб чиқаришни режалаштиришда, балки ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зарур пропорцияларга амал қилиш ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг цехлар ва иш жойлари бўйича ҳамда ишлаб чиқариш босқичларида тўғри тақсимланишига ва улардан тўғри фойдаланишга кўмаклашади. Пропорцияларга амал қилмаслик эса, аксинча, ишлаб чиқаришнинг баъзи участкаларда кучайиб, бошқаларида пасайишига, яъни диспропорцияларнинг вужудга келишига ҳамда корхоналарнинг норитмик тарзда фаолият юритишига сабаб бўлади. Зарурий пропорционалликни таъминлашда ишлаб чиқаришни ташкил этишни техник-иқтисодий меъёрлаштириш катта роль ўйнайди.

Режалаштиришнинг узлуксизлиги ишлаб чиқаришни ва умуман, корхона фаолиятини ташкил этишнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Бу тамойил амалда жорий режаларнинг истиқболдаги режалар билан, истиқболдаги режаларнинг эса башоратлар (прогноз) билан боғлиқ бўлишида ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, режалаштириш қисқа муддатли тавсифга эга бўлган индикатив режа табиатига мос келмайдиган, январдан мартгача ёки мартдан декабргача, яъни "...дан" "...гача" тамойили асосида амалга оширилмаслиги лозим. Режалаштиришнинг "...дан" "...гача" тамойилини инкор қилганда биз аввало вақт бўйича режалаштириш узилишининг олдини олишни кўзда тутамиз. Масалан, ўша индикатив режа ўз давомига эга бўлиши, яъни корхона ўз фаолиятини январ-март ойларига режалаштирганда кейинги даврларда юзага келиши мумкин бўлган вазифаларни ҳам, албатта, бозор конъюнктураси, истеъмолчилар манфаати ва ишлаб чиқариш ҳолатларининг ўзгаришини кўзда тутиши лозим. Бу вазифа асосан йил давомида амалга оширилувчи режаларни аниқлаштириш ва муайянлаштириш йўли билан бажарилади.

Оптималлик ҳам режалаштириш тамойиллари қаторига киради. Режалар барча ишлаб чиқариш ресурсларидан чиқитлар ва йўлдош маҳсулотлардан кенг фойдаланишни инобатга олган ҳолда иложи борича рационал ва унумли фойдаланишни таъминлаши ҳамда юқори натижаларга эришиш учун энг самарали йўлларни танлаши керак.

Режалаштиришнинг оптималлигига иқтисодий-математик усуллар ва электрон ҳисоблаш машиналарини қўллаш, режа-

ларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш ёрдамида эришилади. Кўп вариантлилик энг тежамкор режа варианти ёки корхона фаолияти дастурини танлашга имкон яратади.

Мослашувчанлик режалаштиришнинг бозор шароитларидаги муҳим тамойили ҳисобланади. У ишлаб чиқариш режаларига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш, истеъмолчилар ва харидорлар талабларини ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришнинг юзага келиши мумкин бўлган пасайиши ва инқирозларнинг олдини олишга ёрдам беради. "Корхоналар тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқаришни режалаштиришда ушбу тамойилни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратади.

Бироқ ҳеч қандай тамойил, жумладан, юқорида санаб ўтилган тамойиллар ҳам, ўзидан-ўзи, яъни шу тамойиллар учунгина керак эмас. Агар амалиётда қўлланмаса бу тамойиллар фақат қоғозда қолиб кетиши ёки оддий чақириқ бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли корхона раҳбарининг режалаштириш жараёнини, аниқроғи, режанинг бажарилиши ҳамда режалаштиришнинг белгиланган ва бошқа тамойиллари қандай акс эттирилганлигини назорат қилиши муҳим аҳамият касб этади. Назорат керакли натижаларга эришиш, юзага келиши мумкин бўлган диспропорцияларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, захираларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўлларини белгилашга имкон берди.

5.3. Корхоналарда режалаштириш ва башорат қилиш

Хўжалик юритишнинг бозор тизимига хос бўлган иқтисодий муносабатлар ривожланишнинг ноаниқлиги, корхона иқтисодиёти ривожланишининг мос келувчи йўналишларини ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб беради. Бу вазифа амалда режалаштириш ва башорат қилиш ёрдамида амалга оширилади.

Башорат — корхона, объект ёки ҳодисанинг келажакдаги аҳволи ва уларни амалга ошириш вариантлари ва муддати тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган мулоҳазадир. Башоратларни ишлаб чиқиш жараёни башорат қилиш, яъни келажакни ҳозирги пайтдан келиб чиққан ҳолда олдиндан кўра билиш деб аталади.

Корхона ҳамда бутун иқтисодиёт миқёсида башорат қилишнинг объектлари сифатида иқтисодий, ижтимоий, фан-техника ва бошқа жараён ва ҳодисаларни кўрсатиш мумкин. Корхоналар фаолиятида *иқтисодий башоратлар* алоҳида ва етакчи ўрин эгаллайди. Уларнинг асосий вазифалари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ривожланиш мақсадларини бел-

гилаш, оптимал йўналишлар ва уларга эришиш воситаларини излаб топиш, ресурсларни ва қўйилган вазифаларни бажариш муддатларини белгилаш, корхона ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чеклашларни аниқлаш.

Режалаштириш – қарор қабул қилишнинг узлуксиз бир жараёни бўлиб, бу жараён давомида корхона фаолияти ва ривожланишининг мақсад ва вазифалари атрофда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда вақт бўйича аниқланади ва белгиланади ҳамда уларни амалга ошириш учун ресурслар аниқланади. Мазмунига кўра, режалаштириш техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқариш турларига бўлинади.

Техник-иқтисодий режалаштириш корхона фаолиятининг барча (иқтисодий, техник, ижтимоий ва ҳоказо) жиҳатларини қамраб олувчи режалаштириш тури бўлиб, асосан бир йилга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади. Мазкур режалаштириш турининг соддалаштирилган кўриниши кўпинча корхона фаолиятининг йиллик режаси деб аталади.

Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш техник-иқтисодий режалаштиришнинг давоми бўлиб, корхона фаолияти йиллик режасини янада қисқароқ муддатга - сутка, ўн кунлик, ойга бўлиб муайянлаштириш билан тавсифланади. Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш-календарь режалаштириш ва диспетчерлашдан иборат бўлади.

Календарь режалаштиришда корхона йиллик режасида ва биринчи ўринда ишлаб чиқариш дастури(маҳсулот тайёрлаш режаси)ни ўн кунлик, ҳафта, кун ва смена бўйича аниқлаштириш ҳамда бу кўрсаткичларни бажарувчиларга етказиш кўзда тутилган.

Диспетчерлаштириш ойлик, ўн кунлик, кунлик сутка-сменалик режаларни бажаришни тезкор бошқаришда ифодаланади.

Шуни қайд қилиш керакки, юқорида кўрсатиб ўтилган режалаштириш турлари асосан машинасозлик, самолётсозлик, автомобильсозлик каби соҳаларнинг йирик ва баъзи ҳолларда ўрта корхоналари учун хосдир. Гарчи, бизнес-режа ҳозирги кунда "оммавий" бўлиб йирик ва ўрта корхоналарда қўллансада, асосан ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмаган ҳамда ходимлар сони 100 кишигача бўлган кичик корхона ва микрофирмалар бизнес-режалар асосида фаолият юритади.

Яна бир муҳим нарсани айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги пайтда иқтисодиётга оид бўлган адабиётларда режалаштиришга нисбатан *стратегик, узоқ муддатли, қисқа муддатли ва жорий режалаш-*

тириш каби тушунчалар қўлланмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз шакли, кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш усулларига эга.

Стратегик режалаштириш хўжалик юритишнинг бозор тизимидагина вужудга келиб, 10-15 йиллик даврни ўз ичига олади. У корхона раҳбариятининг масъулиятли вазифаси ҳисобланади ҳамда ривожланишнинг устувор йўналишларини топиш ва бозорда юзага келиши мумкин бўлган талабни инобатга олган ҳолда ресурс билан таъминлашга қаратилган.

Стратегик режалаштириш асосида яқин 3-5 йилга мўлжалланган *узоқ муддатли режалаштириш* амалга оширилади. У корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш, сотиш, харажатлар, молия каби турларини ўз ичига олади ҳамда ўз мазмуни ва мақсадли вазифаларига кўра, стратегик режалаштиришдан фарқ қилмайди.

Қисқа муддатли режалаштиришда корхона фаолияти ва ривожланиши 1-3 йилга мўлжаллаб режалаштирилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, биринчи йил кўрсаткичлари ҳар чоракда, иккинчи ва учинчи йил кўрсаткичлари эса ҳар ярим йил ёки бир йилда аниқлаштирилади ва тўғрилашлар киритилиб борилади. Бунинг мақсади сифатида эса, режа кўрсаткичларининг иқтисодий муҳит, бозор ва фан-техника тараққиётида юз бераётган ўзгаришларни тўлароқ акс эттиришга интилишни кўрсатиш мумкин.

Бозор муносабатларида рақобатчиликни кучайтириш ҳамда хўжалик юритиш ва ҳаётий жараёнлар динамикаси ҳисобига *жорий режалаштириш* амалга оширилиб, унга чоракларга бўлинган йиллик режалар асос қилиб олинади. Ушбу режалар қоидага кўра, ўзгарувчан бўлиб, жорий йилнинг биринчи уч ойи учун *қатъий, ҳаётий кўрсаткичлар* белгиланиб, кейинги тўққиз ой давомида уларга тўғрилашлар (корректировка) киритилади. Улар қисқа муддатли режаларга қараганда, айниқса, ишлаб чиқариш ҳаракати ва моддий-товар бойликлари захираси, баҳони шакллантириш қисмида янада аниқроқ ҳисобланади. Умуман олганда, корхонанинг турли бўлим ва хизматлари вазифалари бундай режаларда ўзаро боғланади.

Режалаштиришнинг исталган тури корхона фаолиятининг бирон-бир жиҳатини акс эттирувчи, умумий ва хусусий, сифат ва миқдор кўрсаткичларига асосланади.

Умумий ва умумлаштирувчи кўрсаткичлар корхонада ишлаб чиқариш ривожланишининг йўналиши ва даражасини акс эттиради. Бундай кўрсаткичлар қаторига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, меҳнат, таннарх ва жамғармалар бўйича кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Хусусий кўрсаткичлар умумлаштирувчи кўрсаткичлар асосини ташкил қилувчи алоҳида элементларни, масалан, материал, ёқилғи, энергия ва шу кабиларнинг маҳсулот таннархидаги салмоғини тавсифлайди. Шунингдек, бу кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар даражасига таъсир ўтказувчи алоҳида омилларни ҳам тавсифлаб беради. Масалан, ёрдам кўрсатувчи ишчилар салмоғининг меҳнат, ишлаб чиқариш даражасига таъсири; асбоб-ускуналарни иш билан таъминлаш коэффициентининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига таъсири; хомашё ва материаллардан фойдаланиш коэффициентининг маҳсулот таннархи пасайишига таъсири ва ҳоказолар.

Умумлаштирувчи ҳамда хусусий кўрсаткичлар иккита категорияга - миқдор (абсолют) ва сифат (нисбий) категорияларига бўлиниши мумкин.

Миқдор кўрсаткичлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятини ҳажм ўлчамида изоҳлайди. Бундай кўрсаткичлар қаторига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, ишлаётган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, машина ва асбоб-ускуналар парки, ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган материаллар миқдори, цех ҳамда иш жойлари сони ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Сифат кўрсаткичлари корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги ўзгаришларни нисбий катталиклар: меҳнат маҳсулдорлигининг ўсиши, маҳсулот таннархининг базис даврга (ёки режа ҳисоботига) нисбатан фоизларда камайиши, маҳсулотнинг тўлиқ таннархига нисбатан фоизларда даромад ҳажми, корхона рентабеллик даражасининг ўсиши ва шу кабилар ёрдамида тавсифлайди.

Сифат кўрсаткичлари аксари ҳолларда пул қийматида ифодаланиши сабабли, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш амалиётида асосий ва айланма фондлар, асбоб-ускуналар, сарфланаётган ёқилғи, энергия ва бошқа материаллар каби *қиймат кўрсаткичларидан* фойдаланилади. Қиймат кўрсаткичлари корхона фаолиятида қўлланилувчи турли хилдаги воситаларни статика ва динамикада таққослаш имконини беради. Бундан ташқари, солиқлар ва турли хил тўловлар ҳамда корхона даромади фоизлардан ташқари пул кўринишида ҳам ўлчанади.

Корхона фаолиятини режалаштириш корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилишдан бошланишини айтиб ўтиш муҳим. Мазкур таҳлил давомида режанинг сифат,

миқдор ва қиймат кўрсаткичлари бўйича бажарилишига баҳо берилади ҳамда талофат ва йўқотишлар аниқланиб, корхона фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Айнан шу чора-тадбирлар ва янги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда жорий режалаштириш амалга оширилади ҳамда янги режа даврига корхона фаолияти режалари ишлаб чиқилади.

5.4. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси

Режалаштириш корхонани бошқариш жараёни сифатида ўз технологиясига эга бўлиб, бу технология корхонанинг режалаштирилаётган даврдаги мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бажарувчиларга муайян вазифаларни белгилаш, вазифаларни тури, катталиги ва муддатига кўра, аниқлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти натижаси - даромад ёки фойда олишни ўз ичига олади. Кичик корхоналарда бу вазифаларни бажариш катта корхоналарга нисбатан енгилроқ бўлсада, барча ҳолларда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади:

- ишлаб чиқариш қувватининг мавжудлиги ва тузилмаси;
- ходимлар сони, ихтисос таркиби ва малакаси;
- молиявий ресурслар;
- айланма маблағлар мавжудлиги ва унга бўлган эҳтиёжлар, жумладан, моддий-товар бойликлари захиралари;
- илмий-техник тадқиқотлар тузилмаси ва тайёрлик даражаси;
- маҳсулотни сотиш каналлари.

Режалаштириш, режа лойиҳасини унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси, моддий-техника таъминоти режаси, кадрлар ва ойлик маош бўйича режа, янги техника ва капитал қўйилмалар режаси, молиявий режа каби асосий қисмлари доирасида тайёрлаш билан боғлиқ бўлган *режадан аввалги даврни* ўз ичига олади. Уларнинг моддий ва молиявий ресурслар ҳамда бажариш муддати бўйича тўлиқ ўзаро боғлиқлиги ва балансланганлиги режалаштириш жараёни ва корхона режасининг ишончлилигини таъминловчи муҳим жиҳатдир. Ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ишчи кучининг мавжудлиги, шартномалар бўйича маҳсулот етказиш режалари ва ишлаб чиқариш қувватлари билан, таннарх режалари эса ишлаб чиқариш дастурлари ва молиявий режа билан боғлиқ бўлади.

Режаларни ишлаб чиқишда корхонанинг барча цехлари ва

функционал бўлинмалари, жумладан, молия ва режа бўлими, меҳнат ва иш ҳақи бўлими, маркетинг хизмати, бухгалтерия, техник бўлим, цех раҳбарлари иштирок этишлари зарур. Корхона режаси ва унинг бўлимлари қанчалик синчковлик билан ишлаб чиқилган бўлса, уни бажариш шунчалик енгиллашади, ресурслар камроқ талаб қилинади ҳамда иш сифати юқори даражада бўлади. Афсуски, режанинг баланслаштирилмаганлиги, унда хатолар мавжудлиги, шунингдек, режани бажарувчиларнинг интизомсизлиги (амалга оширишни суст назорат қилиш натижасида) туфайли кўп вақт ҳамда маблағлар исроф қилинмоқда. Худди шу сабабли маҳсулот сифати пасайиб, даромад олиш ўрнига харажатлар юзага келмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда режалаштиришни корхона жамоасининг вазифаси деб аташимиз мумкин.

Режалаштириш табиатини 5.1 - чизма ёрдамида акс эттириш мумкин:

Режалаштириш тизими қуйидаги талабларга жавоб берган тақдирдагина самарали ва ишончли ҳисобланади:

1.Режалаштиришнинг ҳар бир элементи ва босқичи қатъий равишда асослаб берилиши.


2.Режадаги вазифаларнинг аниқ ва ўз вақтида бажарилиши, яъни режанинг адреслилиги.

3.Режа бажарилишини доимий ва узлуксиз равишда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва унга зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш.

4.Ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларни ижобий қабул қилиш, шунингдек, корхона фаолиятини рўй берган ўзгаришларга мос равишда, ўз вақтида қайта ташкил қилиш (режалаштиришнинг мослашувчанлиги).

5.Фан-техника тараққиёти ва хўжалик юритишнинг илғор тажрибаларига таяниш.

Режалаштириш давомида бугунги кундан ташқари, келажакни, эртанги кунни ҳам инобатга олиш зарур. Корхона истиқболи ва бозордаги ҳолатининг барқарорлиги, кўп жиҳатдан унинг илғор техника ва фан ёрдамида яратилган энг яхши маҳсулотлар намунасини тезлик билан ўзлаштириб олиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Шу сабабли корхоналарда ахборот тизимини яхши йўлга қўйиш ҳамда реклама фаолиятини ривожлантириш лозим. Реклама истеъмолчиларни (харидорларни) мавжуд маҳсулот билан таништиришдан ташқари, худди хориждаги каби, уларни айнан шу маҳсулотни сотиб олишга ундаши керак.



5.1.- чизма. Корхонада режалаштириш жараёни технологияси

Режалаштиришнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- белгиланган режалаштириш оралиғининг аниқлиги;
- интеграция ва дифференциация даражаси, шунингдек, режалаштирилаётган кўрсаткичлар миқдори;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларини ҳисобкитоб қилиш даражасининг аниқлиги;
- режани тайёрловчилар ва амалга оширувчилар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш тартиби.

Режалаштиришда "корхона-муҳит-ҳолат" муносабатлари асосий ўринга эгадир. Бунда ишлаб чиқариш шундай режалашти-

риладики, натижада корхонанинг бозордаги барқарорлигини сақлаб қолиш, юзага келадиган ҳолат ва ташқи муҳитни ҳисобга олишдан ташқари, маҳсулотни тезда сотиш ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига имкон яратилади. Бунинг учун корхона анчадан бери ишлаб чиқарилаётган анъанавий маҳсулотлардан ташқари, янги маҳсулот турларини, жумладан, ўхшаши бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариши, маҳсулотлар турини кўпайтириши зарур. Барча ходимлар, айниқса, раҳбарлар, бугунги кунда келажакдаги фаолият учун қулай истиқбол яратиш нисбатан осон бўлсада, худди шу ишни 3-5 йилдан сўнг, яъни истиқболдаги кунга айланган пайтда бажариш қийинлашади ёки бунга умуман имкон бўлмайди. Шу сабабли режалаштириш жорий ҳолатдан ташқари иқтисодиёт ва фан-техника тараққиёти соҳаларидаги рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни қанчалик кўп ҳисобга олса, унинг натижалари шунчалик юқори бўлади. Бу ерда корхонанинг йўлга қўйилган маркетинг хизмати, ходимлар малакаси ҳамда мамлакатимизда ва чет элда ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар ҳақидаги илмий-техник маълумотлар муҳим ўрин эгаллайди.

Умуман олганда корхонада режалаштириш тузилмаси ва мазмунини қуйидаги модел кўринишида акс эттириш мумкин (5.2 - чизма).

Ҳозирги пайтда корхоналарнинг аксари қисми асосан жорий режалар (бизнес-режалар) тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Бизнес-режаларда энг муҳим режалаштириш кўрсаткичлари қуйида келтирилган:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) номенклатураси ва ҳажми (натурал кўринишда);
- маҳсулот сотиш ҳажми (пул кўринишида);
- маҳсулот бирлигининг таннархи;
- фойда (даромад);
- категориялар бўйича ходимлар сони;
- меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва ўртача иш ҳақи даражаси;
- омборлардаги хомашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот захиралари;
- айланма воситалар ҳажми - умумий ва гуруҳлар бўйича;
- капитал қўйилмалар ҳажми, жумладан, қўйилма объектлари ва йўналишлари бўйича;
- янги техника ва технологияга оид чора-тадбирлар;
- бошқа кўрсаткичлар (зарурлиги ва аниқланишига кўра).

Янги маҳсулотлар ва технологияларни қўллаш лойиҳалари, шунингдек, инвестициялар ва қурилиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг бир қисми алоҳида режаларга киритилади. Улар чора-тадбирларни амалга оширишнинг бутун даврига тузилади.



5.2 – чизма. Корхонада режалаштириш тузилмаси.

Режалаштириш тизими мақбул йўлга қўйилганда режада белгиланган кўрсаткичларнинг рақамларда белгиланиши киритилган мутлақ катталик сифатида кўриб чиқилиши лозим. Режаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш кўп ҳолларда четга оғишларга нисбатан юритилиб, улар таҳлил қилинади, четга оғишнинг сабаблари аниқланади ҳамда четга оғишлар салбий характерли бўлса, уларга нисбатан зарурий чоралар қўлланади. Режалаштиришда моҳиятига кўра, корхона олдида турган ишлаб чиқариш вазифалари ва корхонанинг истеъмолчилар талабига муносабатига тавсифловчи буюртмалар "портфели"ни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

5.5. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чиқиш тартиби

Тадбиркорлик - корхоналар хўжалик юритиш фаолиятининг узлуксиз қисми бўлиб, фойда (даромад) олиш ва уни кўпайтиришга қаратилган бўлади. Корхоналар ҳаётида у, боқибеғамликка берилиш, турғунлик ва исрофгарчиликни инкор қилишни англатади. Корхона раҳбари ёки мутахассис тадбиркорлик ва ташаббускорлик "руҳига" эга бўлмаса, демак, у бўш ёки ёмон ходим, хизматда белгиланган соатларни ўтказиб ўтирувчи шахс ҳисобланади. Аксинча, тадбиркорлик ва ташаббускорлик "руҳига" эга бўлган мутахассис ёки мансабдор шахслар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, меҳнат сифатини кўтариш ва корхонанинг оладиган даромадларини кўпайтириш йўлларини излаб топадилар.

Тадбиркорликни кўпинча муайян шахсга "боғлаб қўядилар" ҳамда бу шахсни тадбиркор ёки бизнесмен деб атайдилар. Бундан ташқари бир гуруҳ шахслардан ташкил топувчи жамоа тадбиркорлиги ҳам мавжуд. Бу ҳолатни жамоа бизнеси ёки жамоа тадбиркорлиги деб аташ мумкин.

Агар якка шахс индивидуал тарзда ёки кичик бир жамоа воситачилик, олди-сотди, маслаҳат ва бошқа хизматлар билан шуғулланса, у ҳолда бизнес-режа талаб қилинмайди. Бошқа ҳолларда бизнес-режа янги корхона ташкил қилиш ёки бирон-бир тижорат лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланаётган асосланган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олувчи ҳужжат ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси, корхонага ўз имкониятларини баҳолаш, бозордаги истиқболни, зарурий харажатларни аниқлаш, корхона фаолиятининг биринчи йилларида "сув остидаги тошлар"ни аниқлаш ҳамда мазкур фаолият турининг фойдали ёки зарарли эканлигини баҳолаш кўрсаткичлари ёрдамида ҳисоблашга ёрдам беришда деб белгиланади.

Бизнес-режани тайёрлаш натижасида «*Ишни нимадан бошлаш керак?*»; «*Самарали ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилиш лозим?*» «*Биринчи фойда ёки даромад қачон олинади?*», «*Инвесторлар ва кредиторлар билан қачон ҳисоб-китоб қилиш мумкин?*», «*Юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни қандай камайтириш мумкин?*», «*Рақобатчилар билан курашда қандай чоралардан фойдаланиш мумкин?*» каби саволларга жавоб олинади.

Бизнес-режани тузишда қуйидаги шартларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

• бизнес-режа профессионал ва шу билан бир пайтда содда, бажариш учун тушунарли ва осон бўлиши лозим;

• бизнес-режа инвестор ёки бошқа манфаатдор шахс ўзига керакли маълумотларни қидириб топиши учун бўлимларга (бобларга) бўлиниши лозим;

• бизнес-режани тайёрлашда корхонанинг бош раҳбари албатта қатнашиши шарт, чунки инвестор, банк ёки бошқа молия идораси корхона раҳбари қатнашмаганлиги ёки бошқа шахсга топширилганлиги ҳақида хабар топса, бизнес-режанинг ишончлилигига шубҳа уйғониши мумкин;

• бизнес-режанинг объектив баҳоланишига эришиш керак, яъни унда хатолар ва нотўғри ҳисоб-китоблар бўлмаслиги лозим;

• бизнес-режанинг тарқатиб юборилмаслигини назорат қилиш зарур, чунки унда бизнес тўғрисидаги махфий маълумотлар жой олган бўлади.

Режаларнинг ҳар бир тури каби, бизнес-режа ҳам, бўлим ва кўрсаткичлардан иборат бўлади. Ўнтагача бўлимни ўз ичига олувчи бизнес-режа мазмуни ва тузилишига кўра, энг мақбул ҳисобланади. Мавжуд адабиётларда қуйидаги бўлимларни ўз ичига олувчи бизнес-режалар таклиф қилинади:

1. Танланган бизнес концепцияси.
2. Ҳозирги пайтдаги ҳолат (мақсад, вазифа ва ниятлар).
3. Ташкил қилинаётган корхона ва унинг маҳсулот ҳамда хизматлари тавсифномаси.
4. Бошқарув (менеджмент).
5. Бозор тадқиқоти ва таҳлили.
6. Маркетинг ҳаракатлари режаси.
7. Ишлаб чиқариш режаси.
8. Таваккалчиликни баҳолаш.
9. Молиявий режа.
10. Бизнес-лойиҳанинг самарадорлиги.

Танланган бизнес йўналишининг концепциясини тузишда унинг рақобатбардошлиги (сифат, нарх, истеъмолчига етка-

зиб бериш шакли, тайёрлаш технологияси ва ҳоказо); маблағларга бўлган эҳтиёжлар; ўзига жалб қилишнинг асосланганлиги(таклиф қилинаётган маҳсулотнинг бошқа маҳсулотлардан афзалликлари, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қайси босқичда эканлиги ва ҳоказо)га катта эътибор қаратиш лозим.

Концепцияда танланган товар бозоридаги аҳвол; корхонанинг танланган бизнес соҳасидаги кучли ва кучсиз томонлари; бошқа бозорга чиқиш имкониятлари; бозорга таъсир ўтказувчи қонунчилик, сиёсат, демографик ҳолат каби омиллар акс эттирилади. Бундан ташқари концепция баҳонинг ўзгариши, инфляциянинг ўсиши, капитал олиб чиқиш ёки маҳсулот олиб киришни чекловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиниши каби шароитларда, маҳсулотни сотишни кўпайтириш учун зарур бўлган чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу бўлим танланган бизнес йўналиши мақсадлари ва ниятларининг шаклланиши билан якунланади.

Корхона, унинг маҳсулот ва хизматлари тавсифномаси бўлимида корхонанинг жойлашган манзили, бозорга чиқиш шакли, бозордаги улуши, асосий рақобатчилари ва уларнинг кучли томонлари, технология даражаси ва харажатлар таҳлили акс эттирилади.

Мулкчилик шакли, ходимларнинг малакаси, ташқи муҳит билан муносабатлар "Бошқарув" бўлимида кўрсатилади.

"Бозор тадқиқоти ва таҳлили" бўлимида танланган бозор асослаб берилади, харидорларни корхона маҳсулотларига жалб этувчи рақобатчилик усуллари ҳамда бозорда баҳони шакллантириш ва ҳоказолар кўриб чиқилади.

Маркетинг режасининг асосий вазифаси корхонанинг бозордаги имкониятларига баҳо беришдадир. Маркетинг режасининг асосий элементлари сифатида товарларни тарқатиш тизими, баҳони шакллантириш, реклама, савдони рағбатлантириш усуллари, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, корхона (фирма) ва унинг маҳсулотлари ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

"Ишлаб чиқариш режаси" салоҳият харидорларга керакли маҳсулотлар ҳажмини ўз вақтида ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлигини кўрсатади. Мазкур бўлимда қуйидагилар ўз аксини топади: янги ташкил қилинган ёки фаолият юритаётган корхонада товар ишлаб чиқариш жойи; бунинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш қувватлари ва уларнинг ўсиш истиқболлари; хомашё ва материал етказиб берувчилар; ишлаб чиқариш кооперацияси; ишлаб чиқариш оқимлари тизимини тузиш; сифатни назорат қилиш жараёни; фойдаланила-

диган стандартлар; вужудга келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш харажатлари.

"Тавакалчилик ва суғурталашни баҳолаш" бўлими икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмда таваккалчиликнинг барча турлари (ёнғин, зилзила, солиқни бошқаришдаги ўзгаришлар ва валюта курсининг тебраниши) олдиндан ҳисоблаб чиқилади. Иккинчи қисмда эса таваккалчилик хавфининг олдини олиш, яъни таваккалчилик ва зарарларни қисқартириш чора-тадбирлари кўрсатилади, шунингдек, таваккалчилик хавфидан суғурталаш дастури амалга оширилади.

Молиявий режа бизнес-режанинг якунловчи бўлими бўлиб, корхона фаолиятининг натижаларини тавсифлайди. У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- савдо ҳажмининг башорати;
- пул даромадлари ва харажатлари баланси;
- фойда ва зарар бўйича режа.

Мазкур режанинг кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- товарларни сотишдан тушган даромад;
- ишлаб чиқариш харажатлари;
- савдодан тушган умумий фойда;
- соф фойда;
- корхона актив ва пассивининг солиштирма баланси;
- зарарсизликка эришиш графиги.

Шунингдек, мазкур бўлимда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кегайтириш учун маблағ жалб қилиш режалари ҳам ифодаланади. Бўлимда корхонанинг моливий барқарорлиги ёки ночорлигини аниқлаш имконини берувчи махсус кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ҳам келтирилади.

Қисқача хулосалар

Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятга эришиши кўп жиҳатдан *ишлаб чиқаришни ички режалаштиришнинг* сифатига боғлиқ бўлади. У ҳар бир корхонани бошқаришда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бозор шароитларида корхоналар режалаштиришнинг устунликларидан рақобатчилик курашида фойдаланадилар. Режалаштиришнинг турли тарзда белгиланиши орасидан режа, бизнес-режа, лойиҳа, техник-иқтисодий асослаш ва умумий режалаштиришни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Режалаштириш ёрдамида бошқарув қарорларини амалга оширишнинг мақсад, вазифа ва усуллари аниқланади.

Режалаштириш *илмийлик, мослашувчанлик, узлуксизлик, оптималлик* каби тамойилларга асосланади. Ўз мазмунига кўра, режалаштириш техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқариш, режа ҳисоб-китобларини аниқлаштириш даражаси ва муддатига кўра эса, стратегик ва тактик турларга бўлинади.

Бозор шароитларида корхона ҳамда инвесторлар ва ҳамкорлар учун бизнес-режани тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бозорни тадқиқ этишдан тортиб то харидорларга сотувдан кейинги хизмат кўрсатишгача бўлган кўплаб саволларга жавоб топилади.

Бизнес-режа корхонанинг турли тузилмавий бўлинмалари олдига қўйилувчи бир қатор вазифаларни мажмуа равишда ҳал қилиш имкониятини яратувчи кўрсаткичлар ва бўлимлардан иборат бўлади.

Иқтисодиётни режа асосида бошқаришни мукаммаллаштиришнинг муҳим вазифалари қаторида меъёр ва меъёрийларни тайёрлаш, зарурий кўрсаткичлар тизими ҳамда уларнинг режадаги даражасини танлаш ва яратишни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхона фаолиятининг самарадорлигини қандай сабаб ва омиллар белгилайди?
2. Режа, режалаштириш каби тушунчалар нимани англатади?
3. Бозор ва режа ўзаро қандай келишувга келади?
4. Бозор шароитларида режалаштириш вазифалари ва аҳамияти.
5. Режалаштиришдан талаб қилинувчи асосий талабларни санаб ўтинг.
6. Режалаштиришнинг қайси таркибий элементлари сизга маълум?
7. Режа билан башоратнинг фарқи нимада?
8. Лойиҳа билан техник-иқтисодий асослашнинг фарқи нимада?
9. Бизнес-режа нима ва унинг тузилмаси қандай?
10. Бизнес-режани тайёрлашнинг мақсад ва вазифаларини айтиб ўтинг.
11. Бизнес-режа бўлим ва кўрсаткичларига қисқача тавсиф беринг.
12. Режалаштириш усуллари ва уларнинг моҳияти.
13. "Меъёр", "меъёрий", "меъёрийлаштириш" тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг.
14. Меъёрийлаштиришнинг усул ва тамойиллари.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Экономика предприятия. Под ред. профессоров Горфинкеля В.Я., Купрякова Е.М. - М.: ЮНИТИ, 1996.
4. Грузинов В.П., Экономика предприятия. - М.: СОФИТ, 1997.

VI боб

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

6.1. Самарадорлик корхона ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, бозор шароитларида "самарадорлик" тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

"Самара", "самарадорлик", " ижтимоий-иқтисодий самарадорлик" каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда *ишлаб чиқариш самарасини*, пул шаклида эса *иқтисодий самарани* тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У "самара" тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва мажмуа тавсифига эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узоқ муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Хорижий фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида самара-

дорликка эришиш учун ишлаб чиқариш техника ва технологияларига эътиборни кучайтиришдан ташқари, маҳсулот сифатини ошириш ва уни реклама қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, Япониянинг "Омрон" фирмаси ўзига "Барчанинг яхши ҳаёти, яхши дунё учун" деган иборани шиор қилиб олган. Американинг "Катерпиллер" компаниясининг шиори "Дунёнинг ҳар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрсатиш" бўлса, "Рибок" фирмаси "Яхши баҳодаги нарх" иборасини шиор қилиб олган. Бундай мисоллардан яна бир нечтасини келтириб ўтиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона *биринчидан*, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, *иккинчидан*, ўз имиджини яхшилайди ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, *учинчидан*, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилайди. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини қидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъиназар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

6.2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

- бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;
- истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;
- айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш захираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади (6.1.-жадвал).

6.1 - жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги харажатлар ва ресурларнинг ўзаро алоқаси

Моддий ва буюмланган шаклда		Пул шаклида	
Ресурслар	*Харажатлар*	*Ресурслар*	*харажатлар*
Ишчи кучи сони	Меҳнат (сифат ва миқдор)	Меҳнат ҳақи фонди	Тўланган ойлик миқдори, жумладан, мукофот ва қўшимчалар
Бино, иншоот, машина ва ускуналар (меҳнат қуроллари)	Меҳнат қуролларининг эскириши	Асосий капитал	Амортизация ажратмалар
Меҳнат предметлари	Истеъмол, талаб, материаллар, ёқилғи, энергия ва ҳоказо	Айланма капитал	Сарфланган хомашё, материал ва ҳоказолар қиймати
Тайёр маҳсулот	Дизайн, реклама, қадоқлаш, товар йўқотишлари	Муомала фондлари	Қўшимча харажатлар (қиймат)
-	-	Пул маблағлари	Кредит учун фонз

Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жиҳатидан ўлчанишп мумкин. Масалан, ***ишчи кучидан*** фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида қуйидаги формула асосида баҳолаш мумкин:

$$My = \frac{Q}{Ис}$$

Бу ерда: Му - меҳнат унумдорлиги;
Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;
Ис - ишловчилар (ишчилар) сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими меҳнат унумдорлигига тескари катталик бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида аниқланади:

$$T = \frac{Ис}{Q}.$$

Меҳнат қуроллари (асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари катталик бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими ($f_қ$) ва фондо сиғимини ($f_с$) аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$fк = \frac{Q}{Ф};$$

Бу ерда: Q - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;
Ф – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

$$fс = \frac{Ф}{Q}.$$

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим захираси ҳисобланади.

Меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамида сарфланган хомашё, материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади. Унинг формуласи қуйидагича:

$$m = \frac{M}{Q};$$

Бу ерда: m - маҳсулотларнинг материал сиғими;
M - маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатларнинг умумий миқдори пул кўринишида;
Q - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, қиймат кўринишида.

Маҳсулотнинг материал сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Бироқ маҳсулот материал сиғимини камайтириш, унинг сифатини пасайтириш ёки технология меъёр ва қоидаларини бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим. Материал сиғимининг бу тарзда камайтирилиши иқтисодий жиноят ҳисобланади ва қонунга асосан жазога тортилади.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилигини қабул қилиш мумкин. Бу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R = \frac{F}{Ак} * 100;$$

Бу ерда: R - рентабеллик, хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

F - корхонанинг баланс фойдаси;

А - авансланган капитал(асосий ва айланма).

Нисбатнинг катталашиши меҳнат, молия, технология ва моддий ресурсларидан унумлироқ фойдаланишни англатади. Чунки айнан улар ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлари, маҳсулот баҳосига таъсир ўтказади. Хўжалик фаолияти минимал харажатлар билан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган жойларда самаралироқ бўлади.

Корхона рентабеллигини аниқлашда баъзида корхона олган умумий фойда эмас, балки маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига олинувчи фойда улушидан фойдаланилади. Бундай ёндашув корхонани ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тежамкорлик билан рационал тарзда фойдаланиш, натижада эса маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланувчи барча харажатларни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар сари чорлайди. Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффициенти ($К_{т.қ.}$);
- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($К_{хқм}$);
- молиявий мустақиллик коэффициенти ($К_{м.м.}$);
- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ($К_{хам}$).

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англатувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сиғими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда

турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

Тўлов қобилияти коэффициенти ($К_{т.к.}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$К_{т.к.} = \frac{А_2 - М_{у.д.к.}}{П_2 - И_{кк}}$$

Бу ерда: $А_2$ – айланма активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

$П_2$ – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо);

$М_{ў.д.к.}$ – муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари;

$И_{кк}$ – узоқ муддатли қарз ва кредитлар.

Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($К_{х.қ.м.}$) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$К_{ххм} = \frac{П_1}{П_2 - И_{кк}}$$

Бу ерда: $П_1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

Молиявий мустақиллик коэффициенти ($К_{мм}$) корхона молиявий мустақиллигининг камайиши (кўпайиши), келажакда молиявий қийинчиликларга учраш хавфининг кучайиши (пасайиши) ҳақида маълумот беради ҳамда корхона ўз мажбуриятлари олдида жавоб беришининг кафолатларини белгилаб беради. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$К_{мм} = \frac{П_1}{ИБ}$$

Бу ерда: ИБ - корхона баланси активи ёки пассивининг якуни.

Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ($К_{х.а.м}$) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради.

Мазкур коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{х.а.м} = \frac{П_1 - А_1}{А_2}$$

Бу ерда: $А_1$ – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Кўрсаткичлар тизимини тайёрлаган муаллифлар томонидан корхонанинг тўловга қобилиятлиги ёки ночорлигини аниқловчи ўлчамлар белгилаб берилган. Масалан, тўлов қобилияти коэффициенти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти 2 дан кичик бўлса ($К_{т.қ}$<2; $К_{х.қ.м}$<2), молиявий мустақиллик коэффициенти 0,5 дан кичик бўлса ($К_{мм}$<0,5), хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти 0,1 дан кичик бўлса ($К_{хам}$<0,1) корхоналар ночор деб топилади. Корхона ночорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги якуний қарор, ночорлик ўлчамларининг умумий суммаси 4,6 дан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида ***фойдани максималлаштириш*** ёки ***харажатларни минималлаштириш*** ётади.

Шартли мисол келтириб ўтамиз. Айтайлик, корхонанинг 10 млн. сўм миқдорида маблағи бўлиб, бу маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш мўлжалланган. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, корхона 10 млн. сўм сарф қилганда қўшимча 11 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради, яъни фойда 1 млн. сўмни ёки қўшилган капиталнинг 10 % қисмини ташкил қилади.

Агар корхона ушбу маблағни банкка йилига 12 %ли депозит ҳисобига қўйганида, фоизлар учун 1,2 млн. сўм фойда олган бўлар эди. Демак, муқобил харажатларни ҳисоблаганда корхона 0,2 млн. сўм миқдоридаги қўлдан чиқариб юборилган фойдани ҳам ҳисобга олиши лозим. Бироқ ишга бундай ёндашишнинг, бугунги бозор муносабатлари шароитларида кенг тарқалган бундай усулида, яъни энг кўп фойдага эга бўлиш тамойили асосидаги усулда, корхона фойдани максимал даражага чиқарсада, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эриша олмайди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эса, барчага маълум бўлганидек, иқтисодиётнинг ривожланиши учун энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

6.3. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда мажмуа равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хомашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина хоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айни пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни "боғлаш", *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни

қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари "эксплуаторлик белгиси" сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида *мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти* - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор "вакуумни", ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорли-

гини оширишда *ташкилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳамияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шаклларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шаклларини, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва касбий малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш,* ишлаб чиқарилаётган *маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

Қисқача хулосалар

Ишлаб чиқариш ва корхона фаолиятининг самарадорлиги «мода»га эргашиш ёки аввалги режали иқтисодиётнинг аксадоси эмас. Корхонанинг муваффақияти ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги самарали хўжалик юритишга асосланади.

Самарадорлик - хўжасизлик, исрофгарчилик ва бошқа талофатларнинг антиподидир. Бироқ самарадорлик ўз-ўзидан автоматик равишда келмайди. Фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, тежамкорликка риоя қилиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва оқилона инвестицион сиёсат самарадорликни оширишнинг муҳим омили ва йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Самарадорликнинг асоси харажатларни минималлаштириш ва фойдани максималлаштиришдадир. Корхона хўжалик юритишининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар сифатида меҳнат маҳсулдорлиги, фонд қайтими ва фонд сиғими, материал сиғими, меҳнат сиғими, рентабеллик ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Корхонанинг барқарорлиги ёки ночорлиги унинг самарали ёки самарасиз фаолият юритишини мос равишда акс эттиради. Бу жиҳатдан бугунги хўжалик юритиш амалиёти тўлов қобилияти коэффициенти, хусусий ва қарзга олинган айланма маблағлар нисбати коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти ва хусусий айланма воситалар билан таъминланганлик коэффициенти каби кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади.

Турли корхоналарда хўжалик юритиш самарадорлигига ўз имкониятлари ва юзага келувчи иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда турли усуллар ёрдамида эришилади. Самарадорликка эришишнинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Корхонанинг вазифаси барча фаолият турларида самарадорликка эришиш йўлларини қидиришдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти нимада ва у корхона умумий фаолияти самарадорлигидан қандай фарқ қилади?

2. Самарадорликнинг қандай турларини биласиз? Самаранинг самарадорликдан фарқи нимада?

3. Корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари мазмунини очиб беринг. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш усули қандай?

4. Сизнинг фикрингизча, қайси кўрсаткич корхона фаолияти самарадорлигини кўпроқ акс эттиради?

5. Корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва омилларини санаб беринг.

6. Бозор шароитларида самарадорликни иқтисодий кўрсаткич ҳамда тушунча сифатида қабул қилиш мумкинми?

7. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий ўрин кимга тегишли: инсонларгами, ресурсларгами ёки фан-техника тараққиётигами?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон – XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Финансы предприятий. Учебное пособие. Коллектив авторов под редакцией БородинойЕ.И., - М.: ЮНИТА, 1995.

4. Дубровский В.Ж., Чайкин Б.И. Экономика и управление предприятием (фирмой). Екатеринбург, 1998.

5. Львов Ю.А., Основы экономики и организация бизнеса, Санкт-Петербург, ГМП Формика, 1992.

6. Экономика предприятия. Под ред. проф. Волкова О.И. - М.: ИНФРА-М, 2000.

7. Экономика предприятия. Под ред. проф. В.П. Грузинова. - М.: ЮНИТИ, 1998.

8. Макконелл К.Р. Брю С.Л, Экономика: принципы, проблема и политика. Перевод с англ. Том 1, 2, М., Республика, 1992

9. Коно Т. Стратегия и система японских предприятий. - М.: Прогресс, 1997.

VII боб

КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ

7.1. Асосий фондларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни

Замонавий иқтисодиёт фани асосий фондларни маълум бир истеъмол қиймати кўринишида ижтимоий меҳнат асосида яратилувчи, ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган материал омиллари қаторига киритади. Ҳозирги бозор шароитларида корхона кучи ва воситалари ёрдамида яратилган асосий фондлар ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга фаол равишда таъсир кўрсатувчи мулк ҳисобланади. Бутун халқ хўжалиги миқёсида асосий фондлар мамлакатнинг миллий бойлигини ташкил қилади.

Асосий фондлар *корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этада ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб беради.* Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса *амортизация ажратмалари* деб аталади.

Иқтисодий мақсадларга кўра, асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига тақсимланади. Ишлаб чиқариш асосий фондлари ўз моҳиятига кўра, корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ташкил қилиб, уларнинг таркибига қуйидагилар киради:


- ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари;
- узатиш қурилмалари;
- қувват машиналари ва ускуналари;
- ишчи машиналар ва ускуналар;
- транспорт воситалари;
- ўлчов ва тартибга солиш асбоблари ва қурилмалари;
- фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлмаган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган қийматлардаги асбоблар ва ишлаб чиқариш инвентари.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришда банд бўлган барча мутахассис ва ходимлар сони билан биргаликда, корхонанинг ишлаб чиқариш аппарати деб аталади.

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари *корхона асосий фондларининг ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, шу сабабли ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди.*

Булар қаторига асосан корхона балансида турувчи турар жой (уй-
жой фонди), ошхона, профилактория, клуб, болалар боғчаси ва яс-
лилар, спорт-соғломлаштириш ва бошқа объектлар киритилади.
Маданий-маиший ва соғломлаштириш йўналишидаги ноишлаб чи-
қариш асосий фондлари ишлаб чиқариш асосий фондлари билан
фойдаланиш муддати, натурал шаклнинг сақланиши, ўз қийматини
секин-аста йўқотиши каби кўп жиҳатлари билан ўхшашдир.

Корхона асосий фондлари таркибини қуйидаги 7.1 - чизма кўринишида акс эттириш мумкин.



7.1 - чизма. Корхона асосий фондларининг таркиби

Меҳнат предметига ўтказувчи таъсирига кўра, асосий ишлаб чиқариш фондлари актив ва пассив турларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг пассив турига бино ва иншоотлар, актив турига эса қувват машина ва ускуналари, ишчи машина ва ускуналар, транспорт воситалари, технологик линиялар, яъни бирон-бир турдаги маҳсулот яратишда фойдаланилувчи меҳнат қуроллари киритилади.

Корхонанинг актив асосий ишлаб чиқариш фондлари энг ҳаракатчан ва аҳамиятли ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти давомида кўплаб корхоналарда актив ишлаб чиқариш фондларининг салмоғи ортади, уларнинг таркиби ва кўриниши ўзгаради, асосий фондлар гуруҳ ва турларининг маънавий эскириш туфайли алмашиниш суръати тезлашади.

Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва бошқа ижобий ўзгаришлар шароитларида, баъзан корхонанинг асосий фондлари, жумладан, ишчи машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалар ва ҳоказолар етмай қолади. Бундай ҳоллар рўй берганда корхона шартнома асосида ўзига керакли бўлган асосий фондларни ёллайди ва улар ижарага олинган ҳисобланади. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида юзага келувчи мулк муносабатлари лизинг деб аталади (инг. Lease - ижара).

Асосий фондларнинг умумий ҳажмида алоҳида гуруҳларининг қиймат бўйича ўзаро нисбати *асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасини* акс эттиради ҳамда амалиётда фоизларда ўлчанади. Корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилмасининг, биринчи ўринда унинг актив қисмини - машина ва асбоб-ускуналарни кўпайтиришга йўналтирилган такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Уларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори шунчалик катта бўлади ва аксинча.

Корхона асосий фондларининг турлар бўйича тузилмаси, кўп жиҳатдан капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмаси орқали, жумладан, уларнинг янги қурилиш ва қайта таъмирлаш, амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта қуроллантириш билан аввалдан белгилаб қўйилган бўлади. Асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасига ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрация қилиш даражаси ҳам катта таъсир ўтказади. Йирик корхоналар, ишлаб чиқаришни фондлар билан таъминлашда ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишда кичик ва ўрта корхоналарга қараганда кўпроқ имкониятга эга. Бироқ кичик корхоналар ҳаракатчанроқ, уларнинг бошқаруви мослашувчанроқ бўлиб, натижада ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш осонроқ кечади.

«Корхона иқтисодиёти»га эксплуатация қилинаётган асосий фондларнинг ёши, биринчи ўринда машина ва асбоб-ускуна-

ларнинг ёши катта таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда машина ва саноат ускуналарини ёш бўйича гуруҳлашда тахминан қуйидаги муддатлардан келиб чиқилади: 5 йилгача, 5 йилдан 10 йилгача, 10 йилдан 15 йилгача, 15 йилдан 20 йилгача, 20 йилдан 25 йилгача ва ҳоказо. Машина ва ускуналарнинг эксплуатация муддати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари шунчалик паст бўлади, маҳсулотлар сифати пасаяди, бекор туриб қолиш ва талофатлар кўпаяди ҳамда аксинча. Бундан ташқари, корхона асбоб-ускуналаридан узоқ вақт мобайнида фойдаланилганида таъмирлаш учун ҳам кўп харажатлар сарфланади.

7.2. Корхоналарда асосий фондларни эскириши, уларни баҳолаш ва таъмирлаш

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади. Агар асосий фондларни *натурал баҳолаш*-ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш масалаларини ҳал қилиш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун уларнинг гуруҳ ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, *қиймат бўйича баҳолаш* эса, асосий фондларни қайта ишлаб чиқаришни режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий фондларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: бошланғич қиймат бўйича - асосий воситаларни яратиш ёки сотиб олиш учун сарфланган харажатлар мажмуидан иборат бўлиб, асосий фондлар ёки уларнинг алоҳида қисмларини фойдаланишга топшириш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган-уларни келтириш, ўрнатиш каби харажатларни ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи қиймат.


Масалан, битта машина ёки ускунанинг бошланғич қиймати — корхонанинг мазкур машина ёки ускунани маълум бир санада сотиб олган ва бу ҳақда бухгалтерия ҳужжатларида қайд қилинган сотиб олиш нархидир.

Тикланиш қиймати бўйича - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш ускуналари ва ҳоказо) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг ҳозирги пайтдаги қайта ишлаб чиқариш даврида қанча туришини кўрсатади. Корхона асосий фондлари-

нинг тикланиш қиймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат миқёсида ва давлат чора-тадбири сифатида эса, асосий фондларни қайта баҳолаш пайтида амалга оширилади.

Қолдиқ қиймати бўйича - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган ҳолда, бирламчи ва қайта тиклаш қийматлари ўртасидаги фарқ кўринишидаги баҳолашдир. Бошқача қилиб айтганда, бу асосий фондларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳали ўтказилмаган қисмидир. Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган ҳамда ҳисобдан чиқариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий фондлар ҳам, кўпинча қолдиқ қиймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда баҳоланади.

Корхона асосий фондларини баҳолашнинг турларини қуйидаги чизма кўринишда акс эттириш мумкин: (7.2.-чизма)



7.2. -чизма. Корхона асосий фондларини баҳолаш турлари

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг мукаммаллашуви, жумладан, миллий ҳисоб стандартларининг жаҳон стандартлари талаблари даражасига келтирилиши туфайли, гарчи асосий воситалар, асосий фондларнинг пул кўринишидаги ифодаси сифатида аввалдан қўлланиб келган

бўлсада, ҳаётимизга "асосий капитал", "асосий воситалар" каби атамалар эндиликда кенг равишда кириб келмоқда.

Ҳозириги кунда амалиётда асосий воситаларнинг корхона баланси ва ҳисоботларида акс эттирилувчи (яъни, бошланғич, белгиланган тартибда ўтказилувчи қайта баҳолашдан кейин эса тикланиш), ҳисобга олиш қиймати баланс қиймати деб аталади. Бундан асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини асосий воситаларнинг баланс қийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш ёрдамида топиш мумкинлиги англашилади.

Қабул қилинган баҳолаш усули ва корхона балансида акс эттирилувчи бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида, корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати ($Ф_{ўр}$) белгиланиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Ф_{ўр} = Ф_б + \frac{Ф_к T_1 - Ф_в T_2}{12};$$

Бу ерда: $Ф_б$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати;

$Ф_к$ – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

$Ф_ч$ – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий фондлар қиймати;

T_1 - фойдаланишга топширилувчи асосий ишлаб чиқариш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (ойларда), қабул қилингандан кейинги ойдан бошлаб;

T_2 – ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий ишлаб чиқариш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (ойлар) чиқарилган ойдан то йил охиригача).

Асосий фондларни бошланғич ёки тикланиш қиймати бўйича баҳолашдан ташқари эскириш суммаси ҳам ҳисобга олинади. Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши мумкин.

Жисмоний (моддий) эскириш асосий фондларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан иқлимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний эскиришни ($Ж_{эс}$) қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$Ж_{эс} = \frac{T_x}{T_м} \times 100; \quad \text{ёки} \quad Ж_{эс} = \frac{Э}{Б_{кс}} \times 100.$$

Бу ерда: $Т_х$ - асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилувчи муддати;

$Т_м$ - асосий фондлар хизмат қилиши керак бўлган меъёрий муддат;

Э - ҳисобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

$Б_қ$ – асосий фондларнинг бошланғич (қайта ташкил қилиш) қиймати.

Маънавий эскириш - асосий фондларнинг қадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг ишлаб чиқариш қийматлари пасайиши натижасида қадрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг қадрсизланиши *янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида*, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради. Асосий фондлар маънавий эскиришининг юқорида келтирилган шаклларини қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$М_{эс1} = \frac{Б_{тк} - К_т}{Б_{тк}} \times 100$$

Бу ерда: $Б_қ$ - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати;

$К_т$ - асосий фондларнинг тикланиш қиймати;

$И_{янт}$ - янги техниканинг унумдорлиги.



7.3.-чизма. Асосий фондларнинг эскириш турлари

Асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш, яъни жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан *амортизация ажратмаларни* айириб ташлайди ҳамда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида маҳсулот таннархига киритилади.

Амортизация ажратмалари қуйидаги формула асосида аниқланувчи амортизация меъёрлари (Ма) асосида амалга оширилади:

$$M_a = \frac{A}{Б_к} * 100$$

Бу ерда: А - амортизация ажратмалари;

$Б_к$ - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати.

Йиллик амортизация ажратмалари ($А_й$) миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$A_a = \frac{Б_к + Т_к + М - К}{Т}$$

Бу ерда: $Т_к$ – асосий фондлар хизмат қилган муддат давомида капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

М - ускуна, машина ва қурилмаларни, улар хизмат қилган давр мобайнида модернизация қилишга сарфланган харажатлар;

К - асосий фондларнинг қолдиқ (ликвидацион) қиймати;

Т - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил.

Амалда амортизация маблағлари асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш (реновация), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация қилиш учун алоҳида равишда йўналтирилади. Бундан келиб чиққан ҳолда амортизация меъёрси икки қисмдан - фондларни реновация қилиш ($Н_в$) ҳамда капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш ($Н_р$) учун ажратилувчи маблағдан иборат бўлади.

Биринчи ҳолда амортизация меъёрси қуйидаги формула:

$$Н_в = \frac{Б_к - К}{Т_х Б_к} \times 100;$$

иккинчи ҳолда эса:

$$Н_р = \frac{Т_к + М}{Т_х Б_к}$$

асосида аниқланади

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъ-

мирлаш орқали тиклаш зарурияти туғилади. Ўз вақтида таъмирлаш асосий фондлар муддатидан олдин ишдан чиқишининг олдини олади ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб қилинувчи муддат ва маблағларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қилади.

Масалан, машина ва асбоб-ускуналарни капитал таъмирлашда улар тўлиқ қисмларга бўлинади ва эскирган қисмлар алмаштирилади. Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат *таъмирлаш цикли* деб аталади. Машина ва ускуналар, қоидага кўра, махсус заводларда таъмирланади.


Ўртача таъмирлаш техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш ҳажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қилади ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у ҳам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корхонанинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

Жорий таъмирлашда асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

Асосий фондларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш мажмуаси *режали-олдини олувчи таъмирлаш тизимига* (РООТ) бирлаштирилади ва корхона бош механиги томонидан бошқарилади. Деярли ҳар бир корхонада РООТ ўтказилишини қайд қилиш журналлари мавжуд бўлиб, уларда профилактика ва таъмирлаш тадбирларини ўтказиш тартиби ва графиги белгилаб қўйилади.

Таъмирлаш ишлари туфайли корхона асосий фондларнинг жорий эксплуатацияга тайёрлигини таъминлайди. Бироқ шу билан бир қаторда корхона асосий фондларни яратиш, фойдаланиш, амортизация, қайта тиклаш каби босқичларни ўз ичига олувчи такрор ишлаб чиқариш амалларини доимий равишда бажаришга интилиши лозим. Бу босқичларни қуйидаги чизма ёрдамида акс эттириш мумкин (7.4 - чизма).

Такрор ишлаб чиқариш циклида асосий фондларни яратиш жараёни корхонадан ташқарида амалга оширилади ҳамда асосан қурилиш соҳаси, машинасозлик, асбобсозлик ҳамда асосий фондларни яратиш билан шуғулланувчи бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлади. Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришнинг қолган босқичлари корхона ҳудудида амалга оширилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш туфайли корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий ва техник барқарорликка эришишларини таъминлайди.



7.4-чизма. Корхона асосий фондларини қайта ишлаб чиқариш босқичлари

7.3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлари

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг турли хил кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ - *умумлаштирувчи* ва *қиймат* кўрсаткичлари бўлиб, улар асосий фондларнинг турли гуруҳларини динамика ва статикада баҳолаш, таҳлил қилиш, захираларни аниқлаш ва башорат қилиш имконини яратади. Бундай кўрсаткичларга фонд қайтими, фонд сиғими, фонд рентабеллиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

иккинчи гуруҳ - *хусусий* ва *натурал* кўрсаткичлар бўлиб, кўпроқ асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол қисми - ишчилар, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Кўрсаткичларнинг бу гуруҳи таркибига қуйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан экстенсив фойдаланиш коэффициенти, улардан вақт бўйича фойдаланганлик даражасини акс эттиради;
- асосий ишлаб чиқариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан интенсив фойдаланиш коэффициенти, улардан қувват бўйича фойдаланганлик (унумдорлик) даражасини акс эттиради;

• асосий ишлаб чиқариш фондларидан интеграл фойдаланиш коэффициенти, барча экстенсив ва интенсив омиллардан биргаликда фойдаланишни ҳисобга олади.

Кўрсатилган кўрсаткичларнинг ҳар бири амалиётда мустақил маънога эга бўлиб, турли мақсадларга эришиш учун фойдаланилади. Масалан, асосий ишлаб чиқариш фондларидан вақт бўйича қандай фойдаланилганлигини (экстенсив фойдаланиш) баҳолаш асбоб-ускуналарнинг сменалик коэффициенти, ускуналарни коэффициенти, смена давомида ускуналарнинг бекор туриб қолиши, ускуналардан сменаларда фойдаланиш коэффициенти каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Асбоб-ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти мазкур ускуналардан амалда ҳақиқий фойдаланилган вақтнинг улардан режа бўйича фойдаланиш муддатига нисбати орқали аниқланади.

$$K_{экс} = \frac{t_{хак}}{t_{реж}}$$

Бу ерда: $t_{хак}$ – ускуналардан ҳақиқий фойдаланилган вақт, соатлар;

$t_{реж}$ – ускуналарнинг меъёрга асосан фойдаланиш муддати, соатлар.

Мисол. Агар 8 соатлик смена мобайнида таъмирлаш учун 1 соат режалаштирилиб, амалда 5 соат сарфланган бўлса, у ҳолда экстенсив фойдаланиш коэффициенти 0,71 (5/(8-1)) ни ташкил қилади. Бу эса асбоб-ускуналардан смена давомида фақат 71 % фойдаланилганлигини англатади.

Корхоналарда бундай ускуналарнинг бир эмас, бир нечта – ўнта ёки юзтасидан фойдаланилади. Шу муносабат билан ускуналарнинг сменалик коэффициенти - сутка давомида машина-сменаларнинг ўрнатилган ускуналарнинг умумий сони ёки ишчи ўринларига нисбатини аниқлаш зарурияти туғилади. Бу ҳолда сменалилик коэффициенти қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$K_{см} = \frac{МС}{A_{у.с}}$$

Бу ерда: МС - сутка давомида ҳақиқий ишланган машина-сменалар йиғиндиси;

$A_{у.с.}$ - ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг умумий сони.

Мисол. Корхонада 200 дона металл қирқувчи станок сутка мобайнида 360 машина-смена, 60 та темир прессловчи станок 50 машина-смена, 40 та қуюв станоклари эса 30 машина-

смена ишлаган. Ушбу ҳолда барча станоклардан фойдаланишнинг сменалилик коэффициенти қуйидагича топилади:

$$K_{см} = \frac{360 + 50 + 30}{200 + 60 + 40} = 1{,}47$$

Ускуналарнинг сменалилик коэффициентини аниқлашнинг яна бир йўли бўлиб, унга кўра корхоналарнинг бир эмас, икки ёки уч сменада ишлаши ва бунда ускуналарнинг барчасидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаслиги кўзда тутилади. Масалан, цехда 270 дона ускуна ўрнатилган бўлиб, биринчи сменада улардан 200 таси, иккинчи сменада эса 190 таси ишлаган. Бу ҳолда ускуналарнинг сменалилик коэффициенти 1,44 (200+190)/270) ни ташкил қилади.

Ускуналарни юкланиш коэффициенти ҳам ускуналардан вақт бўйича фойдаланишни тавсифлайди. Сменалилик коэффициентидан фарқли равишда, у маҳсулотнинг меҳнат сиғимини ҳисобга олади. У мазкур ускунада тайёрланган барча маҳсулотлар меҳнат сиғимининг унинг ишлаш вақти фондига нисбати орқали аниқланади. Мазкур мисолда ушбу коэффициент қуйидагича бўлади:

$$K_{юк} = \frac{1{,}44}{2} = 0{,}72$$

Корхонада асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни тўлиқ баҳолаш учун экстенсив кўрсаткичлардан ташқари, уларнинг қувват бўйича юкланиш табиатини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда юқорида айтиб ўтилганидек, технологик ускуналар амалдаги унумдорлигининг, яъни техник асосланган прогрессив унумдорликнинг меъёрий унумдорликка нисбати асосида, яъни ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффициентидан фойдаланиш, уни қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$К_{инт} = \frac{ИЧ_{хак}}{ИЧ_{м}};$$

Бу ерда: $ИЧ_{хак}$ – вақт бирлигида ускунада ишлаб чиқарилган ҳақиқий маҳсулот миқдори;

$ИЧ_{м}$ – вақт бирлигида ускунада техник жиҳатдан асосланган маҳсулот ишлаб чиқариш меъёри.

Мисол. Паспорт маълумотлари бўйича дастгоҳда бир соатда 100 та деталь ясаш мумкин, амалда эса шу вақт ичида фақат 80 та деталь тайёрланди. У ҳолда $К_{инт}$=0,8 (80:100), яъни дастгоҳдан қувват бўйича фойдаланиш 80 фоизни ташкил қилди.

Ускунадан интеграл фойдаланиш коэффициенти ускунадан экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффициентларининг кўпайтмаси орқали аниқланиб, унинг вақт ва қувват бўйича банд бўлишини (фойдаланилишини) мажмуавий тавсифлайди.

Бизнинг мисолимизда $К_{экс} = 0,71$ ва $К_{инт} = 0,8$ бўлганлиги туфайли, ускунадан интеграл фойдаланиш коэффициенти қуйидагига тенг бўлади:

$$К_{интегр.} = К_{экс} * К_{инт} = 0,71 * 0,8 = 0,57$$

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг умумий ва қиймат кўрсаткичлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, аввало фонд қайтими ҳақида тўхталиб ўтиш керак. У асосий фондлар бирлигига (қиймати бўйича) тўғри келган маҳсулот ишлаб чиқаришни тавсифлайди.

У маҳсулот сотишдан тушган бир йиллик тушумнинг (Т) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланади:

$$Ф_к = \frac{Т}{Ф_к}$$

Маҳсулотнинг фонд сиғими - фонд қайтимига тескари қиймат бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Ф_с = \frac{Ф_{ўр}}{Т}$$

Фонд сиғими капитал қўйилмалари (инвестициялар)ни тежаш ёки кўпайтириш билан узвий равишда боғлиқ бўлади. Масалан, маҳсулот фонд сиғими пасайиб, унинг ишлаб чиқариш ҳажми доимий ёки ўсувчи бўлганда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш шароитлари яхшиланади, демак, капитал қўйилмаларини тежаш учун имконият туғилади. Уни топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$И_к = Ф_с \times В$$

Бу ерда: $И_к$ – капитал қўйилмаларни тежаш, сўм;

$Ф_с$ – ҳисобот йилида маҳсулот фонд сиғимининг ўтган йилдагига нисбатан ўзгариши, сўм.

Ҳар бир корхона ўз тасарруфидаги асосий ишлаб чиқариш фондларидан иложи борича унумли фойдаланишга интилиши лозим. Бунга фондларни иш билан таъминлашни яхшилаш туфайли ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошириш, нисбий харажатларни камайтириш, фойдани оширишдан ташқари асосий фондларда жамиятнинг ўтмишда нар-

са ҳолига айланган меҳнати мужассамланганлиги ҳам зарурат туғдиради.

Корхона асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- смена давомида ускуналар бекор туриб қолишини қисқартириш ва унинг олдини олиш;
- ускуналарнинг сменалик коэффициентини ошириш;
- бекор турувчи ускуналарни қисқартириш ва тугатиш;
- таъмирлаш ва профилактика тадбирларини ўз вақтида ва сифатли равишда амалга ошириш;
- ускуналарни эксплуатация қилувчи ходимларнинг малакасини ошириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва ресурслар билан таъминлашни яхшилаш.

7.4. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича салоҳият имкониятларини тавсифлайди.

Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиқариш қуввати — маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корхонанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати илғор (асосий) цехлар қуввати билан, цехлар қуввати бош участкалар қуввати билан, участкалар қуввати эса бош ускуналар қувватига асосан аниқланади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;
- ускуна, агрегат ва дастгоҳлардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий меъёр (меъёр)лари;
- ускуналарнинг ишлаш вақти фонди;
- ишчилар сони;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

Корхона ишлаб чиқариш қувватининг *бошланғич* (йил бошида), *якуний* (йил охирида), *ўртача* йиллик ҳамда *лойиҳа қуввати* турлари мавжуд. Лойиҳа қуввати қурилиш лойиҳасида кўзда тутилган бўлади. Қайта тиклаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш давомида лойиҳа қуввати катталаштирилиши мумкин. Шу сабабли амалиётда лойиҳа қуввати кўпинча корхонанинг амалдаги қуввати билан солиштирилади. Корхонанинг амалдаги қуввати корхона ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корхона ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда захирадаги ускуналардан ташқари, барча ўрнатилган ускуналар ҳисобга олинади. Баъзи бир цехларда (йиғув, қуюв ва бошқа цехларда) ишлаб чиқариш қуввати ишлаб чиқариш майдонларига асосан ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда маҳсулот бирлигига сарфланувчи вақт меъёри ёки ҳар бир ускунанинг унумдорлик меъёрлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар илғор ҳамда прогрессив бўлиши талаб қилинади.

Корхона бош бўғинининг (асосий цехининг) ишлаб чиқариш қуввати қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K = \frac{n \times Ф_{макс}}{M_m}$$

Бу ерда: К -цех ёки учасканинг қабул қилинган ўлчов бирлигидаги ишлаб чиқариш қуввати;

n - цех ёки участкадаги илғор ускуналар сони;

$Ф_{макс}$ – етакчи ускунадан фойдаланиш мумкин бўлган максимал иш вақти фонди соат;

$М_т$ – етакчи ускунада маҳсулот тайёрлашнинг прогрессив меҳнат сиғими, меъёри, соат.

Амалиётда ишлаб чиқариш қуввати ва ускуналарнинг юкланишини ҳисоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фарқни сезмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Корхона қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари, янги техника ва аниқланган захиралардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни ҳисоблаш натижалари эса, ушбу қувватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини аниқлайди.

Демак, улар ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчи ҳолатда корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражаси аниқланса, иккинчи ҳолда мазкур давр мобайнида ускуналардан қанчалик фойдаланилиши аниқланади.

Ишлаб чиқариш дастурининг корхонада мавжуд бўлган қувватларга мос келишини аниқлаш учун, ***ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати*** ҳисоблаб топилади. Уни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$К_{ўр.йил} = К_{й.б} + \frac{К_к \times n_1}{12} - \frac{К_ч \times n_2}{12}$$

Бу ерда: $К_{ўр.йил}$ – корхонанинг ўртача йиллик қуввати;

$К_{й.б.}$ – корхонанинг йил бошидаги қуввати;

$К_к$ – йил мобайнида киритилувчи қуввати;

$К_ч$ – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилувчи (йўқ қилинувчи) қувват;

n_1, n_2 – ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдан ёки тугатилган ишлаб чиқариш қувватлари йўқ қилингандан то йил охиригача ўтган тўлиқ ойлар сони.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган мазкур чора-тадбирлар, кўпинча ишлаб чиқариш қувватлари балансини тузиш йўли билан амалга оширилиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ва уларни таъминлаш манбаларига бўлган эҳтиёжи аниқланади.

Қисқача хулосалар

Бино, иншоот, машина, қурилма, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситаларидан иборат бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт мобайнида иштирок этиб, натурал шаклини сақлаб қолади ҳамда уларнинг қиймати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга аста-секинлик билан қисмларга бўлиб ўтказилади.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг асоси ҳисобланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва меҳнатнинг техник жиҳатдан қуролланиш даражаси асосий фондларга боғлиқ бўлади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати — ишлаб чиқаришнинг барча захираларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажмидир.

Эксплуатация жараёнида асосий фондлар жисмоний ва маънавий эскиришга учраб, бу корхона учун маълум бир йўқотишларни келтириб чиқаради.

Асосий фондларнинг эскириши билан боғлиқ бўлган йўқотишларни, улардан фойдаланишини яхшилаш, фонд қайтими, сменалик коэффициенти, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти каби асосий кўрсаткичлар даражасини ошириш ёрдамида камайтириш мумкин.

Бу кўрсаткичларни фан-техника тараққиёти ҳисобига, асосий фондлар тузилмасини мукаммаллаштириш, ускуналар бекор туриб қолишини камайтириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги шаклларини ривожлантириш ёрдамида яхшилаш мумкин.

Фойда билан бир қаторда амортизация ажратмалар ҳам корхона асосий фондларини такомиллаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Асосий фондлар нима ва уларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқаришдаги роли қандай?

2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилмаси деганда нима тушунилади ҳамда уларнинг саноат тармоқлари бўйича фарқланишига нима сабаб бўлади?

3. Замонавий амортизация сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти нимада?

4. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг экстенсив ва интенсив кўрсаткичлари қандай?

5. Корхона ва саноат тармоғининг ишлаб чиқариш қувватларини ҳисоблаш усули, тури ва тушунчалари қандай?

6. Замонавий шароитларда асосий фондлар ва корхона ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилашнинг қандай йўналишлари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон – XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Экономика предприятия. Под ред. проф. Грузинова В.П. - М.: ЮНИТИ, 1998.

4. Сергеев И.В., Экономика предприятия. - М.: Финансы и статистика, 1997.

5. Жильцов В.Г., Как профессионально разработать бизнес-план, Алматы, 1994

6. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск, ООО Новое знание, 1999.

VIII боб

КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ

8.1. Айланма маблағлар тушунчаси, иқтисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишда меҳнат қуроллари (асосий фондлар) ва ишчи кучидан ташқари, айланма маблағларга ҳам эга бўлишлари зарур. Айланма маблағлар ишлаб чиқаришнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил қилишга мўлжалланган пул маблағларидан иборат. Айланма маблағлар, қоидага кўра, корхонанинг ҳисоб рақамида нақд пул кўринишида жамғарилади. Ҳар бир корхонанинг айланма маблағлари асосий фондларнинг техник ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури билан боғлиқ. Корхона қанчалик катта ва унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турлари кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кўп талаб қилинади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

"Айланма маблағлар" атамасидан ташқари "айланма капитал" ибораси ҳам кўп қўлланилиб, асосан иқтисодий назария ва хўжалик юритишнинг хорижий тажрибасидан олинади. Моҳиятига кўра, айланма капитал корхона ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми бўлиб, унинг қиймати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир циклида ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказилади ҳамда ушбу товарни сотгандан сўнг корхонага қайтарилади. Айланма капитал кўпинча корхонанинг пул маблағлари ҳисобланувчи ёки ишлаб чиқариш жараёнида пул маблағларига айлантирилувчи ҳаракатчан активлари қаторига киритилади.

Иқтисодий табиати, бажарувчи вазифалари ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига кўра, "айланма маблағлар" ва "айланма капитал" ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Корхона доимий капиталининг таркибий қисми сифатида улар хомашё, ёқилғи, энергия ресурслари, ёрдамчи ва бошқа материалларда юзага келади, шунингдек, ишчи кучларини ёллаш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга бўнак (аванс) тариқасида берилади. Айланма маблағларга бўлган қўшимча талаб банклардан олинадиган кредитлар ҳисобига қопланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналарнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг меъёрл

фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шуни ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хомашё, материал, ёқилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Корхоналарнинг айланма маблағлари айланма фондлари ва муомала фондларига тақсимланади. Бундай тақсимлаш уларнинг моддий–буюмлашган тузилишидан ташқари, ишлаб чиқариш жараёни ва умуман, корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги иштироки асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, тақсимлаш режалаштиришни ташкил қилишда ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлашда катта роль ўйнайди.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари–корхона ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми бўлиб, битта ишлаб чиқариш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннархига ўтказади. Шу сабабли айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнининг мажбурий элементи ва ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.

Корхона айланма ишлаб чиқариш фондлари қаторига хомашё ва материаллар захираси, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва энергетика ресурслари, қадоқлаш ва ўров материаллари, эҳтиёт қисмлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келажакдаги харажатларни киритиш мумкин. Режалаштириш, тизимли ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш учун қулайлик яратиш мақсадида айланма ишлаб чиқариш фондлари уч гуруҳга бўлинади:

- ишлаб чиқариш захиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар;
- келгуси давр харажатлари.

Муомала фондлари корхонанинг тайёр маҳсулот захирасини яратиш учун мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек, чек ва векселлар, акциядорларнинг қарзлари, турли хил дебиторлик қарзлари, банк ва кассаларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан иборат бўлади. Муомала фондлари ва айланма ишлаб чиқариш фондлари мажмуаси, корхонанинг айланма маблағлари (капитали) ни ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма маблағлар катталигини белгиловчи асосий омиллар – маҳсулот тайёрлашнинг

ишлаб чиқариш цикли узунлиги, меҳнатни ташкил қилиш, техника ва технологиянинг ривожланиш даражаси, меҳнат предметлари ва қуролларидан фойдаланиш меъёрларидир. Айланма маблағлар катталиги, шунингдек, маҳсулотларни сотиш шароитлари, таъминот ва маҳсулотни сотиш тизимини ташкил қилиш даражаси билан ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, айланма маблағлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- хомашё, материал, эҳтиёт қисмлар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда зарур бўлган бошқа меҳнат предметлари;
- ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинувчи электр энергияси, ёқилғи каби ресурслар учун ҳақ тўлаш;
- корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш ҳақи тўланиши;
-солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш.

Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш захираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда захира деганда, моддий ва пул ресурсларини яхшилашнинг юзага келган ёки юзага келаётган, лекин ҳали фойдаланилмаган (тўлиқ ёки қисман) имкониятларини тушуниш лозим.

Бу захиралар келиб чиқиши ва фойдаланилишига кўра халқ хўжалигига ва тармоқларга тегишли ёки тармоқлараро, ишлаб чиқариш ичидаги (завод, цех ва ҳоказо) турларига бўлинади. Корхона иқтисодиётида ички ишлаб чиқариш заҳиралари - ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда техника ва технологияни такомиллаштириш, маҳсулотларнинг янги ва янада мукаммал турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари, катта аҳамият касб этади. Захиралар шунингдек, моддий ресурсларни сарфлашни меъёрллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг меҳнат сиғимини камайтириш, меҳнатни ташкил қилишнинг рационал усулларини қўллаш натижасида ҳам аниқланади. Қисқача айтганда ҳар бир корхона, айниқса, йирик ва машинасозлик корхоналари ҳамда уларга яқин бўлган корхоналар, моддий ва пул ресурсларидан, яъни хусусий капитал ва бошқа активлардан рационал фойдаланиш бўйича пухта иш-

лаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасига эга бўлиши зарур.

Ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чиқариш йўналишлари қаторига, бирламчи хомашёни ишлаб чиқаришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хомашё, материал, ёқилғиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқитларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига, маҳсулотлар материал сиғимини режалаштириш ва меъёрлаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган меъёр ва меъёрийларини ишлаб чиқиш, "эски" ва "янги" маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида) битта миқдордаги хомашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни кўпайтиришдадир. У ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника таъминоти, моддий ресурслар захираларини сарфлаш меъёрларига боғлиқ бўлади.

8.2. Айланма маблағларнинг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг асосий ва салмоқли қисми сифатида ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:


• ишлаб чиқариш захиралари – ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёрланган ҳамда хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, харид қилинувчи ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, асосий фондларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материалларидан ташкил топувчи меҳнат предметлари;

• тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар – ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга топширилган ҳамда ишлов бериш ва йиғув жараёнида бўлган, лекин ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тугалланмаган ҳамда ушбу корхонада кейинчалик ишлов берилиши лозим бўлган меҳнат предметлари;

• келгуси давр харажатлари - айни пайтда ишлаб чиқарилаётган, лекин келажакдаги маҳсулотларга мансуб бўлган янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари (масалан, асбоб-ускуналарни қайта режалаштириш, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва лойиҳалаштиришга сарфланувчи харажатлар ва бошқалар).

Айланма ишлаб чиқариш фондлари алоҳида таркибий қисмлари ёки элементлари ўртасидаги фоизларда ифодаланувчи ўзаро муносабатлар айланма ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини ташкил қилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари ўртасидаги худди шундай фоизлардаги муносабатлар корхона айланма маблағларининг тузилмаси деб аталади. 8.1 - чизмада корхона айланма маблағларининг тахминий (намунавий) тузилмаси кўрсатилган.

Чизмадан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш захиралари айланма ишлаб чиқариш фондларининг асосий қисмини ташкил қилади. Бироқ бозор иқтисодиёти, айниқса, барча ресурслар тақчиллиги шароитларида ишлаб чиқариш захираларининг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши корхона иқтисодиётига салбий таъсир қилишидан ташқари, ресурсларни "боғлаб" қўяди ҳамда уларнинг йўқотилишига олиб келади. Шу сабабли айланма маблағлар ҳажмини оптималлаштириш ва уларни маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига мос ҳолга келтириш корхонанинг тежамкорлик режимида фаолият юритиши катта аҳамиятга эга бўлади.



8.1 -чизма. Корхона айланма маблағларининг намунавий тузилмаси

Иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарнинг айланма маблағлари ишлаб чиқаришнинг технологик ташкил этиш хусусиятларига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Бу хусусиятларнинг характери ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва мураккаблиги, ихтисослаштириш даражаси, маҳсулотни реализация қилиш шароитлари ва шу кабилар билан изоҳланади. Айланма маблағлар тузилмасининг тармоқлар бўйича фарқланишини қуйидаги жадвал орқали билиб олиш мумкин (8.1-жадвал).

8.1-жадвал

Айланма маблағларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

Айланма фондларнинг гуруҳ ва элементлари	Бутун саноат	Қора металлургия	Машинасозлик	Энергетика	Енгил саноат	Озиқ-овқат саноати
1. Ишлаб чиқариш захиралари - жами	70,2	65,0	55,3	98,3	90,0	78,8
Жумладан: хомашё ва асосий материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар	46,2	23,8	37,5	-	76,7	52,2
Ёрдамчи материаллар	6,6	11,0	2,3	24,1	5,7	6,1
Ёқилғи	1,7	2,0	0,7	37,4	0,5	1,6
Таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар	3,9	11,0	2,0	23,0	1,7	2,0
Қадоқлаш ва ўров материаллари	3,0	0,5	0,6	0,3	1,2	11,3
Инструментлар, хўжалик асбоблари ва қиммат бўлмаган, тез эскирувчи бошқа предметлар	9,8	16,7	12,2	19,5	3,2	5,6
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар	24,0	18,3	42,2	0,5	9,8	19,5
3. Келгуси давр харажатлари ва бошқа меҳнат предметлари	5,8	16,7	2,5	1,2	0,2	1,7
Жами айланма ишлаб чиқариш фондлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Айланма фондлар тузилмаси нафақат саноатнинг турли тармоқларида, ҳаттоки бир тармоқ ва бир корхонанинг ўзида ҳам фарқланади. Бундай фарқланишга турли хилдаги хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш технологияси ва техникасидаги фарқлар, корхоналарнинг географик жойлашуви, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва меҳнат тақсимоти, моддий-техника таъминоти сабаб бўлиши мумкин.

Корхоналар айланма маблағлари таркиби ва тузилмасига хўжалик юритиш қобилияти ва унинг самарадорлигига риоя қилиш қоидалари катта таъсир кўрсатади. Яъни корхона ишлаб чиқариш захираларини ва айланма маблағларнинг таъминланганлигини ҳаддан ташқари оширишга интилмаслиги зарур. Амалиётнинг гувоҳлик беришича, бу, ресурсларнинг ҳалок бўлишига ва сунъий танқисликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли хомашё ва материалларни сарфлашнинг технологик меъёрларига риоя қилиш, уларни сақлашни тўғри йўлга қўйиш, чиқитлар ва йўқотишларни камайтириш, замонавий ва арзон материаллардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Бироқ арзон материаллардан

фойдаланиш доим ҳам корхона имкониятлари ва хоҳишидан келиб чиқавермайди ва ташқи муҳит, биринчи ўринда ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлар, баҳони шакллантириш, умумий иқтисодий барқарорлик ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Корхона иқтисодиётига айланма маблағларнинг таркиби ва тузилмасидан ташқари, уларни ишлаб чиқариш, такрор ишлаб чиқариш ва муомаланинг турли босқичларида излаб топиш катта таъсир кўрсатади. Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиши уч босқичдан иборат бўлиб, бу жараёнда маҳсулот ишлаб чиқарилади ва сотилади.

Биринчи босқичда айланма маблағлар пул шаклидан моддий бойликларнинг ишлаб чиқариш захираларига айланади, яъни пул - товар (П-Т).

Иккинчи босқич ишлаб чиқариш, яни маҳсулотни тайёрлаш жараёнини ўз ичига олади. Бу босқичда айланма маблағлар ва биринчи ўринда айланма фондлар тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳолига келтирилиб, товар шаклини олади (Т).

Учинчи босқичда айланма маблағлар товар маҳсулоти шаклида муомалага киритилиб, сотилади ва яна пул шаклини олади (Т-П).

Шу тариқа айланма маблағлар барча босқичлардан ўтиб, тўлиқ айланишни амалга оширишини қуйидаги тарзда акс эттириш мумкин:

1-босқич - пул-товар (П-Т);

2-босқич - ишлаб чиқариш (И.Ч);

3-босқич - товар-пул (Т-П).

Шуни қайд қилиб ўтиш муҳимки, корхонанинг айланма маблағлари бир вақтнинг ўзида учала босқичда ҳам пул маблағлари, ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар кўринишида мавжуд бўлиши мумкин. Корхонанинг айланма маблағлари ҳаракати маълум бир иқтисодий қонунлар асосида ишлаши ҳамда улардан ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида оқилона фойдаланишни кўзда тутиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунлардан ва айланма маблағлардан фойдаланиш қоидаларидан четга чиқиш айланма маблағларнинг етишмаслигига ёки самарадорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

8.3. Айланма маблағларни меъёрлаштириш

Шаклланиш манбаига кўра, айланма маблағлар хусусий ва қарзга олинган турларга бўлинади.

Хусусий айланма маблағлар доимо корхона ихтиёрида бўлиб, хусусий ресурслар, асосан фойда ҳисобига шаклланади. Корхонанинг хусусий айланма маблағлари қаторига иш ҳақи бўйича қарзлар, таъминотчилар ёки ҳамкорлар қарзлари, буюртмачиларнинг тайёрланган маҳсулот учун тўлаган пуллари кабиларни киритиш мумкин. Бу маблағлар хусусий маблағларга тенглаштирилган маблағлар ёки корхонанинг барқарор пассивлари деб аталади.

Қарзга олинган айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлмайди ҳамда корхонанинг маҳсулотларни сотишдаги қийинчиликлар, моддий-товар бойликлар билан таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини ошириб бажариш ва бошқа вақтинчалик эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланилади. Улар қаторига банк кредитлари, кредиторлик қарзлари (тижорат кредитлари) ва бошқа пассивларни киритиш мумкин.

Айланма маблағларни бошқариш маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда айланма маблағлардан иложи борича камроқ фойдаланишда ифодаланади. Бу эса корхона айланма маблағлари айланишининг барча босқичларида мос равишда минимал, лекин етарли тарзда рационал тақсимланиши зарурлигини англатади. Бу вазифа ўз навбатида моддий ресурслар захиралари ва харажатларини меъёрлаштириш туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Айланма маблағларни меъёрлаштириш корхонанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли захираларини шаклантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имконини яратади.

Бироқ амалиётда корхоналарнинг барча айланма маблағлари ҳам меъёрлаштирилмайди. Шу сабабли айланма маблағлар меъёрлаштирилувчи ва меъёрлаштирилмайдиган турларга тақсимланади ва улар ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Меъёрлаштирилувчи айланма маблағлар қаторига корхона омборларидаги ишлаб чиқариш захиралари (хомашё, материаллар, ёқилғи, унчалик қиммат бўлмаган предметлар ва жиҳозлар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр маҳсулотлар киритилади.

Меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағлар, — харидорларга бериб юборилган тайёр маҳсулот ёки товарлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағларидир.

Корхоналар фаолиятида барча айланма маблағлар салмоғида 70-80%ни ташкил қилувчи меъёрлаштирилувчи айланма маблағлар асосий ўрин тутади. Айланма маблағларни меъёрлаштириш тежамкорлик режимига риоя қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Ресурсларни меъёрлаштириш жараёнида айланма маблағларнинг меъёр ва меъёрийлари белгиланади.

Айланма маблағларнинг меъёри, корхона моддий-товар бойликларининг минимал захираларини тавсифлайди ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи пул ўлчовида, захира кунлари ва захира меъёрларида ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг меъёрийи айланма маблағлар меъёрини, меъёри аниқланган кўрсаткичга кўпайтиришни ифодалайди ҳамда қоидага кўра, пул кўринишида ўлчанади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланиши мумкин:

$$Н_{ай.м} = Н_{ич.з} + Н_{т.ич} + Н_{т.м}$$

Бу ерда: $Н_{ич.з}$ - ишлаб чиқарилган захиралар меъёри;

$Н_{т.ич}$ – тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёри;

$Н_{т.м}$ - тайёр маҳсулот меъёри.

Айланма маблағларни меъёрлаштириш ва айниқса, моддий ресурсларни сарфлаш меъёрларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- меъёрларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;
- меъёрларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш–техникавий жиҳатдан асосланганлиги;
- хомашё, материал, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслар ўлчамини тўғри танлаш;
- чиқит ва йўқотишларнинг олдини олиш;
- эскирган меъёрларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни фан-техника тараққиёти ютуқларига мос ҳолга келтириш.

Моддий ва бошқа ресурсларни меъёрлаштиришда бир нечта усуллар қўлланилади. Амалиётда қуйидаги усуллар кўпроқ учрайди:

1. Утган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни ҳисоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули.

2. Лаборатория тажрибаларига асосан яратилган ҳамда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши меъёрсини аниқлашда қўлланилувчи -лаборатория–техникавий усули.

3. Юзага келган ишлаб чиқариш шароитларидан ташқари бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари ва ютуқларини

ҳам ҳисобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни меъёрлаштиришнинг мукаммалроқ усули ҳисобланувчи – ҳисоб-таҳлилий усули.

Корхона айланма маблағларини меъёрлаштириш тадбирлари ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга олиб келади.

Ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш, корхонанинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш захиралари меъёрийлардан паст бўлса, ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, ишлаб чиқариш захираларининг белгиланган меъёр ва меъёрийлардан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу маблағларнинг "музлаб" қолишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади. Ишлаб чиқариш захиралари жорий, суғурта (кафолатли), тайёрлов (технологик) ва мавсумий турларга бўлинади.

Жорий захира – материаллар етказиб бериш оралиғида ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган захирадир. Жорий захиралар материал етказиб бериш даври, оралиғи ҳамда хомашё ва бошқа материалларнинг суткалик сарфланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Мисол. Нон комбинати бир суткада 10 тонна ун сарфлайди, тегирмондан эса бир ойда бир марта ун қабул қилади. Яъни етказиб бериш оралиғи 30 кунни ташкил қилади. Демак, унинг максимал даражадаги жорий захираси 300 (10x30) тоннани, ўртача жорий захираси 150 (10x30:2) тоннани, ун ҳар ўн кунда етказиб берилгандаги минимал жорий захираси эса 50 (10x10:2) тоннани ташкил қилади.

Шу тариқа жорий захиралар ҳажми кўп жиҳатдан етказиб бериш оралиғига боғлиқ бўлади: оралиқ қанчалик кичик бўлса, захира шунчалик кам бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда жорий захира миқдорини қуйидаги формула асосида топиш мумкин:

$$З_{мах} = М_{ўр} \times Т_{т.ц}$$

Бу ерда: $М_{ўр}$ – ушбу материалдан ўртача суткалик фойдаланиш миқдори (Т., дона);

$Т_{т.ц}$ – етказиб бериш оралиғи ёки таъминот цикли, кунлар.

Суғурта (кафолат) захирасидан таъминотда юзага кели-

ши мумкин бўлган узилишлар ёки кўзда тутилмаган ҳолатларда фойдаланиш мўлжалланади. Кўпинча суғурта захирасининг миқдори жорий захира меъёрининг 50% миқдорида белгиланади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$З_{суг} = М_{ўр} \times (Т_1 + Т_2 + Т_3 + Т_4)$$

Бу ерда: $Т_1$ – материални юклаш учун кетадиган вақт;
$Т_2$ – материаллар йўлда бўладиган вақт;
$Т_3$ – материалларни омборга қабул қилиш вақти;
$Т_4$ – материалларни фойдаланишга тайёрлаш вақти.

Суғурта захираси омборда жорий захира билан биргаликда сақланади ҳамда ундан умуман фарқ қилмасада, алоҳида ҳисобга олинади ва фақат корхона раҳбариятининг рухсати билангина сарфланади.

Тайёрлов (технологик) захирасидан хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёр ҳолга келтиришда фойдаланилади. Бундай захиралар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологияларига эга бўлган корхоналардагина яратилади. Бундай корхоналар қаторига ёғ-мой комбинати, ёғочни қайта ишлаш корхонаси кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ҳолларда тайёрлов захираси миқдори тайёрлов технологияси ва операцияларига мос ҳолда меъёрга солинади.

Мавсумий захиралар асосан учта сабабга кўра юзага келади: биринчидан, хомашё тайёрлашнинг мавсумийлиги; иккинчидан, уни истеъмол қилишнинг мавсумийлиги; учинчидан, материалларни етказиб беришнинг мавсумийлиги. Мавсумий захиралар ҳажми худди жорий захиралар ҳажми каби, ўртача бир суткада истеъмол қилиш ва мавсумий захиралар яратилиши лозим бўлган вақтга асосан аниқланади.

Ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш, ишлаб чиқаришда қўлланилувчи ҳар бир меҳнат предмети (хомашё ва материаллар, ёрдамчи материаллар ва бошқалар) учун алоҳида амалга оширилади ҳамда бу ўз навбатида ишлаб чиқариш захираларини яратишда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Мисол. Пойабзал ишлаб чиқарувчи корхонада (харажатлар сметасига кўра) 1 чорак учун180 минг сўм миқдордаги хомашё ва асосий материалларни 30 кунлик захира меъёрида; 54 минг сўм миқдордаги ёрдамчи материалларни 40 кун захира меъёрида; 27 минг сўм миқдоридаги қадоқлаш ва ўров материалларидан 20 кун захира меъёрида сарфлаш кўзда тутилган. Бундай шароитларда асосий воситалар меъёрийи (эҳтиёжи) қуйидагича бўлади:

Хомашё ва асосий материаллар бўйича	$\frac{180}{90} x30 = 60$ минг сўм
Қўшимча материаллар бўйича	$\frac{54}{90} x40 = 24$ минг сўм
Қадоқлаш ва ўров материаллари бўйича	$\frac{27}{90} x20 = 6$ минг сўм

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни меъёрлаштириш. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар меъёрини аниқлаш корхона фаолиятидаги энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён ҳисобланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида - хомашёни техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан қабул қилишдан то тайёр маҳсулот омборига топширгунга қадар ишлов берилаётган маҳсулотларни кўрсатиш мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар меъёрий миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланувчи жорий харажатлар, яъни таннарх.
3. Хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш вақтидан то тайёр маҳсулот чиқишигача бўлган ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги. Ишлаб чиқариш циклининг давомийлигини топишда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T_{ич.ц} = t_{техн} + t_{наз} + t_{транс} + t_{тан}$$

Бу ерда: $t_{техн}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча операцияларга сарфланувчи вақти;

$t_{тан}$ - операциялар оралиғидаги вақт (танаффуслар);

$t_{транс}$ — транспортда ташиш вақти;

$t_{наз}$ - маҳсулотни йиғиш, қабул қилиш ва ТНБга топшириш вақти.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган айланма маблағларнинг ўсиши хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш билан бошланади ҳамда ишлаб чиқариш цикли якунида (тайёр маҳсулот омборга топширилганда) энг юқори нуқтасига чиқади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёрийини ҳисоблашда ишлаб чиқариш цикли кунларда белгиланади ҳамда бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$М_{т.ич} = М_{к} \text{ x } Т_{ич.ц} \text{ x } К_{х.у.}$$

Бу ерда: $М_к$ - ўртача бир кунлик харажатлар, сўмларда;
$Т_{ич.ц}$ - ишлаб чиқариш цикли давомийлиги, кунларда;
$К_{хў}$ - харажатларнинг ўсиш коэффициенти.

Харажатларнинг ўсиш коэффициенти асосий материаллар ($М_а$) тўлиқ қийматда олинувчи катталик сифатида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ($М_{ич}$) бутун ишлаб чиқариш цикли мобайнида бир хил суратда ўсиб боради ҳамда 50% қийматда ҳисобга олинади:

$$К_{ху} = (М_а + 0,5М_{ич}) : Т$$

Бу ерда: Т - маҳсулот бирлигининг режадаги таннархи.

Агар кейинги харажатлар ($М_{ич}$) бир хил суръат билан ўзгармаса, у ҳолда ўсиш коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$К_{х.у} = (М_а + к \cdot К_{яф} + к \cdot К_{бут} + 0,5М_{ич}) : Т$$

Бу ерда: к, к – ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни мос равишда пасайтирувчи коэффициентлари;
$К_{яф}$ - ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;
$К_{бут}$ - бутловчи қисмлар қиймати.

Пасайтирувчи коэффициентлар ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларга ишлов берилган кунларнинг ишлаб чиқариш цикли давомийлигига нисбатини ифодалайди. Масалан, агар ишлаб чиқариш цикли 20 кун бўлиб, бутловчи қисмлар 8 кун давомида ишлаб чиқаришда бўлган бўлса, пасайтирувчи коэффициент 0,4 (8:20) га тенг бўлади.

Тайёр маҳсулот қолдиқларини меъёрлаштириш. Ишлаб чиқариш жараёни тугалланган сўнг меҳнат предметлари тайёр маҳсулот кўринишида муомалага киритилади.

Айланма маблағларнинг тайёр маҳсулотга айланиш меъёрийи миқдори, ўртача бир суткалик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (таннархи бўйича) айланма маблағларнинг кунлардаги тайёр маҳсулот меъёрсига сифатида, яъни тайёр маҳсулотнинг корхона омборида сақланиш муддати сифатида аниқланади:

$$Т_м = В : Т * М_{т.м}$$

Бу ерда: $Т_м$ – тайёр маҳсулот меъёрийи;
В – режалаштирилган даврда режадаги таннарх бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот;
$М_{тм.}$ – тайёр маҳсулотлардаги айланма маблағлар захиралари меъёри, кунларда;
Т - режадаги даврда календарь кунлар миқдори.

Тайёр маҳсулотнинг омборда сақланиш муддати тайёр маҳсулотни транспортировка қилиш ва сотишга боғлиқ бўлади. Айланма маблағларнинг ушбу меъёридаги кунлар сони маҳсулотни тайёрлаш, юклаш, ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни банкка топшириш учун зарур бўлган кунлардан иборат бўлади.

Келгуси давр харажатларни меъёрлаштириш. Ўсиб бораётган фан-техника тараққиёти суръатлари айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари аҳамиятини оширмоқда. Бу харажатлар корхонанинг махсус бухгалтерия ҳисобида учта манба: янги техникани ўзлаштириш фонди (агар корхонада шундай фонд мавжуд бўлса), банк кредити ва фойда (харажатарни маҳсулот таннархига киритиш йўли билан) ҳисобига йиғилади. Айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари ($М_{кд}$) меъёрини ҳисоблашда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$М_{кд} = Х + Х_{ич} + Х_{т}$$

Бу ерда: Х – йил бошида келгуси давр харажатлари учун сарфланиши мўлжалланган маблағлар миқдори (бухгалтерия ҳисоботи бўйича);

$Х_{ич}$ – режадаги йилда лойиҳа-сметаларда кўзда тутилган ишлаб чиқариш харажатлари;

$Х_{т}$ – ўзлаштирилаётган маҳсулот таннархига киритилувчи ҳамда сметаларда кўзда тутилувчи ёки махсус манбалар ҳисобига қопланувчи харажатлар.

8.2-жадвал

Айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари меъёрийини ҳисоблаш бўйича мисол

Харажатлар тури ёки гуруҳи	Йил бошига қолдиқ, минг сўм	Бир йиллик харажатлар, минг сўм	Бўлиши керак	Йил охирига қолдиқ, минг сўм
Янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича харажатлар, жами	180	348	448	80
Жумладан: А маҳсулот Б маҳсулот	 90 90	 148 200	 238 210	 - 80

Алоҳида элементлар бўйича айланма маблағлар харажатлари меъёрлари аниқлангандан сўнг, айланма маблағларга бўлган умумий эҳтиёжлар (меъёрий) миқдори ҳисобланади. Кор-

хона айланма маблағларига бўлган умумий эҳтиёж, ишлаб чиқариш захиралари (хомашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, харид қилинувчи маҳсулотлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, ёқилғи ва ҳоказолар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва келгуси давр харажатларидан иборат бўлади.

8.4. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари

Айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтиомий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий режалаштириш суръатини оширади.

Корхона айланма маблағларидан самарали фойдаланиш уч асосий кўрсаткични тавсифлайди:

1) айланиш коэффициенти;
2) айланма маблағларнинг юкланиш коэффициенти;
3) воситаларнинг бир марта айланиши давомийлиги.

Айланиш коэффициенти корхона айланма маблағларининг маълум бир вақт (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келувчи сотилган маҳсулотларни кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$К_а = С_м : Қ_а$$

Бу ерда: $С_м$ –сотилган маҳсулот ҳажми, пул ўлчовида;

$Қ_а$ – айланма маблағларнинг ўртача қолдиқ ҳажми, пул ўлчовида (айланма маблағлар меъёрийи).

Мисол. Корхонанинг бир йил мобайнида сотилган маҳсулотлари ҳажми 800 млн. сўмни ташкил қилади. Бу ҳолда айланма маблағлар меъёри 200 млн. сўмни ташкил қилади. Демак $К_а$ = 4,4 (880:200).

Айланма маблағларни юкланиш коэффициенти айланиш коэффициентига тескари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотга сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$К_ю = Қ_а : С_м$$

Бир марта айланиш давомийлиги кунларда ўлчанади ҳамда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффициентига нисбати орқали қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Т = К : К_{а}$$

Бу ерда:

К - шу даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдига қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган меъёр ва меъёрийлар тизимини яратиш;
- корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шаклларини қўллаш.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Гап шундаки, айланма маблағларнинг муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишни яхшилаш туфайли камроқ истеъмол қилиниши ёки қисман озод қилинишида акс этади. Айланма маблағлар мутлақ ёки нисбий озод қилиниши мумкин.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Мисол. Корхона айланма маблағларининг ўртача миқдори 2000 йилда 100 млн. сўмни ташкил қилган. 2001 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмаган ҳолда 90 млн. сўм миқдорида эҳтиёж режалаштирилмоқда. Бу ҳолда асосий воситаларнинг мутлақ озод қилиниши 10 млн. сўмни ташкил қилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

Мисол. Корхонада 1999 йилда сотилган маҳсулот қиймати 360 млн.. сўмни, 2000 йилда эса 400 млн. сўмни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 1999 йилда 100 млн. сўм, 2000 йилда эса 95 млн. сўмни ташкил қилган. Айланиш муддати 1999 йилда 100 кун (100х360:360). 2000 йилда айланма маблағларга эҳтиёж 111 млн. сўм (400х100:360). 1999 йилда айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 95 млн. сўмни ташкил қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, воситаларнинг нисбий озод қилиниши 16 млн. сўмни (111 - 95) ташкил этади.

Қисқача хулосалар

Ҳеч бир корхона айланма маблағларсиз фаолият кўрсата олмайди. Уларнинг мавжуд бўлиши ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни учун мажбурий элемент ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий аҳволи кўп жиҳатдан айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси ва тузилмасига боғлиқ бўлади. Мазкур даража маҳсулотнинг материал сиғими, электр сиғими, энергия сиғими, моддий ресурс харажатлари ва ундан фойдаланиш коэффициенти каби кўрсаткичларни тавсифлайди. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари қуйидагилар: айланиш коэффициенти, бир марта айланиш давомийлиги ва юкланиш коэффициенти.

Корхонада маҳсулотнинг материал сиғимини пасайтириш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан катта аҳамият касб этади, чунки у қуйидагиларга имкон яратади:

- ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли равишда камайтириш;
- корхона ихтиёрида қолувчи фойда миқдорини ошириш;
- маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш.

Корхонада маҳсулотнинг материал сиғимини қуйидагилар ҳисобига амалга ошириш мумкин:

- машина ва асбоб-ускуналарнинг янада мукаммал конструкцияларини яратиш;
- сунъий ва синтетик материаллардан кенг равишда фойдаланиш;
- кам чиқитли ва умуман чиқитсиз технологиялардан кенг миқёсда фойдаланиш;
- корхонада мукаммал меъёрий базани ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш чиқитларидан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни кобинациялаш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш.

Корхонада моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга фақат доимий амал қилувчи тизим сифатидаги ресурсларни сақлашнинг чуқур ўйланган сиёсати асосида эришиш мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш айланма фондларидан қандай фарқ қилади?
2. Айланма маблағларни ташкил қилувчи асосий элементлар қайсилар?
3. Айланма маблағлар туэилмаси деганда нима тушунилади? Қайси омиллар унинг ўзгаришига таъсир кўрсатади?
4. Қайси кўрсаткичлар ишлаб чиқариш айланма фондлари ва айланма маблағлардан фойдаланиш даражасини тавсифлайди?
5. Қайси омиллар айланма маблағларнинг айланиш даражасига таъсир кўрсатади?
6. Корхонанинг меъёрий базаси деганда нима тушунилади?
7. Корхонанинг меъёрий базасини мукаммаллаштириш қандай аҳамиятга эга?
8. Корхонада маҳсулотнинг материал сиғимини камайтириш қандай аҳамият касб этади?
9. Айланма маблағларни меъёрлаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти қандай?
10. Корхонада маҳсулот материал сиғимини камайтиришнинг асосий йўллари ва йўналишлари қандай?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Зайцев Н.А. Экономика промышленности предприятия. - М.: ИНФРА-М, 1996.
4. Верст И., Равентоу П. Экономика фирмы. Учебник. - М.: Высшая школа, 1994.
5. Коллектив авторов. Финансы предприятия. Учебное пособие. Под редакцией Бородиной Е.И. - М.: ЮНИТА, 1995.
6. Дубровский В.Ж., Чайкин Б.И. Экономика предприятия и его управление. Екатеринбург, 1998.
7. Львов Ю.А. Основы организации экономики и бизнеса. Санкт-Петербург, ГМП Формика, 1992.

IX боб

КОРХОНАДА КАДРЛАР ВА МЕҲНАТ ҲАҚИ ТЎЛАШ

9.1. Корхонанинг кадрлар салоҳияти

"Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади" қоидаси иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги кунларда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Президент И.Каримов айтганидек: "Бугунги кунда биз олдимизга қандай вазифаларни қўймайлик, бизнинг олдимизда қандай муаммолар мавжуд бўлмасин, уларнинг барчаси пировардида кадрлар ва фақат кадрларга бориб тақалади."

Замонавий корхоналар фаолиятида меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан ташқари кадрлар ҳам катта аҳамиятга эга. Айнан кадрлар ишлаб чиқаришни бошқариб, жорий ва истиқболдаги режалаштиришни амалга оширадилар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини фойдаланишга киритадилар. Кадрларнинг касбий малакаси қанчалик юқори бўлса, корхоналарнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шунчалик яхши бўлади.

Корхонанинг "меҳнат ресурслари", "кадрлар", "персонал" тушунчаларини, гарчи улар ўртасида маъжозий маънода айтганда "хитой девори" йўқ бўлса ва улар кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва улардан фойдаланишда бир хилда қўллансада, бир-биридан фарқлаш лозим.

Салоҳият (потенциал) тушунчасининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб (potentia), имконият, куч-қувват, яшириш имконият маъносини англатади. Луғат ва қўлланмаларда у мавжуд ва ҳаракатга келтирилиши, маълум бир мақсадларга эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлган восита, захира, манба, деб кўрсатилган.

Кадрлар салоҳияти - меҳнат ресурсларининг умумий сони ва жинси, ёши, маълумоти, касбий кўникмалари, корхонанинг у ёки бу бўғинларида ва жамоатчилик ишлаб чиқаришида қатнашиши билан ифодаланувчи меҳнат ресурслари ёки имкониятларини ифодалайди. Кадрлар салоҳияти жамият меҳнат салоҳиятининг таркибий қисмидир.

Кадрлар корхонада меҳнат билан банд бўлган ҳамда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий–малакавий гуруҳлардаги ходимлар мажмуасидир. Корхонанинг меҳнат ресурслари унинг ишчи кучини тавсифлайди. Корхона персонали доимий ва ёлланиб ишловчи, малакали ва малакасиз барча ходимлардан иборат бўлган шахсий таркибни изоҳлайди.

Ишлаб чиқаришдаги асосий «шахс», иқтисодиёт назария-

сида талқин қилинишича, ишчи кучи - инсоннинг меҳнат қилишга жисмоний ва ақлий қобилиятлари ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитларида меҳнат қобилияти, ишчи кучини товар ҳолига келтиради. Бироқ бу оддий товар эмас. Унинг бошқа товарлардан фарқи шундаки, биринчидан, у ўз қийматидан ортиқ бўлган қиймат яратади, иккинчидан, уни жалб қилмасдан бирон-бир ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш мумкин эмас, учинчидан, асоий фондлар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси, хўжалик юритиш иқтисодиёти кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлади.

Корхоналарда ишчи кучи ва умуман кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: ходимларнинг моддий манфаатдорлиги, атроф-муҳит, ақлий, жисмоний ва асаблар кучланиши, бошқариш усуллари ва ҳоказолар. Айниқса меҳнат учун ижтимоий шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади (9.1-расм).



9.1 - расм. Меҳнат юкламасига таъсир кўрсатувчи омиллар

Корхона персонали ёки кадрлар таркиби ва унинг ўзгариши маълум бир сифат, миқдор ва тузилмавий тавсифларга эга бўлиб, улардан фаолиятни режалаштириш ва ҳисобга олишда фойдаланилади. Корхона ходимларининг рўйхат бўйича таркиби замонавий таснифи бўйича қуйидагиларни ўз ичига олади:

- саноат-ишлаб чиқариш персонали (С.ИЧ.П) - асосий ва ёрдамчи цехлар, завод бошқаруви, лаборатория, илмий-тадқиқот ва тажриба-лойиҳалаштириш бўлимлари (ИТ ва ТЛ.И), ҳисоблаш маркази ходимлари;
- ноишлаб чиқариш персонали - уй-жой, коммунал ва ёрдамчи хўжаликларда, соғлиқни сақлаш, профилактика ва таълим муассасаларида фаолият юритувчи ходимлар;
- раҳбарлар - директор, директор ўринбосарлари, бош мутахассислар, бўлим ва хизмат бошлиқлари, яъни муҳандис-техник персонал (МТП);
- хизматчилар - ҳужжатларни тайёрлаш, ҳисоб-китоб ва назорат қилиш, хўжалик хизмати ходимлари (агентлар, ғазначилар, иш юритувчилар, котиблар, статистлар ва ҳоказо).

Корхона С.ИЧ.Пнинг асосий ва кўп сонли қисмини ишчилар ташкил қилиб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш), таъмирлаш ва ускуналарга хизмат кўрсатишда (*таъмирловчи ишчилар*) қатнашадилр, меҳнат предметларини ташиш ва маҳсулот тайёрлашни амалга оширадилар (*транспорт ишчилари*), қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарадилар (*қурувчи-ишчилар*).

Корхона фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилишда, айниқса, меҳнат унумдорлиги, ўртача иш ҳақи, кадрлар айланиши ва оқимини ҳисоблашда ўртача рўйхат сони кўрсаткичи қўлланилади. Бу кўрсаткич йил ёки чорак учун корхона фаолият кўрсатган барча ойлар учун ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонини қўшиш ва ҳосил бўлган йиғиндисини мос равишда 3 (12) га бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткични тўғри аниқлаш учун ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилишни инобатга олган ҳолда ҳар куни ҳисобга олиб боришни йўлга қўйиш зарур.

Кадрларнинг корхонада ҳаракатланишини тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади ва таҳлил қилинади:

Ишчиларни қабул қилиш бўйича айланиш коэффициенти ($К_{кк}$):

$$К_{кк} = \frac{\text{Ишга қабул қилинган персонал сони}}{\text{Персоналнинг ўртача рўйхат сони}}$$

Ишдан кетиш бўйича айланиш коэффициент ($К_{и.к}$)

$$К_{ии} = \frac{\text{Ишдан бўшаган ходимлар сони}}{\text{Персоналнинг ўртача рўйхат сони}}$$

Кадрлар оқими коэффициенти ($К_к$)

$$К_{к.о} = \frac{\text{Ўз хоҳишига кўра ва меҳнат интизомини бузганлик учун ишдан бўшаган ходимлар сони}}{\text{Персоналнинг ўртача рўйхат сони}}$$

Корхона персонали таркибининг доимийлик коэффициенти ($К_{и.д.т.}$)

$$К_{и.д.т.} = \frac{\text{Бутун йил давомида ишлаган ходимлар сони}}{\text{Персоналнинг ўртача рўйхат сони}}$$

Кадрлар салоҳияти миқдорий тавсиф беришдан ташқари *корхона персоналининг сифат тавсифи* ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у корхона ходимларининг мазкур ишлаб чиқаришга касбий ва малакавий жиҳатдан яроқлилик даражаси билан аниқланади. Бу ерда биринчи ўринга "мутахассислик", "касб", "малака " каби тушунчалар чиқади.

Мутахассислик инсонда маълум бир турдаги ишларни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги билан тавсифланади. Масалан, иқтисодчи, бухгалтер, молиячи ёки техник тилда - механик, қурувчи, энергетик, геолог ва бошқалар. Ишчиларнинг билим ва қобилиятларига бўлган талаб ягона тариф-малакавий маълумотномасида (ЯТММ), (МТП) ва хизматчиларга эса лавозимлар малакаси маълумотномада акс эттирилган. Бу ҳужжатлар асосида корхоналар ишчи ва хизматчилар тарифларига ўзгартиришлар киритадилар.

Касб–фаолиятнинг махсус ва тор кўринишдаги тури бўлиб, мутахассислик каби назарий билим ва амалий кўникмаларни талаб қилсада, мутахассисликдан фарқли равишда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўшимча кўникмаларни ҳам талаб қилади.

Малака деганда бирон-бир касб ёки мутахассислик бўйича мураккаб ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат кўникмалари ва билимлар даражаси тушунилади. Ишчилар малакаси даражасини баҳолашда ўртача тариф коэффициенти ва ўртача тариф разряди ҳисобланади. Тариф разрядлари ва коэффициентлари бир вақтнинг ўзида бажарилаётган ишлар мураккаблигини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

Кадрлар салоҳиятининг юқорида санаб ўтилган ва бошқа тушунча ва кўрсаткичлари корхона персоналининг миқдорий, сифат ва тузилмавий ҳолатлари ҳақида ва уларни персонални ва умуман ишлаб чиқаришни бошқариш, жумладан, корхона меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш мақсадлари учун ўзгартиришлар киритиш йўналишлари ҳақида маълумот беради.

9.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати

Юқорида айтиб ўтилганидек, ишчи кучи ва умуман, кадрлар, ишлаб чиқаришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Шу сабабли корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг жорий ва истиқболдаги стратегияси кадрлар сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишчи кучини ёллаш, жойлаштириш ва режалаштириш;
- ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- кадрларни хизмат лавозимлари бўйича юқори поғонага кўтариш;
- ёллаш шартлари, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шароитлари;
- меҳнат жамоасида қулай руҳий (психологик) муҳитни яратиш.

Корхоналарнинг кадрлар сиёсатини, гарчи ягона жавобгар шахс сифатида ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг барча жабҳалари, жумладан, кадрларни танлаш ва жойлаштиришда асосий жавобгарликни корхона деректори ўз бўйнига олсада, фақатгина унинг ўзи амалга оширмайди. Бунда директордан ташқари бўлим ва хизмат бошлиқлари, кадрлар бўлими, иқтисодий ва ишлаб чиқариш бўлими, меҳнат ва ҳақ тўлаш бўлими, техник бўлим ва бошқалар ҳам иштирок этади.

Корхонада кадрлар сиёсати соғлом ва меҳнат қобилиятига эга бўлган жамоани шакллантириш, кадрларнинг жинси ва ёшига кўра таркиби ва малакаси ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда тўғри жойлаштирилишини ҳисобга олишдан ташқари, ишлаб чиқариш ва меҳнат шароитларининг ўзгариб боришига ўз вақтида эътибор қаратиши, фан ва техниканинг янги, илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириши лозим. Бошқача қилиб айтганда, кадрлар сиёсати биринчи ўринда, инсоннинг ишлаб чиқариш ва турмушдаги янги аҳлоқини шакллантириш, иккинчидан, новаторлик ва юқори меҳнат унумдорлигига мафаатдорлигини ривожлантириши лозим.

Корхонанинг кадрлар сиёсати амалиётда фақат ички вазифа ва муаммоларни ҳал қилишдан ташқари, бандлик соҳасида давлат сиёсатига таянади ва қуйидагиларни кўзда тутади:

• фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи ва касб танлаш эркинликларини амалга оширишда бир хил имкониятларга эга бўлишини таъминлаш;

• фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш қобилиятларини ривожлантиришга бандлик соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг бошқа йўналишлари билан уйғунлаштириш орқали кўмаклашиш ;

• меҳнат фаолияти даврида ва нафақага чиққандан сўнг ҳам ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш;

• аҳоли бандлиги муаммоларни ечишда, қўшма корхоналар тузиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан халқаро ҳамкорлик юритиш ва бошқалар.

Иқтисодиётни бошқаришнинг турли даражасида, жумладан, корхоналарда ҳам кадрлар сиёсати кўп қиррали, мураккаб ва узоқ муддатли жараён бўлиб, бир қанча ресурс ва вақт сарфланишини талаб қилади. Ишчилар ёки олий маълумотли мутахассислар, яъни турли кадрлар билан турли даражадаги харажатлар кўзда тутилади. Агар ишчилар замонавий корхоналар персонали тузилмасида 70-80 % ва ундан ортиқни ташкил қилса, олий маълумотли мутахассислар 15-20 % ни ташкил этади. Шунга мос равишда уларни тайёрлаш ҳам турлича бўлади: ишчилар корхона, ихтисослаштирилган мактаб ва касб-ҳунар билим юртларида тайёрланса, олий маълумотли мутахассислар бир неча йил давомида олий ўқув юртларида таҳсил оладилар.

Афсуски, баъзи корхоналарнинг раҳбарлари, бугунги кунда таҳлилларнинг кўрсатишича, кўпроқ буюртмалар "портфели"ни шакллантириш, ресурс ва инвестициялар излаш, маҳсулотларни сотиш каналларини аниқлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш, турли хўжалик муаммоларини ҳал қилиш билан банд бўлиб, буларнинг барчаси бозор муносабатлари шароитларида муҳим аҳамият касб этсада, уларнинг аҳамияти кадрлар сиёсатини тўғри олиб боришнинг аҳамиятидан камдир. Бу масалада йирик корхоналар унчалик ютуқларга эга бўлмасада, мазкур ҳолатлар асосан шахсий таркиби 100 кишигача бўлган кичик ва ўрта корхоналар учун хосдир.

Шундай бўлсада, кадрлар сиёсатига, жумладан зарур бўлган кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва унинг таркибига ижобий ўзгаришлар киритиш, ходимлар малакасини оширишга эътиборни қаратмасдан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш, корхоналар ҳаётига фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, энг асосийси, корхонанинг барқарор ва даромад келтирувчи фаолият юритишини таъминлаш қийин.

Масалан, Японияда корхона ва фирмаларнинг кадрлар сиё-

сати биринчи ўринда университетлар ва илмий марказлар билан алоқаларни кучайтиришга, иккинчидан, саноатни роботлаштириш соҳасида мутахассислар тайёрлашга қаратилган бўлиб, бу ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг ўсишидан ташқари, ишчи ва мутахассислар ўртасида рақобатчилик муҳити яратилишига ҳам хизмат қилади.

Германияда иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳасидаги деярли барча ўзгаришлар кадрлар сиёсати билан боғликдир. Корхоналарнинг кадрлар салоҳиятини шакллантиришда ходимлар малакаси ва маълумот даражаси асосий омил ҳисобланади. Германия корхона ва фирмалари ҳар йили ходимларнинг маълумот олиши ва малакасини ошириши учун 10 млрд. маркадан ортиқ маблағ сарфлайди. Бундан ташқари, улар мутахассисларга ишдан бўш вақтларда қатнаб керакли билимларни олишлари мумкин бўлган ўқув марказлари ва курслар ҳақида маълумот берадилар.

Кадрлар сиёсати Франция ва Италия корхоналарида ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Грецияда рақобатчилик туфайли компания ва фирмалар ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилишлари, янги технологияларни қўллашга йирик миқдордаги маблағларни сарфлашларига тўғри келади. Бироқ модернизациялашнинг якуний мақсадларига ходимлар малакаси ишлаб чиқаришнинг техник даражасига мос келган ҳолдагина эришиш мумкин. Шу сабабли кўплаб саноат корхоналари ишчи ва мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини кенг равишда амалда қўллайдилар.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, кадрлар сиёсати барча мамлакатларда корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, мамлакатимиздаги корхоналар ҳам бундан мустасно эмас. Улар чет элнинг илғор корхоналари ютуқларини ўзлаштиришдан ташқари, ўз кадрлар сиёсатини яхшилаши, ходимлар малакасининг ўсиши ва ҳаётнинг меҳнат билан боғлиқ даври сифатини оширишга эътибор беришлари зарур. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига, корхоналарнинг мустақиллигидан ташқари корхона ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг акциядорлик шакллари, шунингдек, иқтисодиётда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари ўз ҳиссасини қўшмоқда.

9.3. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил қилиш ходимлар фаолиятини рағбатлантириш, тайёр маҳсулот ва меҳнат бозорида рақобатчиликни, рентабелликни ва маҳсулотларнинг даромадлилигини таъминлаши лозим. Меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил этишдан мақсад–унинг ҳажми ва ходимнинг корхона хўжа-

лик фаолиятига меҳнат фаолиятида қўшган ҳиссасига мос келишини таъминлаш, яъни меҳнат ўлчами ва истеъмол ўлчами ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдир.

Иш ҳақи - ҳар бир ходимнинг сарфлаган меҳнати миқдори ва сифатига мос равишда тақсимланувчи ва ходим тасарруфига пул шаклида келиб тушувчи миллий даромаднинг бир қисмидир. Иш ҳақи – меҳнат учун мукофотдир.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган меҳнат ресурсларининг баҳосидир. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақи – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланувчи қисмидир.

Иш ҳақининг *номинал* ва *реал* турлари мавжуд.

Номинал иш ҳақи – ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.

Реал иш ҳақи–номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори; реал иш ҳақи – номинал иш ҳақининг "истеъмол қобилияти "дир.

Корхоналарда иш ҳақи соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ташкил этишда қуйидаги тамойилларни инобатга олиш зарур:

- адолатлилик, яъни бир хил меҳнат учун бир хил ҳақ тўлаш;
- бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва меҳнат малакаси даражасини ҳисобга олиш;
- меҳнатнинг зарарли шароитлари ва оғир жисмоний меҳнатни ҳисобга олиш;
- сифатли, ситқидилдан меҳнат қилишни рағбатлантириш, йўл қўйилган йўқотишлар ёки ўз мажбуриятларига масъулиятсиз ёндашишни моддий жазолаш;
- меҳнат унумдорлиги суръатини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ўстириш;
- иш ҳақи миқдорини инфляция суръатларига мос равишда мувофиқлаштириш;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг корхона эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берувчи илғор шакл ва тизимларини қўллаш.

Замонавий шароитларда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли тизим ва шакллари қўлланилиб, улардан энг кўп тарқалганлари сифатида ишбай ва вақтбай усулни кўрсатиш мумкин.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун тўланадиган ҳақни англатади.

Корхоналарда кўпинча фақат ишбай эмас, балки ишбай-мукофотли ҳақ тўлашдан фойдаланилади.

Меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўлашда ишчи бажарган ишига ҳақ олишдан ташқари, мукофотга ҳам эга бўлади. Мукофот асо-

сан маълум бир кўрсаткичларга эришиш - маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш, маҳсулот сифатини ошириш, хомашё ва материалларни тежаш ва шу кабилар учун берилади.

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш тариф тизимида кўзда тутилувчи ишлаб берилган вақт - календарь вақт эмас, балки меъёрий вақт учун тўланадиган ҳақни англатади.

Вақтбай-мукофотли ҳақ тўлашда ишчи ишлаб берган вақтига ҳақ олишдан ташқари, ушбу иш ҳақига маълум бир фоиз ҳисобида мукофот ҳам олади.

Меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш тизими меҳнатга ишбай ҳақ тўлашнинг бир тури бўлиб, унинг моҳиятига кўра, бунда бажарилиши керак бўлган ишларни муддатини кўрсатган ҳолда баҳолаш амалга оширилади.

Корхонада қуйидаги ҳолларда аккорд ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- корхона бирон-бир буюртмани ўз вақтида бажара олмаса ва бунинг учун шартномага асосан йирик миқдорда жарима тўлайдиган бўлса;
- корхонанинг тўхтаб қолишига сабаб бўлувчи фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сел, зилзила, сув тошқини ёки жиддий сабабларга кўра асосий технологик линияларнинг ишдан чиқиш ҳоллари) рўй берганда;
- алоҳида ишларни бажаришга зарурат туғилганда ёки корхонада янги асбоб-ускуналар ишга туширилганда.

Кўпчилик корхоналарда иш ҳақини ҳисоблаш тариф тизими, айниқса унинг тариф ставкаси ва тариф сеткалари каби элементлари асосида амалга оширилади.

Тариф ставкаси–турли гуруҳ ва категориядаги ишчиларнинг вақт бирлигидаги меҳнати учун тўланувчи ҳақнинг мутлақ (абсолют) ўлчамидир. Минимал тариф ставкаси ёки биринчи разрядли ставка бошланғич ҳисобланади. У энг оддий меҳнат турига тўланувчи ҳақ даражасини белгилаб беради.

Тариф сеткалари меҳнатга ҳақ тўлашдаги мутаносибликларни малака даражасини ҳисобга олган ҳолда, белгилаш учун хизмат қилади. У тариф разрядлари ва уларга мос келувчи тариф коэффициентлари йиғиндисини ифодалайди. Тариф коэффициентининг энг паст разряди бирга тенг деб олинади. Ундан кейинги тариф разрядлари мос келувчи тариф ставкалари биринчи разрядли тариф ставкасидан неча марта катта бўлишини кўрсатади.

Кадрлар, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалар ҳисобланади. Ҳар бир корхонада меҳнат ва иш ҳақи бўйича режа тузилиб, унинг мақсадлари ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш захираларини топиш ва бу асосда меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу режаларга кўра меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш ҳақи суратларидан тезроқ ўсиши лозим.

Қисқача хулосалар

Кадрлар сиёсатига кўп нарса, биринчи ўринда ишчи кучидан қанчалик унумли фойдаланиш ва корхона фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш боғлиқ бўлади.

Корхонада кадрлар ишчи, хизматчи, мутахассис ва раҳбарларга бўлинади. Раҳбарларга афзалликни бериш лозим. Тадқиқотлар ва амалиёт тажрибалари шуни кўрсатадики, корхона фаолиятининг самарадорлиги 70-80 % га корхона раҳбарига боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш билан корхоналар меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида катта мустақилликка эришдилар. Таҳлиллар натижасида шу нарса маълумки, бу даврга келиб корхоналар кўпроқ вақтбай-мукофотли ва тарифсиз ҳақ тўлаш, шунингдек, шартнома асосида ҳақ тўлашдан фойдалана бошладилар.

Кадрлар, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалар ҳисобланади. Ҳар бир корхонада меҳнат ва иш ҳақи бўйича режа тузилиб, унинг мақсадлари ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш захираларини топиш ва шу асосда меҳнат маҳсулдорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу режаларга кўра, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш ҳақи суръатларидан тезроқ ўсиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсатини қай тарзда тасаввур қиласиз?
2. Кадрлар тузилмаси деганда нима тушунилади ва уни белгилаб берувчи омиллар қандай?
3. Реал иш ҳақи номинал иш ҳақидан нимаси билан фарқ қилади?
4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай тизим ва шаклларини биласиз?
5. Қайси ҳолларда вақтбай ва ишбай ҳақ тўлашдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади?
6. Нима сабабли корхонада меҳнат унумдорлиги суръатлари ўртача иш ҳақи суръатларидан ортиқ бўлиши лозим?
7. Меҳнат унумдорлиги нима? Корхонада меҳнат унумдорлигининг ўсиш қандай аҳамияти касб этади?
8. Корхонада меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг қандай усуларини биласиз?
9. Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини режалаштириш моҳияти нимада?
10. Қайси омиллар корхонада ишлаб чиқаришнинг ўсишини белгилаб беради?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. 3.Макконелл К.Р. Брю С.Л, Экономика: принципы, проблема и политика. Пер. с анг. 1, 2. – М.: Республика, 1992.
4. 4.Коно Т. Стратегия и структура японских предприятий. – М.: «Прогресс», 1997.
5. 5.Лебедев О.Т., Каньковская А.Р. Основы менеджмента. Учебное пособие. – СПб, изд. дом «МиМ», 1997.
6. 6.Жильцов В.Г. Как профессионально разработать бизнес-план. – Алматы, 1994.
7. 7.Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – Минск, ООО «Новое знание», 1999.

X боб

КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР

10.1. Харажатлар тушунчаси ва унинг таснифланиши

Корхоналар фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини сарфлайдилар. Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоққа эга. Ишлаб чиқариш харажатлари мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

Корхоналар, шунингдек, маҳсулотни сотиш бўйича харажатларни, яъни ишлаб чиқаришдан ташқари ёки тижорат (ташиш, қадоқлаш, сақлаш, реклама қилиш ва ҳоказо) харажатларини ҳам амалга оширадилар

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархини ташкил қилувчи харажатлар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементларга асосан гуруҳларга тақсимланади:

- моддий харажатлар;
- асосий фондлар амортизацияси;
- меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлар;
- бошқа харажатлар.

Моддий харажатлар ишлаб чиқариш харажатларининг энг катта қисми бўлиб, умумий харажатларнинг 60 - 80 фоизини ташкил қилиши мумкин. Моддий харажатлар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- хомашё ва материаллар харажатлари;
- технологик мақсадлар ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланувчи ёқилғи ва энергия;
- харид қилинувчи бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
- сотиб олинган қадоқлаш ва ўров материаллари харажатлари;
- машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар;
- бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш хизматлари;
- хизмат даври бир йилгача бўлган кичик қийматли ва тез эскирувчи предметларнинг эскириши ёки ҳар бир инструмент, инвентарь, лаборатория ускуналари ва махсус кийим-бош учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравар миқдоригача қиймати;
- табиий хомашёдан фойдаланиш билан боғлиқ солиқ, йиғим ва бошқа тўловлар;

• ишлаб чиқаришда бекор туриб қолиш ва сифатсизлик (брак) туфайли юзага келадиган йўқотишлар;

• табиий йўқотишлар билан боғлиқ бўлган ёки айбдор шахслар мавжуд бўлмаган ҳолда юзага келадиган йўқотишлар.

Амортизация ажратмалари миқдорига тенг бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши харажатларнинг йирик элементларидан бири ҳисобланади. Булар қаторига асосий фондларнинг тезлашган амортизацияси ва унинг индексациясини киритиш мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар– корхонанинг асосий ишлаб чиқариш персонали меҳнатига ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатлар бўлиб, ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун мукофотлар, рағбатлантирувчи ва компенсация тўловлари, жумладан, қонунчиликда белгиланган меъёрийлар чегарасида нархларнинг ўсиши ва индексация учун тўловлар, шунингдек, корхона ходимлари штатида бўлмаган, лекин асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар учун тўланувчи ҳақни ўз ичига олади.

Мазкур харажатлар элементлари қаторига қуйидагилар киритилган:

• амалда бажарилган иш учун тариф ставкалари, лавозим маошлари ва шу кабилар асосида тўланувчи иш ҳақи;

• ходимларга натурал тўлов шаклида берилувчи маҳсулотлар қиймати;

• ишлаб чиқаришдаги юқори натижалар учун берилувчи мукофот ва бошқа тўловлар;

• қонунчиликка асосан баъзи тармоқлардаги ходимларга бепул берилувчи кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой, коммунал хизмат ва ҳоказолар қиймати;

• ҳар йиллик меҳнат ва ўқув таътили учун амалга оширилувчи тўловлар;

• корхонани қайта ташкил қилиш, штатлар қисқариши туфайли ишдан бўшатилган ходимларга тўланувчи маблағлар.

Ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатлар нобюджет ижтимоий фондларига (нафақа фонди, ижтимоий суғурта фонди, бандлик фонди ва ҳоказо) ажратилувчи маблағларни англатади.

Маҳсулот (иш, хизмат) таннархидаги бошқа харажатлар – қонунчиликда белгиланган тартибда махсус нобюджет фондларига ўтказилувчи тўловлар ва солиқлар; йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордаги чиқиндилар учун тўловлар; корхона мулкини мажбурий суғурталаш; рационализаторлик таклифлари учун мукофотлар; қонунчиликда белгиланган ставкаларда кредитлар бўйича тўловлар; маҳсулотни сертификатлаш учун бажарилган

ишларга ҳақ тўлаш; қонунчиликда белгиланган меъёрлар бўйича хизмат сафарларига ҳақ тўлаш; ёнғинга қарши кураш ва қўриқлаш муассасаларига ҳақ тўлаш; кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимлар танлашни ташкил қилиш, алоқа хизмати, ҳисоблаш марказлари, банклар хизматига ҳақ тўлаш; асосий ишлаб чиқариш фондларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш; номоддий активларнинг эскириши ва ҳоказолар.

Ишлаб чиқариш харажатларига, асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тайёр ҳолатда сақлаб туриш - капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, машина ва асбоб-ускуналарга қараш ва эксплуатация қилиш учун сарфланувчи барча харажатлар киради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш бўйича мураккаб ишлар амалга оширилиб, харажатлар бир хилда тақсимланмаганда корхоналар (Молия Вазирлиги рухсати билан) маҳсулот таннархи ҳисобига асосий фондларни таъмирлаш учун захира(резерв) фондлари ташкил қилиши мумкин.

Хорижий валютадаги харажатлар Марказий банкнинг операциялар амалга оширилган кундаги курсига асосан сўмларда белгиланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга қилинадиган харажатларни ўсишига, хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-ускуналар нархининг ўсиши, транспорт хизмати тарифларининг юқорилиги, реклама ва вакиллик харажатларининг ўсиши кабилар таъсир қилади. Амортизация ажратмалари миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Нархлар эркинлиги ва ижтимоий зиддиятлар кучайган шароитларда харажатлар тузилмасида иш ҳақининг салмоғини ошириш катта аҳамият касб этади. Шу билан бир вақтнинг ўзида ижтимоий ва тиббий суғурталаш, нафақа таъминоти, аҳоли бандлик фондлари, турли хил компенсацион тўловларга ажратилувчи маблағлар миқдори ҳам ортиб бормоқда.

10.2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, тақсимлаш тартиби ҳамда кўпайтириш йўллари

Фойда муҳим иқтисодий категория (тоифа) бўлиб, ҳар бир тижорат ташкилотининг асосий мақсади ҳисобланади. Иқтисодий категоррия сифатида фойда–моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни акс эттиради.

Фойданинг асосий қисмига корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш орқали эга бўладилар. Замонавий хўжалик юритиш шароитларида фойданинг асосий вазифаси корхона фаолияти самарадорлигини акс эттиришда деб белгиланади. Бунга фойда миқдори, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган маҳсулот таннархи шакли-

даги индивидуал харажатлар, маҳсулот баҳоси шаклидаги ижтимоий зарурий харажатларни ўз ичига олиши лозимлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида корхоналар фаолияти фойданинг рағбатлантирувчи аҳамиятининг ортиши билан боғлиқ. Фойдадан баҳолашнинг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, сифатнинг яхшиланиши, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш унумининг ортиши билан асосланади. Шу билан бирга фойданинг аҳамияти ортишига амалдаги фойдани тақсимлаш тизими ҳам сабаб бўлади ва унга кўра эса, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун ҳамда ходимларни бажарган меҳнати сифати ва миқдорига асосан моддий рағбатлантиришга сарфланувчи фойдани оширишга бўлган қизиқишнинг ортиши кузатилади.

Шу тариқа фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ўз корхонаси эришадиган юқори натижалардан моддий манфаатдорлигини кучайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Корхонада фойда турли хил фаолият натижасида олиниши мумкин. Барча фойдалар йиғиндиси корхонанинг ялпи фойдасини ташкил қилади. Ялпи фойданинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва маҳсулот сотишдан олинган фойда;
- асосий фондлар, шунингдек, корхонанинг бошқа мулки сотишдан олинган фойда;
- корхонанинг молиявий фаолияти орқали олинувчи фойда.

Корхона даромади икки кўрсаткич, яъни маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқаришга сарфланувчи харажатларга боғлиқ бўлади. Маҳсулотнинг бозордаги баҳоси талаб ва таклиф муносабатлари натижасида келиб чиқади. Эркин рақобат шароитларида баҳони шакллантириш қонунлари асосида маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки харидор хоҳишига кўра эмас, балки автоматик равишда тартибга солинади.

Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди. Корхонанинг фойда олиши даромадларнинг корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади ҳамда у рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса фойда бир пайтнинг ўзида молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи эканлиги; даромаднинг турли даражадаги бюджет шаклланиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Фойда олишнинг асосий манбалари қуйидагилар:

биринчи манба корхонанинг маҳсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқаришдаги монополия ҳолати ёки маҳсулотнинг нодирлиги ҳисобига шаклланади. Бу манбанинг сақланиши маҳсулотни доимий равишда янгилаб боришни кўзда тутади;

иккинчи манба ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Ундан фойдаланиш самарадорлиги бозор конъюнктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюнктурасига мослаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади. Фойда миқдори корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йўналишини тўғри танлаш (доимий равишда талаб даражаси юқори бўлган маҳсулотни танлаш); маҳсулотларини сотиш ва хизмат кўрсатиш учун рақобатбардош шароитларни яратиш (баҳо, етказиб бериш муддати, харидорларга хизмат кўрсатиш, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳоказо); ишлаб чиқариш ҳажми (ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, даромад миқдори шунчалик кўп бўлади); ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тузилмаси билан боғлиқ бўлади;

учинчи манба корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чиқади. Ундан фойдаланиш доимий равишда технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, маҳсулот сотиш ҳажми ва фойда миқдорини оширишни англатади.

Корхонанинг баланс фойдаси фойдани тақсимлаш объектидир. Фойдани тақсимлаш деганда унинг бир қисмини бюджетга жўнатиш тушунилади. Қонунчиликка асосан фойданинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида бюджетга келиб тушувчи қисми тартибги солинади. Корхона ихтиёрида қолувчи даромад қисми, ундан фойдаланиш йўналишлари корхона зиммасида бўлади.

Фойдани тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида оладиган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида тақсимланади;
- фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солиқ ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Солиқлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;
- солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Корхонада фойдани тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби унинг Низомида белгилаб қўйилади ҳамда ваколатли иқтисодий хизмат ходимлари томонидан тайёрланиб, корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланувчи қоидалар ёрдамида аниқланади.

Маҳсулотни сотишдан олинадиган фойда миқдори ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Ички омиллар - корхонада замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш, хўжалик юритиш даражаси, раҳбарият ва менеджментнинг масъулияти, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасидир. Корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар қаторига эса, бозор конъюнктураси, истеъмол қилинувчи модий-техник ресурсларнинг баҳоси, амортизация меъёри, солиқ тизими кабилар киради.

Корхонада фойдани оширишнинг асосий йўллари. Ҳар бир корхонада фойдани ошириш бўйича режали чора-тадбирлар кўзда тутилиши керак. Умуман олганда, бундай чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини ошириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш;
- ортиқча асбоб-ускуналар ёки бошқа мулкни сотиб юбориш ёки ижарага бериш;
- моддий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва майдонлари, ишчи кучи ва иш вақтидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш;
- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;
- маҳсулот бозорини кенгайтириш ва ҳоказолар.

Фойда корхона фаолиятининг муҳим иқтисодий кўрсаткичи бўлсада, унинг самарадорлигини тўла тавсифлаб бермайди. Корхона фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун натижаларни (фойдани) харажатлар ёки бу натижаларга эришиш учун сарфланган ресурслар билан солиштириш лозим.

10.3. Рентабелликнинг моҳияти ва кўрсаткичлари

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида рентабелликнинг аҳамияти ва ўрни ўсиб бормоқда. У корхона фаолияти ва капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигининг асосий мезони, корхона ва хўжалик юритувчи ташкилотларни баҳолашнинг синтетик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Янги шароитларда корхоналарнинг фаолиятларида юқори молиявий натижаларга эришишга интилиши сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Ҳар қандай хўжалик механизми учун асос бўлиб корхона

фаолиятини режалаштириш ва унга объектив баҳо бериш, таълим олиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида харажат ва натижаларни солиштириш кўрсаткичлари хизмат қилади.

Фойда корхона самарадорлигининг ягона ва универсал кўрсаткичи эмас.

Ишлаб чиқариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини баҳолашда амалиётда рентабеллик кўрсаткичлари тизими кенг қўлланиб, унга кўра фойданинг миқдори белгиланган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, рентабеллик даромадлилик, фойдалиликни англатади. Бироқ рентабелликни фақат даромадлилик деб қабул қилиш унинг иқтисодий мазмунини кенг очиб бермайди. Улар ўртасида тенгликнинг йўқлигидан даромад миқдори ва рентабеллик даражаси турли нисбатларда, кўпинча турли йўналишларда ўлчаниши далолат беради.

Исталган муддат учун иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш кўплаб турли хил омиллар таъсири остида амалга оширилади.

Рентабеллик ва фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни билиш, бу омилларнинг самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини ҳисоблаш услубиятини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни бошқариш орқали корхонада даромадни ошириш захираларини излаб топиш ва рентабелликнинг талаб қилинувчи даражасига эришиш механизмини яратиш мумкин.

Рентабеллик ва фойдага таъсир кўрсатувчи омилларни турли хил белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Масалан, бу омиллар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлган ҳамда корхона фаолиятининг турли йўналишларини тавсифловчи омиллар мансуб бўлади. Ташқи омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган, бироқ ишлаб чиқариш рентабеллиги ва даромаднинг ўсиш суръатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар киради. Таҳлил жараёнида ички ва ташқи омилларни аниқлаш самарадорлик кўрсаткичларини ташқи таъсирлардан "тозалаш" имконини беради ҳамда корхона ютуқларини объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида ички омиллар ҳам ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш омилларига бўлинади. Ноишлаб чиқариш омиллари асосан меҳнат ва сотиш шароитлари, корхонанинг тижорат, табиатни сақлаш ва шу каби фаолият турлари билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари эса фойданинг шаклланиши-

да иштирок этувчи ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементлари - меҳнат предметлари ва воситалари ҳамда меҳнатнинг ўзи - мавжудлиги ва улардан фойдаланишни акс эттиради.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва фойда олиш билан боғлиқ бўлган корхоналарда бу омиллар ўзаро алоқада ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Рентабелликнинг моҳиятини фақат фойда шаклланишини таҳлил қилиш асосида очиб бериш мумкин. Корхона маҳсулотни сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабелли ҳисобланади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти қанчалик фойда келтиришини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар молиявий ҳисоботнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларда қизиқиш уйғотиб, корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда унинг инвестицияларни жалб қилиш қобилиятини аниқлайди. Хусусий ёки қарзга олинувчи капиталнинг рентабеллиги корхонага маблағлар киритишнинг рентабеллигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичларнинг иқтисодий турланиши (интерпретацияси) яққол кўзга ташланади: сарфланган ҳар бир сўм қарзга олинган (хусусий) капиталга неча сўм фойда тўғри келади (ҳисоб-китобларда корхонанинг баланс ёки соф фойдасидан фойдаланиш мумкин).

Рентабелликни замон ва макон қоидаларига кўра таҳлил қилишда асосли хулосаларга келиш учун зарур бўладиган учта хусусиятни инобатга олиш зарур.

Биринчи хусусият корхона фаолиятининг вақт жиҳати билан боғлиқ. Масалан, маҳсулотни сотиш рентабеллиги коэффициенти ҳисобот давридаги фаолият натижалари орқали аниқланади; узоқ муддатли инвестицияларнинг юзага келиши мумкин бўлган ва режалаштирилаётган самараси инкор қилинмайди. Агар корхона катта миқдордаги инвестициялар талаб қилувчи янги технологиялар ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ўтадиган бўлса, у ҳолда рентабеллик кўрсаткичлари вақтинчалик пасайиши мумкин.

Иккинчи хусусият таваккалчилик муаммоси билан боғлиқ бўлиб, таваккалчилик даражаси юқори бўлган лойиҳалар баъзида катта фойда келтириши ҳам мумкин.

Учинчи хусусият баҳолаш муаммоси билан боғлиқ. Масалан, хусусий капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи сурати ва махражи турли хил харид қобилиятига эга бўлган пул бирлигида келтирилади. Кўрсаткичнинг сурати, яъни фойда ўзгарувчан (динамик) бўлиб, фаолият натижаларини ҳамда товар ва хизматларнинг асосан ўтган йилда юзага келган баҳосини акс эттиради. Кўрсаткичнинг махражи, яъни хусусий капитал бир қатор

йиллар давомида шаклланади. У жорий баҳодан анча фарқ қилиши мумкин бўлган, ҳисобга олиш баҳосида акс эттирилади. Демак, хусусий капитал рентабеллик коэффициентининг катта бўлиши, доим ҳам корхонага киритилаётган капитал қайтимига мос келавермайди; молиявий қарорларни қабул қилишда бу кўрсаткични эътиборга олишдан ташқари, корхонанинг бозордаги баҳосини (бозор капитализацияси) ҳам инобатга олиш зарур.

Қуйида корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

$$\text{Активлар рентабеллиги (РА)} = \frac{\text{Соф фойда (СФ)}}{\text{Активларнинг ўртача йиллик қиймати (А)}}$$

$$\text{Сотиш рентабеллиги (РС)} = \frac{\text{Соф фойда (СФ)}}{\text{Маҳсулотни сотишдан тушган тушум (СТ)}}$$

$$\text{Хусусий капитал рентабеллиги (ХК)} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Хусусий капитал ўртача йиллик қиймат (ХК)}}$$

$$\text{Битта акция даромади (АФ)} = \frac{\text{Соф фойда (СФ)}}{\text{Муомаладаги акциялар сони (Na)}}$$

Активлар рентабеллиги корхонада 1 сўм фойда олиш учун қанча маблағ жалб қилиш талаб этилишини (бу маблағлар манбаидан қатъи назар) акс эттиради. Ушбу кўрсаткич корхона рақобатбардошлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Сотиш рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини акс эттиради.

Хусусий капитал рентабеллиги корхона мулкдорлари яъни, эгалари киритган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва бу кўрсаткични худди шу маблағларни бошқа қимматбаҳо қоғозларга киритганда олиш мумкин бўлган фойда билан таққослаш имконини беради. Ғарб мамлакатларида бу кўрсаткич компания акцияларининг котировкасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади.

Битта акция келтирувчи фойда кўрсаткичи корхонанинг бозордаги фаолиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Шу тариқа, тавсия қилинувчи кўрсаткичлар таҳлил жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга оид чора-тадбирлар белгилашга иконият яратади.

Қисқача хулосалар

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолиятидан асосий мақсад фойда олишдир. Фойда олиш дегани корхона даромадлари унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча харажатлардан ортишини англатади.

Ишлаб чиқариш харажатларини доимий равишда пасайтириб бориш фойда олишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Харажатлар мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади.

Фойда корхонада турли хил фаолият орқали олиниши мумкин бўлиб, унинг миқдори ишлаб чиқариш омиллари баҳоси ўзгариши (ташқи омиллар) ёки ишлаб чиқариш харажатларини улардан норационал фойдаланиш сабабли ошириш (ички омиллар) туфайли ўзгариб туради.

Бироқ фойда мутлақ (абсолют) катталик сифатида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўлиқ тавсифламайди. Ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда, рентабеллик кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти қанчалик фойда келтиришини кўрсатади. Рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили юзага келган ҳолатга баҳо бериш ҳамда молиявий барқарорликни кучайтириш чора-тадбирларини белгилашга имкон яратади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ишлаб чиқариш харажатларини таснифлаш.
3. Бошқа харажатлар таркибига нималар киради?
4. Фойда иқтисодий категория сифатида ҳамда унинг корхонанинг тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишдаги аҳамияти.
5. Фойдани шакллантириш манбалари.
6. Фойдани тақсимлаш ва уни кўпайтириш йўллари.
7. Рентабелликнинг иқтисодий моҳияти.
8. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш услубияти.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А.. Ўзбекистон – XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.

4. Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.

6. Зайцев Н.А. Экономика промышленного предприятия. – М.: «ИНФРА-М», 1996.

7. Верст И., Равентоу П. Экономика фирмы. Учебник. – М.: Высшая школа, 1994.

8. Финансы предприятий. Учебное пособие. Кол. авторов под ред. Е.И. Бородиной. – М.: ЮНИТИ, 1995.

9. Коллектив авторов. Финансы предприятия. Учебное пособие. Под редакцей Е.И. Бородиной. - М.: ЮНИТА, 1995.

10. Дубровский В.Ж., Чайкин Б.И. Экономика и управление предприятием (фирмой). – Екатеринбург, 1998.

11. Львов Ю.А. Основы экономики и организации бизнеса. – СПб: ГМП «Формика», 1992.

12. Экономика предприятия. Под редакцией проф. Грузиновой В.П. – М.: ЮНИТИ, 1998.

13. Сергеев И.В., Экономика предприятия. М.: Финансы и статистика, 1997.

14. Экономика предприятия. Проф. Горфинкеля В.Я., Куприкова Е.М. - М.: ЮНИТИ, 1996

15. Грузинов В.П., Экономика предприятия. - М.: СОФИТ, 1997

16. Коно Т. Структура и стратегия японских предприятий. - М.: Прогресс, 1997.

17. Лебедев О.Т., Каньковская А.Р. Основы менеджмента. Учебное пособие. Санкт-Петербург, Изд. дом МиМ, 1997.

18. Жильцов В.Г. Как профессионально разработать бизнес-план. – Алматы, 1994.

19. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – Минск, ООО «Новое знание», 1999.

КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ

11.1. Инвестициялар корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ривожлантириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида

Корхоналар хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш ва сақлаб қолишдир. Корхоналарнинг бу йўналишдаги фаолияти инвестицион фаолият деб аталади ҳамда "Инвестицион фаолият тўғрисида" ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Инвестициялар – корхоналар ва халқ хўжалиги миқёсида янги ишлаб чиқариш корхоналари яратиш ёки мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, илғор техника ва технологияларни ўзлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда (даромад) олишни кўпайтириш мақсадида узоқ муддатли маблағлар киритилишидир. Инвестициялар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги номутаносибликларини бартараф қилиш ва истеъмол бозорини таъминлашда алоҳида эътиборга эга.

Инвестицияларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш, мамлакат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион сиёсати асосида амалга оширилади. Бу сиёсат биринчидан, капитал қўйилмаларнинг устувор йўналишларини, иккинчидан, ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш ва ривожлантириш, учинчидан, фан-техник тараққиёти ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишини белгилаб беради. Инвестицияларнинг "хўжайини" сифатида корхоналарнинг ўзидан ташқари, давлатни, маҳаллий ҳокимият идоралари ва хусусий тадбиркорларни кўрсатиш мумкин.

Кўпинча инвестиция деганда капитал қўйилмалар кўзда тутилади, бу нарса инвестициялар табиатини инкор қилмайди ва уларнинг моҳиятини нотўғри акс эттирмайди. Инвестициялар, бозор иқтисодиётидаги бошқа, жумладан, бизнес, рақобатчилик, ишбилармонлик тушунчалари каби, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунларда хўжалик юритиш назарияси ва амалиётида ўз ўрнини топмоқда. Шу билан бирга, "капитал қўйилмалар" атамасининг ўз изоҳлари ҳам мавжуд.

Капитал қўйилмалар асосий фондларни қайта тиклаш ва ўстириш учун сарфланувчи моддий, меҳнат ва пул ресурсларидир. Улар асосан бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган

характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш харажатлари ёки маҳсулот таннархи шаклидаги, жорий харажатлардан фарқ қилади. Капитал қўйилмалар мақсадли характерга эга бўлади ҳамда ходимларга мукофот тўлаш, хизмат сафари (командировка) харажатлари ва ҳоказоларга сарфланиши мумкин эмас.

Молиявий инвестициялар қимматбаҳо қоғозлар, акция ва облигациялар сотиб олиш, пул маблағларини банкларга фоиз олиш мақсадида депозит ҳисоб рақамларига қўйиш билан ифодаланади.

Реал инвестициялар пул маблағларини капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни ифодалайди. Реал инвестициялар корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалигининг куч-қувватини белгилаб беради.

Инвестициялар аввалдан ўйлаб кўрилган мақсад ва биринчи ўринда инвестицион лойиҳа асосида корхона ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифасини бажаради.

Инвестиция лойиҳаси капитални корхонани унинг ишлаб чиқариш қуввати ва бошқа сифат кўрсаткичларини кучайтириш мақсадида ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. Инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инвестициявий ғоя(фикр)ни шакллантириш;
- ғоянинг дастлабки асосланиши;
- лойиҳада кўзда тутилган техник қарорнинг таҳлили;
- сертификат талабларининг бажарилишини текшириш;
- инвестиция лойиҳаси бўйича давлат бошқарув идоралари билан келишув юзага келтириш;
- ахборот меморандумини тайёрлаш.

Юқорида кўрсатилганларни амалга оширгандан сўнг лойиҳани ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослаб бериш (тушунтириш хатидан то инвестицион мўлжалларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда кутилаётган натижалар акс эттирилувчи лойиҳа-смета ҳужжатларигача) зарурати туғилади.

Инвестициялар, айниқса гап янги қурилиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ёки қайта тиклаш ҳақида кетганда, инвестицион жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу жараёнлар инвестицион мақсадларни замон ва маконда боғлайди. Инвестицион жараёнларнинг қуйидагича таркибий қисмлари мавжуд: лойиҳалаштиришдан аввалги асослаш, лойиҳалаштириш, бевосита объект қурилиши (корхонани кенгайтириш ёки қайта тиклаш) ва ишга туширилиши. Корхоналар учун инвестиция жараё-

нининг сўнгги босқичи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу босқичда амалга оширилган янгиликлар эксплуатацион синовлардан ўтказилиб, амалдаги ва лойиҳа кўрсаткичлари баҳоланади ҳамда инвестиция жараёнининг худди шу жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган четга оғиш ва камчиликлар аниқланади.

11.2. Корхоналарда инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари

Деярли барча фаолият кўрсатувчи корхоналар давлатга тегишли бўлган собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида инвестицияларнинг асосий манбаи давлат (бюджет) маблағларидан ташкил топар эди. Гарчи ўша шароитларда ҳам жамғарма фондлар - асосий инвестицион манбалар корхоналар фойдаси (даромади) ҳисобига амалга оширилган бўлсада, корхоналарнинг маблағларни қаердан олиш ва қаерга жойлаштириш тўғрисида "боши" оғримас эди. Қўшимча манба сифатида корхоналарнинг амортизация фонди хизмат қиларди.

Мазкур тушунчалар (жамғарма фонди, амортизация фонди, фойда) ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, инвестицияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Масалан, давлат корхоналари учун асосий инвестиция манбаи қуйидагилар: фойда, амортизация фонди ва бюджет маблағлари, қўшма корхоналар учун - фойда, амортизация фонди ва кредит ресурслари.

Режалаштириш ва бошқарув тизимида шунингдек, инвестиция манбаларини аниқлашнинг ички ва ташқи турларидан ҳам фойдаланилади.

Инвестицияларнинг ***ички манабалари*** қуйидагилар:

- ишлаб турган асосий капиталга ҳисобланувчи амортизация ажратмалари натижасида шаклланувчи, корхонанинг ўз молиявий воситалари;
- фойданинг инвестиция эҳтиёжларига ажратилувчи қисми;
- суғурта компаниялари ва муассасалари томонидан табиий офат ва бошқа ҳодисаларда тўланувчи маблағлар;
- корхонанинг акциялар чиқариши ва сотиши натижасида олинувчи маблағлар;
- юқори турувчи ва бошқа идоралар томонидан қайтариб бермаслик асосида ажратилувчи маблағлар;
- хайрия ва шу каби бошқа маблағлар.

Инвестицияларнинг ***ташқи манбалари*** қуйидагилар:

- марказий ва маҳаллий бюджетдан, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли хил фондлар томонидан ажратилувчи қайтариб бермаслик асосидаги маблағлар;

• корхоналар Низом жамғармасида молиявий ёки бошқа моддий ва номоддий иштирок шаклида, шунингдек, халқаро молия институтлари ва алоҳида шахсларнинг тўғридан-тўғри қўйилмалари шаклида киритилувчи хорижий инвестициялар;

• давлат ва турли хил фондлар томонидан қайтариб бериш шарти билан берилувчи кредитлар, жумладан имтиёзли кредитлар.

Корхоналарнинг мустақил хўжалик фаолияти шароитларида ички маблағлар таркибида амортизация ажратмалари асосий ўринни эгаллайди. Унинг корхона инвестицион ресурсларидаги улуши 50% ва ундан кўпроқни ташкил этади.

Инвестицион мақсадларга йўналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Лизинг - молиявий-кредит муносабатларининг шаклларидан бири бўлиб, корхоналарнинг қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишини англатади. Лизинг битимида кўрсатилган томонлардан ташқари инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда уларни бунинг учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлган тижорат ёки инвестицион банклар ҳам иштирок этиши мумкин.

Инвестициялардан (капитал қўйилмалардан) фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

• янги қурилиш;

• корхонани кенгайтириш ва қайта тиклаш;

• ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш;

• ҳаракатдаги қувватларни такомиллаштириш.

Янги қурилишга янги майдонларда махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилувчи корхона, бино, иншоот ва қурилмалар мансубдир.

Фаолият юритаётган корхонани кенгайтириш қўшимча ишлаб чиқариш мажмуаларининг навбатдаги қисмларини янги лойиҳа асосида қуриш ёки асосий, қўшимча, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг амалдаги цехларини кенгайтириш ёки қуришни англатади. У асосан, фаолият юритаётган корхона ҳудудида ёки унга туташ майдонларда амалга оширилади.

Қайта тиклаш – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносиблик-

ларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартиришни англатади. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Техник қайта қуроллантириш алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган.

Молиявий ресурслар ва ер танқислиги шароитларида, иккинчи томондан эса, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумлироқ фойдаланиш учун янги қурилишни нисбатан чекланган ҳолатда, асосан жуда зарур ҳоллардагина амалга оширилади. Шу сабабли бугунги кунда инвестицияларнинг энг кўп тарқалган йўналишлари сифатида, умуман олганда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутувчи мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни кўрсатиш мумкин.

Янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта тиклашга йўналтирилувчи капитал қўйилмалар асосан қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

- қурилиш-монтаж ишлари харажатлари;
- машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар;
- лойиҳа–қидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар.

Капитал қўйилмаларнинг юқоридаги турлари *инвестицияларнинг технологик тузилмасини* тавсифлайди. Ҳозирги пайтда иқтисодиёт ривожланишига киритилувчи капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида қуйидаги тузилма вужудга келди: қурилиш-монтаж ишлари харажатлари - 55-60%, машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар - 35-30%, лойиҳа–қидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар - 10%.

Капитал қўйилмаларнинг мулк шаклига кўра тузилмаси – инвестицияларнинг давлат, акциядорлик, қўшма, ижара ва бошқа турдаги жамоа корхоналари ўртасида тақсимланишидир. У капитал қўйилмалардан фойдаланиш , шунингдек, уларнинг шаклланиш тартиби ва манбалари нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, капитал қўйилмалар-

нинг самарали тузилмаси уларни тежаш, энг кам харажатлар билан энг кўп фойда олишга тенгдир.

Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга сарфланувчи харажатлари ўртасидаги ўзаро нисбатни ифодалайди.

11.3. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Умуман олганда самарадорлик муайян натижаларга эришишни англатади. У сарафланган харажатлар ва олинган натижалар нисбати асосида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам ва натижалар қанчалик кўп бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги бутун ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борича кўпроқ фойда, қайтим келтириши асосий вазифа қилиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, қўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чоратадбирларни ишлаб чиқиш каби барча ҳолларда юзага келади. Баъзан маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблағлар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда корхоналар иккита вазифани ҳал қилишлари лозим:

биринчиси - капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати ва даромадлилиги нуқтаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

иккинчиси - мавжуд ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш (қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, фойдани ошириш ва ҳоказо).

Биринчи вазифанинг ечими мос келувчи маркетинг тадқиқотларини амалга оширишни кўзда тутиб, бу тадқиқот даво-

мида талаб ва ундан келиб чиқувчи таклиф, бозор сегментацияси, баҳони шакллантириш стратегияси, молиялаштириш манбалари ва бошқалар аниқланиши лозим. Инвестицион лойиҳани муқобиллик асосида танлагандан сўнг бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни, техник ва бошқа қарорларни, жумладан, муҳандислик таъминоти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар тайёрлашишлари амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳани тайёрлаш ва шунга мос равишда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш зарурати кўп ҳолларда янги корхона, цехлар қуриш ёки мавжуд ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ва кенгайтириш билан боғлиқ бўлади. Буларнинг барчаси нафақат маконда, яъни маълум бир ҳудудда, ер майдонида, балки вақтда амалга оширилиши сабабли, вақт муддати лойиҳани амалга ошириш, жумладан, корхонани ташкил қилиш (қайта тиклаш, кенгайтириш) ҳамда эксплуатация қилиш ва тугатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар асосий кўрсаткич ҳисобланади:

1) Соф дисконтланган даромад (СДД) - бутун ҳисобот даври учун жорий самаралар йиғиндисининг бошланғич қадамга келтирилган миқдори ёки интеграл натижаларнинг интеграл харажатлардан ошиб кетиши. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$СДД = \sum_{t=0}^{T} (H_t - X_t) \frac{1}{(1+E)^t}$$

Бу ерда: H_t – ҳисоб-китобларнинг t-қадамида эришилувчи натижалар;

X_t – худди шу қадамда амалга оширилувчи харажатлар;

T – ҳисоб-китобларнинг вақт муддати;

E - дисконт меъёри.

Агар инвестицион лойиҳанинг СДД миқдори ижобий бўлса, у ҳолда лойиҳа самарали, яъни инвестиция маблағлари даражасининг қабул қилинган дисконт меъёрини таъминловчи ҳисобланади.

Харажатлар ва уларнинг натижалари миқдорини келтириш уларни *дисконтлаш коэффициенти* (d_t) га кўпайтириш асосида амалга оширилиб, бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$d_t = \frac{1}{(1+E)^t}$$

Бу ерда: t - натижаларни олиш (харажатларни амалга ошириш) давридан таққослаш давригача бўлган муддат бўлиб, йилларда ўлчанади.

Дисконт меъёри (Е) - бошқа инвесторлар ўз маблағларини худди шу турдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун киритишга рози бўлувчи, капиталнинг даромадлилик коэффициенти (даромад миқдорининг капитал қўйилмаларга нисбати).

Агар дисконт меъёри вақт давомида ўзгарадиган бўлса, дисконт коэффициенти (d_t) қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$d_t = \frac{1}{\prod_{k=1}^{t}(1+E_k)}$$

Бу ерда: $E_к$ – k-йилдаги дисконт меъёри;

t- ҳисобга олинувчи вақт муддати, йил.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда маҳсулот ва истеъмол қилинувчи ресурсларнинг базис, башорат қилинувчи, жаҳон ва ҳисобий баҳоларидан фойдаланилади.

2) Инвестицияларнинг даромадлилик индекси (ИД) - келтирилган самаранинг инвестициялар миқдорига (К) нисбати бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$ИД = \frac{1}{K}\sum_{t=0}^{T}(H_t - X_t)\frac{1}{(1+E)^t}$$

Агар даромадлилик индекси бирга тенг ёки ундан катта бўлса, инвестицион лойиҳа самарали, акс ҳолда эса самарасиз ҳисобланади.

3) Ички даромадлилик меъёрси (ИДМ) - келтирилган самара миқдори келтирилган инвестиция миқдорига тенг бўлган холдаги дисконт меъёрси ($E_{ич}$), яъни $E_{ич}$ (ИДН) қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

$$\sum_{t=0}^{T}(H_t - X_t)\frac{1}{(1+E_{ич})^t} = \sum_{t=0}^{T}\frac{K_t}{(1+E_{ич})^t}$$

Ушбу формула асосида аниқланган даромадлилик меъёрси миқдори инвесторнинг капиталга талаб қилувчи даромад миқдори билан таққосланади. Агар ИДН талаб қилинувчи даромад меъёрсига тенг ёки ундан катта бўлса, у ҳолда лойиҳа самарали ҳисобланади.

4) Инвестицияларнинг қопланиш муддати ($T_ц$) - инвестицион лойиҳани амалга оширишни бошлашдан то натижаларга эришишгача бўлган минимал вақт муддати. У қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_ц = \frac{И_с}{П_м}$$

Бу ерда: $И_с$ – соф инвестициялар;

$П_м$ – лойиҳа келтирувчи ўртача йиллик пул маблағлари оқими, сўм.

Шу билан бирга қопланиш муддати лойиҳанинг даромадлилиги кўрсаткичи ҳисобланмайди. Шу сабабли амалиётда инвестициялар бирламчи капитал (қўйилма)га нисбатан даромадлилик кўрсаткичи орқали кўриб чиқилади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Д_и = \frac{Ф_{с.к}}{К} \times 100$$

Бу ерда: $Д_и$ –инвестициялар даромади, % да;

$Ф_{ск}$ – солиқлар тўлангандан сўнг қолган фойда, сўм;

К - инвестициялар (бошланғич).

У ёки бу инвестицион лойиҳани танлаш тўғрисида қарор қабул қилишда корхоналар қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

- ишлаб чиқаришдаги бугунги ҳолат қанча давом этиши мумкин ва бозорда маҳсулотга (иш, хизматга) бўлган талаб қандай;
- капитал киритиш учун имкониятлар қандай;
- рақобатчилик фаолияти қандай;
- қандай муваффақият омиллари мавжуд;
- янги бозорга кириш учун қандай имкониятлар мавжуд.

Иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг *иккинчи ҳолатида*, яъни маблағларни мавжуд ишлаб чиқаришга киритишда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

а) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча маҳсулот қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$С = \frac{(ЯМ_1 - ЯМ_0)}{И_м}$$

Бу ерда: С –инвестициялар самарадорлиги;

$ЯМ_0$, $ЯМ_1$ – ялпи маҳсулот, мос равишда бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

$И_м$ – қўшимча инвестициялар миқдори.

б) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши:

$$С = \frac{Q(ТН_0 - ТН_1)}{И_к}$$

Бу ерда: $ТН_0$, $ТН_1$ - маҳсулот бирлиги таннархи, мос равишда, бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

Q – қўшимча инвестициялар киритилгандан кейинги йиллик маҳсулот ҳажми, натурал ўлчов бирл.

в) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириш:

$$C = \frac{Q(M_0 - M_1)}{И_д}$$

Бу ерда: M_0, M_1 – маҳсулот бирлигига ишлаб чиқаришда сарфланувчи меҳнат харажатлари, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг

г) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошириш:

$$C = \frac{Q(Ф_1 - Ф_0)}{И_д}$$

Бу ерда: $Ф_0$, $Ф_1$ – маҳсулот бирлигига тўғри келувчи фойда, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

е) инвестицияларнинг қопланиш муддати.

Инвестициялар самарадорлигини келтирилган формулалар асосида (бошқарув даражасини инобатга олган ҳолда) аниқлаш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қанча миқдорда инвестиция киритилган ва унинг натижаси қандай деган саволга жавоб беради, яъни у инвестицияларнинг мутлақ (абсолют) самарадорлигини тавсифлайди.

Амалиётда кўпинча инвестицион қарорларнинг турли хил вариантлари кўриб чиқилиб, улардан энг мақбулини танлаб олишга ҳаракат қилинади. Бу мақсадда капитал қўйилмаларнинг солиштирма иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қўлланиб, улар қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$С_и = ТН + Е_м ЧК \Rightarrow \min$$

Бу ерда: ТН - маҳсулот таннархи;

К - капитал қўйилмалар;

$Е_м$ - капитал қўйилмаларнинг самарадорлик меъёри.

Агар инвестицион қарорларнинг бир нечта вариантлари кўриб чиқиладиган бўлса, келтирилган харажатлар энг минимал бўлган вариант танлаб олинади.

Иқтисодий самардорликни баҳолаш жараёнида киритилувчи инвестицияларнинг қопланиш муддатини аниқлашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Т_{ок} = К_а / (Ф_{р1} - Ф_{р0})$$

Бу ерда: К - асосий ишлаб чиқариш фондларига киритилувчи капитал қўйилмалар ҳажми;

$Ф_{р1}$ - режалаштирилаётган даврнинг сўнгги йилидаги фойда;

$Ф_{р0}$ - базис йилдаги фойда (режадан олдинги даврнинг сўнгги йили).

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффициенти қопланиш муддатига тескари бўлган катталикдир. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Е_к = (Ф_{р1} - Ф_{р0}) / К_в$$

Вақт омили, айниқса, инвестор (буюртмачи) нуқтаи назаридан киритилаётган ресурсларнинг ҳақиқий самарадорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли қурилиш, қайта тиклаш ва кенгайтириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ишлари қанчалик тез бажарилса, инвестор ва пудратчи учун шунчалик фойдали бўлади. Қурилган объектни муддатидан аввал фойдаланишга топширишдан олинувчи қўшимча фойда ($С_{кф}$) орқали иқтисодий самара қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Э_{кф} = Е_н Ф (Т_ш - Т_а)$$

Бу ерда: $Е_н$ - самарадорликнинг меъёрий коэффициенти;

Ф - муддатидан аввал фойдаланишга топширилувчи асосий фондлар қиймати;

$Т_{ш}$ - объектни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги муддати;

$Т_а$ - объектни фойдаланишга топширишнинг амалдаги муддати.

Объектларни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги ва амалдаги муддатлари ўртасидаги фарқ мазкур формулада ($Т_ш - Т_а$) йил улушида акс эттирилиши лозим (вақт кўрсаткичи). Агар $Т^а_ш < Т_а$ бўлса, яъни объектни фойдаланишга топшириш муддати ўтиб кетадиган бўлса, инвестор кутилаётган фойдани олишдан маҳрум бўлади ва бошқа чиқимларга дуч келиб, бу нарса ҳисобий самаранинг салбий бўлишига олиб келади. Шу сабабли қурилиш ёки корхонани қайта тиклаш ва кенгайтириш ишлари, объектларнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик тез амалга оширилса, инвестициялар самарадорлиги мос равишда шунчалик юқори бўлади.

Мисол. Мини-завод қурилишининг сметага кўра қиймати 14,5 млн. сўмни ташкил этади. Қурилишнинг меъёрий муддати - 2,5 йил. Амалда заводни 2 йилда қуриб битказиш мўлжалланмоқда. Заводнинг асосий фондлари қиймати ошишига олиб келмайдиган харажатлар қиймати 450 минг сўмга тенг. Самарадорликнинг меъёрий коэффициенти - 0,2.

Заводни муддатидан олдин қуриб битказишнинг иқтисодий самараси қуйидагича:

$С_{м.о} = 0,2 (14,5 - 0,45) * (2,5 - 2) = 1,4$ млн.. сум.

Қисқача хулосалар

Инвестициялар давлат ва корхоналарнинг асосий фондларни замонавийлаштириш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятидаги муҳим воситадир.

Инвестициялар қоидага кўра, амалиётда мамлакат миқёсида давлат томонидан, микроиқтисодиётда эса корхоналар ва уларга тенглаштирилган бошқа хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилувчи ивестицион сиёсат асосида моддийлаштирилади.

Инвестициялар реал, ялпи, молиявий ва портфел турларига тақсимланади. Реал инвестициялар корхонанинг иқтисодий салоҳиятини яхшилашда муҳим восита ҳисобланади. Инвестициялашнинг тўғри танланган тактика ва стратегияси корхоналарга ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулот чиқаришни фан-техника тараққиёти ва бозор талабларига жавоб берувчи кўринишга олиб келишга имкон беради.

Корхонанинг ивестицион сиёсати инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳамда инвестициялашнинг энг самарали вариантларини танлаш билан боғлиқ бўлади.

Минимум харажатлар ва максимум натижалар - инвестициялар ва инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда услубий асос ҳисобланади.

1. Инвестицион сиёсат нима ва у давлат ва корхоналар миқёсида қандай мақсадларни кўзда тутади?

2. "Инвестициялар" ва "капитал қўйилмалар" тушунчалари ўртасидаги фарқларни тавсифлаб беринг.

3. Инвестицион жараёнларни қайси асосий босқичлар тавсифлайди?

4. Инвестициялар таркиби ва тузилмаси нима ва уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири қандай?

5. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қайси усуллари сизга маълум?

6. Корхоналар инвестицион сиёсатининг моҳияти нимада?

7. Инвестицияларнинг энг самарали вариантини танлашда қайси усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

8. Инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан қайсиларини биласиз?

9. Инвестицияларнинг қопланиш муддати нима ва у қандай аниқланади?

10. Республикада амалга оширилаётган энг машҳур инвестицион лойиҳаларни айтиб бера оласизми?

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

2. И.А. Каримов "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.

4. Зайцев Н.А. Экономика промышленного предприятия. – М.: «ИНФРА-М», 1996.

5. Верст И., Равентоу П. Экономика фирмы. Учебник. – М.: Высшая школа, 1994.

6. Финансы предприятий. Учебное пособие. Кол. авторов под ред. Е.И. Бородиной. – М.: ЮНИТИ, 1995.

7. Сергеев И.В. Экономика предприятия. – М.: «Финансы и статистика», 1997.

8. Грузинов В.П. Экономика предприятия. – М.: «СОФИТ», 1997.

9. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – Минск, ООО «Новое знание», 1999.

КОРХОНАНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ

12.1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари

Хавфсизлик бу мураккаб ва серқирра категориядир. У асосан ва кўпинча ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган воситаларнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан баҳоланади ва кўриб чиқилади. Шу сабабли ҳозиргача биз техника хавфсизлиги, пиёда хавфсизлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ёки зарарсизлиги каби тушунчаларни учратсакда, корхона хавфсизлигига ҳали дуч келганимиз йўқ.

Маҳсулотларнинг замонавий намуналари, ишлаб чиқариш технологияси, инвестиция режалари ва бошқалар саноат айғоқчилигининг диққат марказида туриб, корхона ва мамлакат учун маълум бир хавф туғдиради. Шу сабабли хавфсизлик ва тижорат сирлари муаммолари ҳозирги бозор ва рақобатчилик шароитларида иқтисодиёт фанининг, жумладан, замонавий корхоналар иқтисодиётининг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади.

Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- корхона ва унинг барча бўлинмалари, меҳнат жамоасининг давлат тузилмаси, хорижий ҳамкорлар ва рақиблар билан ўзаро муносабатларда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- корхона мулкини сақлаш, ундан оқилона ва унумли фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш;
- ташкилий ва ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш, бутловчи қисмлар етказиб берувчиларга ёрдамчи ва ҳамкорларга бир томонлама қарам бўлишга йўл қўймаслик;
- барча тузилмавий бўғинлардаги ходимлар орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш учун моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, самарали ахборот базасини ривожлантириш;
- корхона обрўсини ошириш.

Кўрсатилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда корхона хавфсизлигини таъминлаш вазифалари белгиланиб, улар корхонанинг ички тартиб-қоидалари ва иш тартибида ҳамда мах-

сус ишлаб чиқилган чора-тадбирларда ўз аксини топиши мумкин. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Корхона ичида ҳамда ташқи ташкилотлар - ҳукумат идоралари, бошқарув тузилмасидаги қоидабузарлик омиллари, ваколатни ошириш ҳоллари ва ҳоказоларни аниқлаш;

2. Корхонанинг барқарор ишлашига таъсир қилиши мумкин бўлган хавф-хатар ҳамда бозор конъюнктурасидаги ноқулай ўзгаришларни аниқлаш ва зарур чораларни қўллаш;

3. Бўлажак ҳамкорларни ўрганиш, уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

4. Иқтисодий айғоқчиликка қарши чора-тадбирларни тайёрлаш;

5. Корхона сирларидан хабардор бўлган малакали ходимларни бошқа корхоналарга жалб қилишнинг олдини олиш;

6. Носоғлом рақобатчиликни енгиш;

7. Корхона ҳудуди ва моддий ресурсларини ҳимоя қилиш;

8. Тижорат сирларини муҳофаза қилишни ташкил қилиш;

9. Меҳнат жамоаси аъзолари орасидаги салбий фикрларни аниқлаш;

10. Фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ва хавфсизликнинг бошқа чоралари.

Маълумки, кўрсатилган мақсад ва вазифалар ўз-ўзидан автоматик равишда ҳал қилинмайди. Бунинг учун, аввало, ўз ишини яхши билишдан ташқари моҳир ва юқори малакага эга бўлган ҳамда ўзлари ишлаётган корхона учун "жон куйдирувчи"кадрлар зарур. Уларсиз муваффақиятга деярли эришиб бўлмайди.

Хавфсизлик тамойиллари - хавфсизликни таъминлаш тактика ва стратегиясига бўлган асосий талаблар хавфсизликнинг мақсад ва вазифаларини ҳал қилишнинг тўғри йўлларини танлашдир. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қонунийлик тамойиллари;
- мустақиллик ва масъулият;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва фойдалилик;
- мақсадли-дастурий режалаштириш;
- ўзаро алоқалар ва мувофиқлаштириш;
- меҳнатни илмий ташкил қилиш.
- ошкоралик ва зарурий махфийликнинг уйғунлиги
- ихтисослашув ва юқори касбий малака

12.2. Корхона хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш ва бошқариш

Хавфсизлик ҳодисаларнинг олдини олиш ва огоҳлантириш чораси сифатида, ҳар бир алоҳида ҳолатдаги аниқ ҳаракат бўлиб,

корхона характери, унинг жойлашуви, аҳамияти ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Мазкур жараёнда хавфсизлик тизимининг ўзини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Унинг раҳбари хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқаришнинг муайян шароитларига нисбатан ишлаб чиқишда шахсан иштирок этиши зарур.

Хавфсизлик концепцияси биринчидан, корхонанинг мақсад ва вазифаларига зид келмаслиги, иккинчидан, корхона хавфсизлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи муҳит таъсирини инобатга олиши зарур. Бу таъсирни қуйидаги чизма кўринишида акс эттириш мумкин (12.1-чизма):



12.1-чизма. Корхона хавфсизлигига ташқи муҳитнинг таъсири

Шу билан бир вақтда корхона ўз фаолиятининг муҳим йўналишлари хавфсизлигини таъминлаш учун муайян чора-тадбирларни амалга ошириши керак ва бунинг учун аввало, мос келувчи қўриқлаш тартибини яратиш лозим. Мамлакатимиз ва хориж амалиёти тажрибаси бунда қуйидаги фаолият турларини ажратиб кўрсатади:

1. Бино ва иншоотлар, алоқа тармоғи қурилма ва ускуналарини қўриқлаш тартибини таъминлаш.

2. Тезкор хавфсизлик – махфий ахборотларга бўлган ваколатни бошқариш, келиб-кетувчилар, транспорт ва юк ташишни

назорат қилиш, қоидабузарлик ҳолатларини текшириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

3. Хавфсизликни таъминлаш бўйича маъмурий фаолият - персонални тайёрлаш ва ўқитиш, инспекция, тафтиш ва назорат, муаммоли вазиятларнинг олдини олиш, истиқболли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

4. Моддий бойликларни ҳимоя қилиш ва табиий офатлар билан кураш - ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги ва огоҳлантириш қурилмалари ҳолатини кузатиб бориш ва ҳоказолар.

Корхоналар раҳбарлари меҳнат жамоаларини доимий равишда хавфсизликни таъминлаш натижалари тўғрисида хабардор этишлари лозим. Фақат зарур ҳоллардагина хавфсизлик чора-тадбирлари махфий бўлиши мумкин. Хавфсизлик чора-тадбирларининг махфийлиги корхона бўлимларини зарурий қоидаларни қўллаш ва уларга амал қилишини назорат қилишни махсус ташкил этишни кўзда тутади.

Ҳозирги жамиятнинг ахборотлаштириш ва электронлаштириш шароитларида корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаш учун доимий равишда фаолият кўрсатувчи, тижорат фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашнинг барча шакл ва усулларини қамраб олувчи тизим амал қилиши лозим. Шу сабабли хавфсизлик хизмати маркетинг ва менеджмент хизмати, валюта, кредит ва ҳуқуқий бўлимлар каби иқтисодий бўлинмалар билан чамбарчас боғлиқликда ишлаб, иқтисодий хавфсизликка кўпроқ ёндашган ҳолда уларнинг фолиятини тўлдириши зарур.

12.3. Корхонанинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари

Хавфсизлик хизмати корхонанинг тузилмавий бирлиги бўлиб, хавфсизлик тартибини ишлаб чиқиш, ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унга риоя қилинишини назорат қилишни амалга оширади. У ўз фаолиятида қуйидагиларга асосланиши лозим:

- қўриқлаш тартибини ташкил этиш бўйича қоидалар;
- раҳбар, мутахассис ва техник ходимлар учун махфий маълумотлар билан ишлаш бўйича лавозим йўриқномаси;
- маълумотларни техник-муҳандислик жиҳатидан ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича лавозим йўриқномаси;
- хорижий ваколатхоналар ва вакиллар билан ишлаш бўй-

ича лавозим йўриқномаси.

Корхона хавфсизлик хизмати таркибида ахборот-таҳлил бўлинмалари, хавфсизликни таъминлаш йўналишлари бўйича ташкилий бўғинлар ҳамда муайян вазифаларни бажариш учун вақтинчалик тузилмалар яратилиши мумкин.

Корхона раҳбарияти ёки акциядорлик жамияти бошқаруви қарорига кўра, муайян мақсадлар ва юзага келувчи шароитларда хавфсизликни таъминлашнинг мураккаб вазифаларини ҳал қилиш учун корхонанинг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда вақтинчалик тузилмалар яратилиши мумкин.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун корхонанинг хавфсизлик хизмати қуйидагиларни амалга оширади:

• маъмурий-тақсимлаш вазифаси, хавфсизлик тартибини ўрнатиш ва таъминлаш, масъул шахсларнинг корхона хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, корхонанинг мазкур фаолият тури соҳасидаги ваколат вазифаларини амалга оширишга оид қарорлар тайёрлаш йўли билан амалга оширилади;

• хўжалик-тақсимлаш вазифаси, хавфсизлик хизматининг корхона хавфсизлигини таъминлашда зарур бўлган ресурсларни белгилаш, корхона мулки ва интеллектуал бойликларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиши йўли билан амалга оширилади;

• ҳисоб-назорат вазифаси, тижорат-молиявий фаолиятнинг энг муҳим йўналишларини ажратиб кўрсатиш ва корхонанинг молиявий барқарорлигига таҳдид солувчи хавф-хатарнинг олдини ўз вақтида олиш, уларнинг манбаларини баҳолаш, хавфли ҳолатларни назорат қилишни йўлга қўйиш, корхона хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи салбий омилларни ҳисобга олиш, шунингдек, корхонанинг ҳаётий эҳтиёжларига таҳдид солувчи ғиром рақиблар, ишончсиз ҳамкорлар, шахслар ва ташкилотлар ҳақида маълумотлар йиғиш ёрдамида амалга оширилади;

• ижтимоий-кадрлар вазифаси, хавфсизлик хизматининг кадрларни жойлаштириш, меҳнат жамоаларидаги салбий фикрлар, ижтимоий зиддиятларнинг юзага келиши сабаблари ва шароитларини аниқлаш, жанжалларнинг олдини олиш, ходимларга йўриқнома бериш, уларда белгиланган хавфсизлик меъёрлари-

га риоя қилиш учун жавобгарлик туйғусини шакллантиришдаги иштироки орқали амалга оширилади;

• ташкилий-бошқарув вазифаси, корхона хавфсизлигини таъминлаш жараёнини бошқаришнинг доимий ташкилий тузилмасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ўз вақтида қайта ташкил этишга бошқарув таъсирини кўрсатиш, фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича мослашувчан вақтинчалик тузилмалар, алоҳида бўғинлар ўртасида белгиланган дастурий мақсадларга эришиш учун ўзаро алоқалар ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш ёрдамида амалга оширилади;

• режали-ишлаб чиқариш вазифаси, корхона хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида мақсадли режалар ва дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, хавфсизлик тартибини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларни тайёрлаш ва бажариш ёрдамида амалга оширилади;

• ташкилий-техник вазифа, корхонада хавфсизлик тартибини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, махсус техникалар ҳамда янги, прогрессив технологиялар, махфий тартиб ва бошқа махсус фаолиятларни ўзлаштириш ёрдамида амалга оширилади;

• илмий-услубий вазифа, корхона хавфсизлигини таъминлашнинг илғор тажрибаларини тўплаш ва тарқатиш, ходимларни ўқитишни ташкил этиш, корхона олдида юзага келувчи корхона хавфсизлигини таъминлашга оид муаммоларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва унинг бу соҳадаги фаолиятини услубий кўрсатмалар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилади;

• ахборот-таҳлил вазифаси, хавфсизликка оид маълумотларни мақсадли равишда йиғиш, тўплаш ва улар билан ишлаш, бунинг учун зарур бўлган маълумотларни аналитик таҳлил қилишнинг техник ва услубий воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш, корхонанинг манфаатдор бўлинмалари ва алоҳида шахсларни хавфсизлик хизматида мавжуд бўлган маълумотлар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган вазифалар корхона хавфсизлик хизматининг зарур ташкилий тузилмасини шакллантиришга имкон беради. Унинг намунавий тузилмаси қуйида келтирилган (12.2 - чизма):



12.2-чизма. Хавфсизлик хизмати тузилмаси.

Корхона хавфсизлик хизмати Низомида унинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, назорат-тафтиш фаолияти белгилаб берилади. Хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини корхона хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш асосида олиб бориб, қуйидагиларни қамраб олади:

- махфий тартибдаги фаолиятни ташкил этиш;
- ахборот хавфсизлини таъминлаш;
- муҳандислик-техник муҳофаза;
- меҳнат жамоаларидаги салбий йўналишларнинг олдини олишга оид фаолият.

12.4. Корхонанинг тижорат сирлари

Корхонанинг тижорат сирлари ишлаб чиқариш, технологик маълумотлар, бошқарув, молия ва шу кабилар билан боғлиқ бўлиб, уларни ошкор қилиш корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлардир. Корхона "тижорат сирлари" тоифасининг қонунчиликда белгилаб берилган тавсифномаси шундай.

Мавжуд нуқтаи назарларга кўра, корхонанинг тижорат сирлари умумий ҳолда ўз ичига қуйидаги маълумотларни қамраб олади:

- корхонанинг савдо алоқалари ҳақида;

• капитал ҳажми ва тузилмаси, инвестиция режалари ҳақида;
• таъминотчи ва истеъмолчилар, тузилган шартномалар ҳақида;
• ишлаб чиқариш ҳажми, айланма маблағлар ва фойда ҳажми ҳақида;
• баҳони шакллантириш сиёсати ва товарлар баҳосининг шаклланиши ҳақида;
• банк опрециялар ҳақида ва ҳоказолар.

Кўпинча "тижорат сирлари" тушунчасидан ташқари корхонанинг "ишлаб чиқариш сирлари" тушунчаси ҳам қўлланилади. У ишлаб чиқариш усуллари, технологиялар, техник кашфиётлар, тадқиқот ишлари, меҳнатни ташкил қилиш, алоқа тармоғи ва шу кабилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Бугунги бозор муносабатлари, айниқса рақобатчилик муҳити шароитларида корхона тижорат ва ишлаб чиқариш сирларининг ошкор қилиниши унинг аҳволига салбий таъсир кўрсатиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмолчиларини йўқотишга олиб келиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, тижорат сирларига мансуб маълумотларнинг тўртдан бир қисми йўқотилиши ҳам рақиблар учун катта имконият яратади ҳамда бир неча ой ичида маълумотлар четга чиқиб кетишига йўл қўйган фирмаларнинг ярми банкротга учрашига олиб келади. Шу сабали ҳозирги пайтда тижорат сирларининг ҳуқуқий мақоми ва тоифасини аниқ белгилаш, уларни ошкор қилиш учун жавобгарлик механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қуйидаги чизмада корхона тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизмининг асосий элементлари келтирилган.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизми, корхонанинг молиявий ва техник имкониятлари билан алоқада бўлганда, шунингдек маълумотларни ҳимоя қилишнинг ишончли тизими мавжуд бўлгандагина тўлиқ куч билан ишлайди. Бундан ташқари қуйидагиларни тўғри ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади:
• тайёр маҳсулот (айниқса тажриба намуналари) ва материалларнинг баъзи турларини ҳисобга олиш ва қўриқлаш;
• тадбиркорлик сирлари мавжуд бўлган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби (уларни ҳисобга олиш, сақлаш, йўқ қилиш қоидалари ва бошқалар);
• ҳужжатларни кўпайтириш ва улардан нусха олиш воситаларини назорат қилиш;
• алоқа воситалари ва ҳисоблаш техникасида тижорат маълумотларини ҳимоя қилиш;
• корхона ҳудуди ва унинг асосий бино ва иншоотларини қўриқлаш;
• мазкур корхонага бегона шахслар ташриф буюришини назорат қилиш.



12.3-чизма. Корхона тижорат сирини муҳофаза қилиш механизми

Юқорида санаб ўтилган барча вазифаларни самарали бажариш бошқарув аппаратида тижорат сирларини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи махсус хизматларни яратишни кўзда тутади. Хориж мамлакатларида мазкур фаолият билан фирмаларнинг махсус бўлинмалари шуғулланади. Улар рақобатчилар тўғрисидаги маълумотларни излаш ва тўплаш билан ҳам шуғулланади. Шу билан бир вақтнинг ўзида улар савдо ҳам-

корларининг тижорат сирларини биргаликда ҳимоя қилиш имкониятини ҳам рад қилмайдилар. Масалан, баъзи фирмалар фаолиятида тадбиркорлик алоқалари давомида ҳамкорларга берилган маълумотларни биргаликда ҳимоя қилиш бўйича махсус шартномалар тузиш тартиби кўзда тутилган.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг (масалан, АҚШнинг) давлат идораларида махсус воситачилик хизматлари мавжуд бўлиб, у мижозларни уларни қизиқтираётган корхона ва ташкилотлар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди. Мамлакатимизда корхоналар давлатга солиққа тортиш ва иқтисодий маълумотларни йиғиш ва улар билан ишлаш тизими учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Шунингдек, корхоналар ўз фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни, жумладан, йиллик балансни нашр қиладилар. Шу билан бир пайтда корхоналар тижорат сирларига оид маълумотларни бермаслик ҳуқуқига эга. Тижорат сирлари давлат бошқарув ва назорат идоралари ходимлари орқали четга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида корхона раҳбари уларнинг ваколатларини билиши ҳамда улар талаб қилган исталган маълумотни эмас, балки фақат хизмат ваколатига доир маълумотларни тақдим этиши зарур. Биринчи ўринда бу статистика хизмати, монополияга қарши кураш қўмитаси, милиция, молия, солиқ, санитария, ёнғинга қарши кураш ва бошқа хизмат вакилларига тегишли. Корхона раҳбари шунингдек, давлат идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан арз қилиш тартиби, улар туфайли корхонага етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш механизмини билиши ва унга амал қилиши зарур.

Илмий-техник, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва бошқа хизматлар мутахассислари ўзи ишлаётган корхонанинг тижорат сирларига оид маълумотлар четга чиқиб кетиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ва реал йўқотишларни тўғри ва аниқ (қиймат шаклида) баҳолашни ўрганиб олишлари зарур.

Корхоналарнинг махфийлик шартларига риоя қилмаслик натижасида юзага келувчи йўқотишлари умумий кўринишда қуйидагаларга олиб келади:

- илмий тадқиқотларга лицензия сотиш имкониятлари пасаяди, фан-техника тараққиёти соҳасида эришилган устунликлар йўқотилади, илмий-тадқиқот бўлинмаларининг йўналишни ўзгартиришлари учун харажатлари ўсади;
- ишлаб чиқариш фаолиятида зарур бўлга хомашё, технология ва ҳоказоларни сотиб олишда қийинчиликлар юзага келади (ёки рақобатчилар томонидан сунъий равишда яратилади);

• корхонанинг тадбиркорликдаги шериклар билан ҳамкорлиги чекланади, фойдали шартномларни имзолаш имкониятлари камаяди, шартнома мажбуриятларини бажаришда муаммолар вужудга келади;

• корхонанинг янги бозор стратегиясини яратиш, маркетинг тадқиқотлари тузилмасини ўзгартириш ва ҳоказоларга сарфланувчи харажатлари ўсади;

• тижорат сирларини ошкор қилганларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллаш хавфи кучаяди.

Барча йўқотишларнинг умумий миқори қийматини аниқ ҳисоблаш жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, баъзида ишончи маълумотлар йўқлиги сабабли уларни ҳисоблашнинг имкони ҳам бўлмайди. Шу сабабли кўп ҳолларда корхоналарнинг маълумотларни ҳимоя қилишга риоя этмаслик билан боғлиқ бўлган йўқотишларини йириклаштирилган эксперт баҳолаш кифоя қилади.

Юқорида келтирилган йўқотишларнинг ўрнини қоплаш кўпинча корхоналардан қўшимча харажатларни талаб қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатчилик курашида эришиш мумкин бўлган муваффақиятлар имкониятини пасайтиради. Худди шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда тижорат сирларини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Қисқача хулосалар

Корхона сирлари ва хавфсизлиги бир қарашда оддий тушунчалар бўлиб, уларнинг мазмуни мутахассис бўлмаганларга ҳам тушунарлидир. Бироқ амалиётда корхона, шунингдек, турли хўжалик субъектларининг тижорат сирлари ва хавфсизлигини таъминлаш етарлича мураккаб фаолият соҳаси ҳисобланади. Корхонанинг, шундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг хавфсизлиги нафақат бутунлик ва барқарорлик, балки атроф-муҳит учун иқтисодий, техник, технологик, ташкилий ва умуман, функционал жиҳатдан зарарсизлигидадир.

Корхона хавфсизлиги амалда махсус хизмат ва бошқарув идоралари томонидан, шунингдек, мос келувчи Низом меъёрлари, қоидалар ва йўриқномалар асосида таъминланади. Корхона хавфсизлигига ички ишлаб чиқариш муҳитидан ташқари ташқи муҳит ҳам баъзида бевосита, баъзида эса билвосита таъсир кўрсатади. Ички ва ташқи муҳитларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсирини бартараф қилиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Тижорат сирлари корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотлар бўлиб, уларнинг четга чиқиб кетиши ёки бегона шахсларга тарқатилиши корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли тижорат сирларига корхона томонидан амал қилинибгина қолмай, унга риоя этиш шартлари қонунчилик томонидан белгилаб ҳам қўйилган.

Корхонанинг тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизми, махфий характерга эга ва ошкор қилиниши мумкин бўлмаган, шунингдек, манфаатдор идора ва шахсларга хавф-хатар туғдирмаган ҳолда тақдим этиш мумкин бўлган маълумот ва кўрсаткичларни танлаб олишни кўзда тутувчи тизимга эга бўлиши зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхона хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз?
2. Корхонанинг "тижорат сирлари" тушунчаси нимани англатади?
3. Корхона хавфсизлиги ва тижорат сирлари ўртасида қандай алоқа мавжуд?
4. Корхона хавфсизлигининг асосий тамойилларини айтиб беринг.
5. Корхонанинг хавфсизлик хизмати қандай вазифани бажаради?
6. Бозор шароитларида тижорат сирлари корхонанинг реклама фаолиятига зид келмайдими?
7. Корхонанинг тижорат ва бошқа сирларини ошкор қилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
8. Корхонанинг тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизми ўз ичига нимани қамраб олади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Зайцев Н.А. Экономика промышленного предприятия. – М.: «ИНФРА-М», 1996.
4. Верст И., Равентоу П. Экономика фирмы. Учебник. – М.: Высшая школа, 1994.
5. Сергеев И.В. Экономика предприятия. – М.: «Финансы и статистика», 1997.

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Акциядорлик жамияти - *акциядорлар ва муассислар маблағи эвазига шаклланган капиталга эга бўлган ҳуқуқий шахс мақомига эга компания. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг маблағларини акция сотиш йўли билан жалб этишга асосланган шакли.*

Айланма ишлаб чиқариш фондлари — *ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи меҳнат предметлари (хомашё, материаллар, ўров материаллари, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар ва ҳоказо). Ҳар бир ишлаб чиқариш даврида тўлиқ сарфланади ҳамда корхонанинг айланма маблағлари ҳисобига сотиб олинади.*

Айланма маблағлар — *ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, янги маҳсулотни ўзлаштириш харажатлари, келгуси давр харажатларига сарфланувчи корхона маблағларининг пул шаклида ифодаланиши.*

Акция — *акциядорлик жамияти томонидан чиқарилувчи ҳамда унинг эгаси, акциядорлик жамиятининг аъзосига жамиятни бошқариш ва фойдадан дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоз.*

Акциядорлик капитали — *акциядорлик жамиятининг асосий капитали, унинг ҳажми Низомда белгилаб берилади. Қарзга олинган маблағлар ва акция чиқариш ҳисобига шакллантирилади.*

Амортизация - *асосий фондлар қийматини аста-секинлик билан улар ёрдамида ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки хизматларга ўтказилиши; маблағларнинг мақсадли равишда жамғарилиши ва кейинчалик эскирган асосий фондларнинг ўрнини қоплашга ишлатилиши.*

Амортизация воситалари - *корхона асосий фондларини сақлаш ва янгилаш учун махсус ажратилувчи молиявий воситалар.*

Амортизация фонди - *асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқаришга мўлжалланган пул маблағлари.*

Асосий ишлаб чиқариш фондлари — *маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, қурилма ва асбоб-ускуналар, траноспорт воситалари ва ҳоказо). Улар узоқ муддат хизмат кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг натурал шаклини сақлаб қолади ҳамда ўз қийматини эскириш мобайнида аста-секинлик билан тайёр маҳсулотга ўтказади. Капитал қўйилмалар ҳисобига тўлдирилади.*

Асосий фондларнинг эскириши — *асосий фондларнинг (бинолар, қурилмалар ва бошқа меҳнат воситаларининг) аста-секинлик билан фойдали хусусиятларини йўқотиши. Асосий иш-*

лаб чиқариш фондлари эскиришининг жисмоний ва маънавий турлари мавжуд.

Баланс - *бирон-бир ҳолатнинг алоҳида томонларини таққослаш ва солиштириш йўли билан тавсифланувчи кўрсаткичлар тизими.*

Баланс фойдаси - *корхонанинг балансида акс эттирилувчи фаолиятнинг барча турларидан олинувчи умумий фойда миқдори.*

Банкротлик - *касодга учраш, корхонанинг (ташкилот, банк) ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни маблағлар йўқлиги туфайли амалга оширмаслигини англатувчи тушунча. Қоидага кўра, корхонани ёпиш ёки мажбуран тугатиш ҳамда мол-мулкини қарзларни тўлаш учун сотиб юборишга олиб келади.*

Башорат қилиш - *келажакда рўй бериши мумкин бўлган турли ҳодиса ва жараёнларни статистик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа турдаги тадқиқотлар ёрдамида илмий асосланган ҳолда аввалдан айтиб бериш.*

Бизнес - *бозор иқтисодиёти шароитларида субъектнинг маълум бир маҳсулот ёки хизмат турини яратиш ва сотиш йўли билан фойда олишга мўлжалланган иқтисодий фаолияти.*

Бизнес-режа - *корхона фаолияти дастури, кутилаётган харажат ва даромадлар ҳисобини ўз ичига олувчи компания фаолиятининг муайян мақсадларига эришиш учун муайян чора-тадбирлар режаси. Маркетинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилади.*

Вексель - *қимматбаҳо қоғоз тури, белгиланган тартибда ёзма шаклдаги қарз мажбурияти, ўз эгасига (вексель олувчига) вексель берувчидан кўрсатилган пул миқдорини белгиланган муддатда гап-сўзсиз тўланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.*

Венчур фирма – *тижорат билан шуғулланувчи илмий-техник фирма, янги технологиялар ва маҳсулотларни даромадларни аввалдан белгиламаган ҳолда ишлаб чиқиш ва қўллаш билан шуғулланади (таваккалчиликка асосланган капитал қўйилмаси).*

Дивиденд - *акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисми, ҳар йили солиқларни тўлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, захираларни тўлдириш, облигациялар бўйича фоизлар тўлаш ва директорларни мукофотлашдан сўнг акциядорлар ўртасида тақсимланади.*

Жисмоний эскириш – *меҳнат воситаларининг фойдаланиш ва табиат кучлари таъсири остида моддий жиҳатдан емирилиши. Меҳнат воситаларининг маънавий эскириши уларнинг тўлиқ жисмоний эскиришдан олдинданроқ, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқорироқ ва тежамкор бўлган машина ва қурилмалар пайдо бўлиши туфайли юз бериши мумкин.*

Ижара - *мулкни маълум бир ҳақ тўлаш эвазига, вақтинчалик фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномага асосланган ҳолда ёллаш.*

Илмий-техник салоҳият — *мамлакатдаги фан, техника ва муҳандислик ишларининг ривожланиш даражаси, жамиятнинг фан-техника муаммоларини ҳал қилиш учун мавжуд ресурс ва имкониятларининг умумий тавсифномаси.*

Инвестиция сиёсати — *капитал қўйилмаларнинг энг устувор йўналишларини танлаш, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, сарфланган ҳар бир сўмга маҳсулот ўсиши ва миллий даромаднинг энг юқори кўрсаткичларига эришиш.*

Инвестициялар - *мамлакат ичкарисида ва ташқарисида янги корхона яратиш ва мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва фойда олиш мақсадида узоқ муддатли маблағлар киритилиши.*

Инвестор - *бирон-бир фаолиятга, корхонага фойда олиш мақсадида узоқ муддатли капитал киритишни амалага оширувчи хусусий тадбиркор, ташкилот ёки давлат.*

Инжиниринг - *тижорат асосида (шартнома шаклида) турли хил муҳандислик-маслаҳат хизматлари кўрсатилиши.*

Инновация - *жамият ривожланиши билан ўзгариб борувчи инсон эҳтиёжларини қондиришга оид янгиликлар, уларни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнини мажмуаси.*

Инфратузилма - *саноат (ёки бирон-бир бошқа) ишлаб чиқариши ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи хўжалик тармоқлари мажмуаси. Транспорт, алоқа, савдо, моддий-техник таъминот, фан, таълим, соғлиқни сақлашни ўз ичига олади.*

Ишлаб чиқариш қуввати — *асосий ишлаб чиқариш ва айланма фондлар, шунингдек, молиявий ресурслардан иложи борича тўлиқ ва оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажми.*

Ишлаб чиқариш рентабеллиги — *умумий (баланс) фойданинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меъёрлаштирилувчи айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.*

Ишлаб чиқариш тузилмаси — *корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ишлаб чиқариш бўлинмалари - цехлар, участкалар, хизмат кўрсатиш хўжалиги алоқаларининг йиғиндиси.*

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш — *йирик корхоналарда технология ва тузилмаси бир хил бўлган маҳсулотларни оммавий равишда ишлаб чиқариш.*

Ишлаб чиқаришни йириклаштириш — *маҳсулотни йирик корхоналарда чиқаришни ташкил қилиш.*

Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш — *маҳсулот ишлаб чиқаришда кимёвий маҳсулот ва сунъий материаллар, шунингдек, кимёвий усуллардан кенг фойдаланиш.*

Ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси — *бир томонлама, кўпинча битта маҳсулотга асосланувчи ишлаб чиқаришни кенг номенклатурада тайёрланувчи маҳсулотларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтказиш.*

Капитал қурилиш - *асосий фондларни янги корхона қуриш, мавжуд корхоналарни қайта тиклаш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш йўли билан яратиш ва мукаммаллаштириш жараёни.*

Капитал қўйилмалар - *асосий фондларни қайта тиклаш ва ўстиришга сарфланувчи моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари.*

Капитал сиғими - *асосий капиталнинг мос келувчи давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки унинг бирон-бир қисмини - миллий даромад, соф даромад, фойдага нисбатини тавсифловчи кўрсаткич.*

Комбинациялаш — *битта корхона - комбинат доирасида саноатнинг битта ёки бир нечта тармоқларидаги турли хил ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан бирлаштиришда ифодаланувчи, ишлаб чиқаришни умумлаштириш шаклларидан бири.*

Компания - *тадбиркорларнинг ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, пай капитали асосида ташкил қилинувчи бирлашмаси.*

Конверсия - *корхонанинг умуман бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши.*

Концерн - *турли тармоқлардаги мустақил корхоналарнинг иштирок этиш тизими, қўшма тадқиқотлар, патент-лицензия келишувлари, молиялаштириш, ишлаб чиқариш ҳамкорлиги воситасида бирлашуви.*

Кооперация қилиш - *якуний маҳсулотни биргаликда тайёрлаш бўйича узоқ муддатли тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларини ўрнатиш.*

Корхонанинг оптимал ҳажми — *маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича имзоланган шартнома ва мажбуриятларни ўз муддатида, энг кам харажатлар билан энг юқори самарадорликка эришган ҳолда бажариш имконини берувчи корхона ҳажми.*

Корхонанинг тижорат сирлари — *корхонанинг ишлаб чиқариш, технологиялар, бошқарув ва бошқа турдаги фаолияти билан боғлиқ, ошкор қилиниши корхона манфаатларига зарар*

етказиши мумкин бўлган, давлат сирларига алоқаси бўлмаган маълумотлар.

Лизинг - *мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчида сақланган ҳолда, мулкни узоқ муддатли ижарага беришга асосланган ҳолда инвестицияларни молиялаштириш шакли; машина, ускуна ва транспорт воситаларининг ўрта ва узоқ муддатли ижараси.*

Лицензия - *қонунда белгиланган муайян хўжалик операциялари, жумладан, ташқи савдо (экспорт ва импорт) операцияларини амалга ошириш бўйича, ваколатли давлат идораларининг ҳуқуқий шахсларга берувчи махсус рухсатномаси.*

Маркетинг - *корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш ёки хизмат кўрсатишга оид фаолиятини, бозорни ва истеъмолчилар талабига фаол таъсир кўрсатишни ўрганиш асосида бошқариш тизими.*

Материаллардан фойдаланиш коэффициенти — *хомашё ва материалларнинг оқилона тарзда сарфланишини тавсифловчи кўрсаткич. Тайёр маҳсулот таркибига кирувчи материалларнинг ишлов берилган материалларнинг умумий ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади.*

Маҳсулот аттестацияси - *маҳсулот сифатининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини объектив баҳолашни тизимли равишда амалга оширишни кўзда тутувчи, ташкилий-техник ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуаси.*

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари — *маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи табиий ресурслар, хомашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий фондлар ва меҳнат ресурслари, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг бошқа харажатларининг қиймат баҳолари.*

Маҳсулот рентабеллиги — *маҳсулот сотишдан олинган фойданинг маҳсулот таннархига нисбати (фоизларда) сифатида аниқланувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.*

Маҳсулот сертификати — *маҳсулот сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг халқаро меъёрларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни; маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарам бўлмаган, маҳсулотнинг халқаро стандарт меъёрларига мос келишини назорат қилиш учун керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган махсус марказларни яратиш билан амалга оширилади.*

Маҳсулот сифати — *маҳсулотнинг инсон ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжларини қондириш қобилиятларини белгиловчи фойдали хислатлари мажмуи.*

Маҳсулот сифатини бошқариш —*маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишда зарур сифат даражасини белгилаш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш мақса-*

дида амалга оширилувчи хатти-ҳаракатлар.

Маҳсулот сифатини бошқариш тизими — *сифатни бошқариш учун зарур бўлган ресурслар, жараёнлар ва жавобгарликни аниқ тақсимловчи ташкилий тузилма.*

Маҳсулотнинг материал сиғими — *хомашё, материаллар ва бошқа моддий ресурсларнинг маҳсулот бирлигига сарфланувчи харажатлари. Материал сиғимини камайтириш тайёр маҳсулот ва материалларни кўпайтириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва хомашё тармоқларини ривожлантиришга сарфланувчи харажатларни камайтиришга имкон яратади.*

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими —*меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига тескари бўлган катталик. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида сарфланган меҳнатнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади.*

Маҳсулотнинг техник даражаси — *баҳоланаётган маҳсулотнинг техник такомиллашганлигини белгиловчи, унинг базис кўрсаткичларига мос келувчи кўрсаткичлари ва таққослашга асосланган маҳсулот сифатининг нисбий тавсифномаси.*

Маҳсулотнинг яшаш даври — *маҳсулот ҳаётий даври бешта босқичининнинг алмашиниш даври: ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, бозорга чиқиш, ўсиш, бозорнинг тўйиниши ва маънавий эскириш.*

Меҳнат унумдорлиги —*нисонлар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги; ходим моддий ишлаб чиқариш соҳасида иш вақти бирлигида ишлаб чиқарган маҳсулотлар миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади. Меҳнатнинг ижтимоий унумдорлиги ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ҳар бир ходимга нисбатан ҳисобланади.*

Меҳнат шартномаси — *тадбиркор ва ишга кирувчи шахс ўртасидаги келишув, унда кўра ходимнинг меҳнат вазифаси, иш жойи, лавозими, ойлик иш ҳақи, иш бошлаш вақти ва ҳоказолар белгилаб берилади.*

Низом (устав) - *корхонани ташкил қилишнинг қонунийлигини тасдиқловчи, корхона характери ва фаолият тури, қоидалари, аъзолар ўртасидаги муносабатлар ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи расмий ҳужжат.*

Рақобат — *бозор механизмининг корхона ва фирмаларнинг маҳсулот ва хизматларни сотиш, капитални фойдалироқ жойлаштиришда рақиблик асосида хўжалик нисбатларини шакллантириш билан боғлиқ элементи.*

Рақобатбардошлик — *ўз фаолиятини бозор муносабатлари шароитида амалга ошириш ва бунда ишлаб чиқаришни илмий-*

техник жиҳатдан такомиллаштириш, ходимларни рағбатлантириш ва маҳсулот сифатининг юқори бўлишини таъминлашга етарли бўлган фойда олиш.

Рекламация - *харидор томонидан сотувчига шартнома асосида етказиб берилган товар сифати ва миқдорининг шартномага тўғри келмаслиги туфайли билдирувчи даъвоси.*

Сертификат - *масъул идоралар томонидан маҳсулотни экспертиза қилиш асосида берилувчи, маҳсулот сифатини белгиловчи ҳужжат.*

Сменалилик коэффициенти —*ускуналарнинг вақт бўйича* иш билан таъминлаш *даражаси кўрсаткичи; сутка давомида ишлаб берилган машина-сменаларнинг ўрнатилган барча сменалар сонига нисбати орқали аниқланади.*

Станадартлаштириш - *ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида фаолиятни тартибга солиш мақсадида барча манфаатдор томонлар иштирокида қоидалар белгилаш ва қўллаш. Меъёрий ҳужжатлар, стандартлар, йўриқномалар, усуллар, талабларда акс эттирилади.*

Таъсис ҳужжатлари — *янги ташкил қилинувчи корхона, компания, акциядорлик жамиятини таъсис этиш ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатлар.*

Техник қайта қуроллантириш — *ишлаб чиқариш алоҳида участкаларининг техник имкониятларни замонавий даражага чиқариш жараёни.*

Ускуналарни замонавийлаштириш — *ҳаракатдаги ускуналар конструкциясига, унинг техник даражасини оширувчи ҳамда техник ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшиловчи сезиларли ўзгаришлар киритиш. Замонавийлаштириш иккинчи шаклдаги маънавий эскиришнинг олдини олишга кўмаклашади.*

Устама харажатлар — *асосий харажатларга қўшимча бўлиб, улар билан бирга ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилувчи, ишлаб чиқариш ва корхона бошқарувига хўжалик хизмати кўрсатиш харажатлари.*

Фан-техника тараққиёти — *фан, техника, технологиялар ривожланиши, меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг узлуксиз ривожланиш жараёни.*

Фирма - *ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлиб, товар ишлаб чиқариш ва сотишни бир умумий бошқарув (ва умумий фирма номи) остида бирлаштирувчи, корхона ёки турли мулкчилик шаклидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар мажмуаси.*

Фойда — *корхона фаолиятининг якуний молияий натижалари; пул тушуми ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида*

аниқланади.

Фонд қайтими – *асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўмига тўғри келувчи маҳсулот миқдори.*

Фонд сиғими –*фонд қайтимига тескари бўлган нисбат. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ўртача қийматининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади.*

Фондлар билан таъминланганлик – *асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик кўрсаткичи (асосий ишлаб чиқариш фондларининг корхонанинг ҳар бир ходими ёки ишчисига тўғри келувчи ҳажми).*

Франчайзер - *франчайзи билан франчайзинг шартномаси имзоловчи йирик корхона (корпорация, фирма ва ҳоказо).*

Франчайзи *(оператор)* – *йирик франчайзер корхона билан битим тузувчи кичик корхона.*

Франчайзинг - *йирик ва кичик тадбиркорликнинг аралаш шакли; ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари.*

Холдинг компанияси - *ўз капиталидан бошқа компанияларни бошқариш, уларга раҳбарлик қилиш ва дивиденд олиш мақсадида уларнинг акцияларини сотиб олишда фойдаланувчи акциядорлик компанияси.*

Хусусийлаштириш – *давлат мулкини бошқа мулкчилик шаклларига, жумладан, жамоа, акциядорлик ва хусусий мулкка ўтказишда мулкчилик муносабатларининг ўзгариш жараёни.*

Ялпи даромад – *корхона фаолиятининг якуний натижаларини тавсифлайди ҳамда ялпи пул тушуми ва маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланувчи барча харажатлар ўртасидаги фарқни ифодалайди.*

Ялпи пул тушуми – *товар маҳсулоти, иш, хизмат ва моддий бойликларни сотишдан тушувчи пулнинг умумий миқдори.*

Ялпи фойда – *корхона ялпи даромадининг барча мажбурий тўловларни чиқариб ташлагандан сўнг корхона ихтиёрида қолувчи қисми.*

Ҳуқуқий шахс – *фуқаролик субъекти сифатида фаолият юритувчи, мустақил баланс, гербли муҳр ва банкда ҳисоб рақамига эга, Низом асосида фаолият юритувчи ҳамда банкротга учраганда ўз мулки билан жавоб берувчи корхона.*

Қайта тиклаш – *мавжуд ишлаб чиқаришни техник ва ташкилий такомиллаштириш, асосий фондларни комплекс равишда янгилаш ва замонавийлаштириш асосида тўлиқ қайта қуриш жараёни.*

1. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон – XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
6. Зайцев Н.А. Экономика промышленности предприятия. - М.: ИНФРА-М, 1996.
7. Верст И., Равентоу П. Экономика фирмы. Учебник. - М.: Высшая школа, 1994.
8. Финансы предприятий. Учебное пособие. Коллектив авторов под редакцией Бородиной Е.И. - М.: ЮНИТА, 1995
9. Дубровский В.Ж., Чайкин Б.И. Экономика и управление предприятием (фирмой). Екатеринбург, 1998.
10. Львов Ю.А. Основы экономики и организация бизнеса, Санкт-Петербург, ГМП Формика, 1992.

ДАРСЛИКЛАР

1. Экономика предприятия. Под ред. проф. Волкова О.И., - М.: ИНФРА-М, 2000.
2. Экономика предприятия. Под ред. проф. В.П. Грузинова, - М.: ЮНИТИ, 1998
3. Сергеев И.В. Экономика предприятия. - М.: Финансы и статистика, 1997.
4. Экономика предприятия. Под ред. профессоров Горфинкеля В.Я., Купрякова Е.М. М.: ЮНИТИ, 1996.
5. Грузинов В.П., Экономика предприятия. М.: СОФИТ, 1997.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. 1.Макконелл К.Р. Брю С.Л, Экономика: принципы, проблема и политика. Перевод с англ. Том 1, 2, - М.: Республика, 1992.

2. 2.Коно Т. Стратегия и структура японских предприятий. - М.: Прогресс, 1997.

3. Лебедев О.Т., Каньковская А.Р. Основы менеджмента. Учебное пособие Санкт-Петербург, Изд. дом МиМ, 1997.

4. Жильцов В.Г., Как профессионально разработать бизнес-план, Алматы, 1994.

5. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск, ООО Новое знание, 1999.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 5
I боб. «КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ» КУРСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ 7
1.1. Иқтисодиёт фан ва ишлаб чиқариш фаолиятининг соҳаси сифатида 7
1.2. «Корхона иқтисодиёти» — иқтисодий фаннинг таркибий қисми ва билимлар соҳаси таркибий қисми 11
1.3. «Корхона иқтисодиёти» курсининг мазмуни, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқаси 15
Қисқача хулосалар 18
Назорат ва муҳокама учун саволлар 19
Асосий адабиётлар 19
II боб. КОРХОНА — МУСТАҚИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОЗОР СУБЪЕКТИ 20
2.1. Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли 20
2.2. Корхонанинг белгилари, вазифалари 23
2.3 Корхоналарни таснифлаш 27
2.4. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар 32
Қисқача хулосалар 34
Назорат ва муҳокама учун саволлар 35
Асосий адабиётлар 35
III боб. КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ 36
3.1. Корхонани ташкил қилиш тамойиллари 36
3.2. Таъсис ҳужжатлари 37
3.3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши 39
3.4. Корхоналарни тугатиш ва қайта ташкил қилиш 40
Қисқача хулосалар 42
Назорат ва муҳокама учун саволлар 43
Асосий адабиётлар 43
IV боб. КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ 44
4.1. Бошқарув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида 44
4.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бошқаришнинг тамойиллари мақсад ва вазифалари 49
4.3. Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва вазифалари 55
4.4. Корхонани бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари 62
4.5. Корхонани бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари 65
Қисқача хулосалар 68
Назорат ва муҳокама учун саволлар 69
Асосий адабиётлар 69

V боб. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ..... 70
5.1. Бозор иқтисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг иқтисодий табиати ва объектив зарурияти..... 70
5.2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари 73
5.3. Корхоналарда режалаштириш ва башорат қилиш..... 78
5.4. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси..... 82
5.5.Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чиқиш тартиби..... 87
Қисқача хулосалар..... 91
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 92
Асосий адабиётлар..... 92
VI боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ..... 93
6.1. Самарадорлик – корхона ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир..... 93
6.2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари..... 95
6.3. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари..... 101
Қисқача хулосалар..... 104
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 105
Асосий адабиётлар..... 105
VII боб. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ 106
7.1. Асосий фондларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни..... 106
7.2. Корхоналарда асосий фондларнинг эскириши, уларни баҳолаш ва таъмирлаш..... 109
7.3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ва кўрсаткичлри..... 115
7.4. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати..... 119
Қисқача хулосалар..... 122
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 123
Асосий адабиётлар..... 123
VIII боб. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ..... 124
8.1. Айланма маблағлар тушунчаси, иқтисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти..... 124
8.2.Айланма маблағларнинг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири..... 127
8.3.Айланма маблағларни меъёрлаштириш..... 131
8.4 Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари..... 139
Қисқача хулосалар..... 142

Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 143
Асосий адабиётлар..... 143
IX боб. КОРХОНАДА КАДРЛАР ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ... 144
9.1. Корхонанинг кадрлар салоҳияти..... 144
9.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати..... 148
9.3. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш 150
Қисқача хулосалар..... 153
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 154
Асосий адабиётлар..... 154
X боб. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР..... 155
10.1. Харажатлар тушунчаси ва классификацияси..... 155
10.2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, тақсимланиш тартиби ва кўпайтириш йўллари..... 157
10.3. Рентабелликнинг моҳияти ва кўрсаткичлари..... 160
Қисқача хулосалар..... 164
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 164
Асосий адабиётлар..... 165
XI боб. КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ..... 166
11.1. Инвестициялар корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида..... 166
11.2. Корхоналарда инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари..... 168
11.3. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш..... 171
Қисқача хулосалар..... 177
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 178
Асосий адабиётлар..... 178
XII боб. КОРХОНА ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТИЖОРАТ СИРЛАРИ..... 179
12.1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари..... 179
12.2. Корхона хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш ва бошқариш 180
12.3. Корхонанинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари..... 182
12.4. Корхонанинг тижорат сирлари 185
Қисқача хулосалар..... 190
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 191
Асосий адабиётлар..... 191
АТАМАЛАР ЛУҒАТИ..... 192
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 200

CONTENTS

INTRODUCTION..... 5
Part I. THE ESSENCE AND TASKS OF THE COURSE OF ECONOMY OF THE ENTERPRISE..... 7
1.1. Economics as a science and production activity 7
1.2. Economy of the enterprise – part of economical science and scientific branch..... 11
1.3. Meaning, tasks of the course and its relations with other disciplines..... 15
Brief conclusions..... 18
Questions for discussion and control..... 19
Main literature..... 19
Part II. THE ENTERPRISE - AN INDEPENDENT ECONOMIC ENTITY OF THE MARKET..... 20
2.1. Place and role of the enterprise in the development of economy.... 20
2.2. Features of the enterprise and its tasks..... 23
2.3. Classification of the enterprises..... 27
2.4. Structure of the enterprise and its determining factors..... 32
Brief conclusions..... 34
Questions for discussion and control..... 35
Main literature..... 35
PART III. CREATION AND THE TERMINATION OF THE ENTERPRISE ACTIVITY..... 36
3.1. Principles of creation of the enterprises..... 36
3.2. Status documents..... 37
3.3. State registration of the enterprise..... 39
3.4. Reorganization and the termination of enterprises' activity..... 40
Brief conclusions..... 42
Questions for discussion and control..... 43
Main literature..... 43
PART IV. MANAGEMENT OF THE ENTERPRISE..... 44
4.1. Management as an objective necessity in the activity of modern enterprises..... 44
4.2. Goals, problems and principles of enterprise organization in market economic relations..... 49
4.3. Organization structures and regulation functions organization..... 55
4.4. Peculiarities of managing an enterprise (society)..... 62
4.5. The basic directions of perfection of enterprise management operations of business..... 65
Brief conclusions..... 68
Questions for discussion and control..... 69
Main literature..... 69
PART V. PLANNING AND FORECASTING OF THE ENTRPRISES... 70
5.1. Economic environment and necessity of planning and forecasting

in conditions of market economy..... 70
5.2. Methodological bases, principles and problems of planning at the

5.3. Planning and forecasting in the enterprise..... 78
5.4. Planning technology and structure of enterprise's plans..... 82
5.5. Business-plan, its maintenance and the order of development..... 87
Brief conclusions..... 91
Questions for discussion and control..... 92
Main literature..... 92
PART VI. ECONOMIC AND SOCIAL PRODUCTION EFFICIENCY..... 93
6.1. Efficiency is the important criterion of industrial activity of the

6.2. Criterion and parameters of managing efficiency..... 95
6.3. Factors and ways of increase of efficiency in the activity of the

Brief conclusions..... 104
Questions for discussion and control..... 105
Main literature..... 105
PART VII. FIXED CAPITAL AND INDUSTRIAL CAPACITY OF THE ENTERPRISE..... 106
7.1. Essence of fixed capital and their role in the activity of the

7.2. The estimation, deterioration and repair of main funds of the

7.3. Parameters and ways of improvement of utilization..... 115
7.4. Production capacity of the enterprise..... 119
Brief conclusions..... 122
Questions for discussion and control..... 123
Main literature..... 123
PART VIII. TURNOVER MEANS OF THE ENTERPRISE..... 124
8.1. Concept, economic essence and meaning of turnover means in the activity of the enterprise..... 124
8.2. Structure and circulation of turnover means and their influence on economy of the enterprise..... 127
8.3. Normalization of turnover means..... 131
8.4. Parameters of usage and the way of acceleration of turnover

Brief conclusions..... 142
Questions for discussion and control..... 143
Main literature..... 143
PART IX. THE STAFF AND A PAYMENT AT THE ENTERPRISE... 144
9.1. Personnel potential of the enterprise..... 144
9.2. Personnel selection of the enterprise in of market relations..... 148
9.3. Payment at the enterprise..... 150

Brief conclusions..... 153
Questions for discussion and control..... 154
Main literature..... 154
PART X. COSTS, PROFIT AND PROFITABILITY OF THE ENTERPRISE'S INDUSTRIAL ACTIVITY..... 155
10.1. Concept and classification of expenses..... 155
10.2. Concept of the profit, sources of formation, the order of distribution and way of increase o the profit..... 157
10.3. Economic essence of profitability..... 160
Brief conclusions..... 164
Questions for discussion and control..... 164
Main literature..... 165
PART XI. INVESTMENT ACTIVITY OF THE ENTERPRISE..... 166
11.1. Investments as means of development and strengthening of the enterprise industrial potential..... 166
11.2. The basic sources and directions of investments an the enterprise..... 168
11.3. An estimation of economic efficiency of investments..... 171
Brief conclusions..... 177
Questions for discussion and control..... 178
Main literature..... 178
PART XII. SAFETY AND A TRADE SECRET OF THE ENTERPRISE..... 179
12.1. Goals, problems and principles of safety maintenance of the enterprise..... 179
12.2. Organization and regulation of enterprise safety..... 180
12.3. Security services of the enterprise, their structure and functions... 182
12.4. Commercial secret of the enterprise..... 185
Brief conclusions..... 190
Questions for discussion and control..... 191
Main literature..... 191
Terminology dictionary..... 192
LIST OF BIBLIOGRAPHY..... 200

ЭРКИН ХАМЗАЕВИЧ МАҲМУДОВ

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ

Ўқув қўлланма

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумаев
Мусаввир:
Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир – Икромова Д.
Техник муҳаррир – Ш.Тожиев
Мусаҳҳиҳ – Ж.Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи – Давлатқулов Д.

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $^{1}/_{32}$. Офсет босма усулида босилди. Нашр босма тобоғи 13. Нусхаси 1500.
Буюртма № 183

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру,1.

«Taraqqiyot PCH» матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Талабалар кўчаси, 54-уй.



МАХМУДОВ Эркин Хамзаевич — *«Микроиқтисодиёт» кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди. У 2 та монография, 3 та рисола, 4 та ўқув қўлланма, шу жумладан 2 таси ҳаммуаллифлик асосида, 200 тадан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, 10 та илмий адабиётлар ва ўқув дастурлар, 5 та илмий мақола тўпламлари масъул муҳаррири.*

Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Бозор шароитида инвестиция сиёсати ва стратегияси».

